

О.А.Каримова

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

Тошкент – 2003

Азиз ўғлим Абдуҳамиджон хотирасига бағишлайман

Муаллиф қисқа дарсликда, кўпроқ талабани изланишга, фикрлашга чорлайди. Дарсликда берилган дастур, тест саволлари, диплом, назарий ишлар, рефератлар мавзулари ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

Муаллиф Ўзбекистон республикасида қабул қилинган қонун қонуний хужжатларини дарсликнинг ҳуқуқий негизи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб — ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этади.

Сўз боши

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги, ўз тақдирини ўзи белгилашидек буюк бахт бугунги ёш авлодларимизга насиб этди. Республикамиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қурмоқда. Бундай давлатни барпо этиш эса жамиятдаги ривожланган ҳуқуқий тизимининг, халқнинг, айниқса ёшларнинг, юксак даражадаги ҳуқуқий билими, маданиятини тақазо этади.

Кейинги йилларда Республикамизда мустақиликни мустаҳкамлаш жараёнида жуда кўп ишлар олиб борилмоқда. Энг асосий ўрин илмга қаратилган. Бу эса янги — янги дастурлар, ўқув қўлланмалар, кўргазмали қуроолар яратишни талаб этади.

Бунга «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилган Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низоми, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб — ҳунар таълимини ташкил этиш чора — тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ва бошқа бир қанча ҳуқуқий хужжатлар мисол бўла олади.

Мамлакатимиз ривожланиши, дунё миқёсида давлатлараро ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиши келажак авлодни янада

ўқимишли, ҳар томонлама билимдон қилиб тарбиялашни талаб қилади.

Юз бераётган ўзгаришлар олдимизда турган улкан вазифаларни ёшларга ҳуқуқий давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ англатиш; қонунларни ҳурмат қилиш туйғуларини ҳис қилдириш; қонунларни сўзсиз бажариш шарт эканлигини уқтириш; ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишга ёрдам бериш; Ўзбекистон республикаси давлат тизимини мукаммал билиш ва ҳоказолардан иборатдир.

«Ўзбекистон Республикасида ёшлар ва турли ёшдаги балоғатга етмаганларнинг ҳуқуқий таълими ҳақида»ги Низомга асосан ҳуқуқий таълим Республикадаги барча мактабларда, гимназияларда, лицейларда, профессионал ва ихтисослаштирилган профессионал техника билим юртларида (ўрта махсус, касб – ҳунар таълими), Олий ўқув юртлари махсус йўриқнома асосида тайёрланган дастур асосида олиб борилиши лозим.

Юкска ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда Республикамиз таълим тизимида ўқитилаётган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанининг ўрни ва имконияти чексиздир.

Ушбу ўқув қўлланма талабаларга давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, жамият тараққиётида уларнинг ўрни, давлат, ҳуқуқ, давлат шакллари тўғрисидаги фикрларнинг талқини, Конституция ҳуқуқи. унинг мақсад, вазифаси, бошқа ҳуқуқ соҳалари, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни тўғрисидаги билим асосларини бериш назарда тутади.

КИТОБ (битик) — барча
бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл —
идрокнинг илму донишнинг
асосидир, ҳаётни ўргатувчи
мураббийдир.

Амир Темур

КИРИШ

Жамиятнинг борлиғи келажаги, ҳозирги даврнинг қай даражада шаклланиши шу жамиятда яшовчи шахслар — инсон ва фуқароларнинг хатти—ҳаракатларига боғлиқ. Бу ҳаракат фойдали ёки фойдасиз бўлиши мумкин.

Ҳар бир давлат ўз вакилини ҳар томонлама ўқимишли, онгли, тарбияли кўришни истайди, шундай бўлиши учун шароит яратади, имконият беради.

Ҳуқуқий давлат сари қадам қўяётган Ўзбекистонимиздаги ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини, эркинликларини, бурчларинигина билиб қолмасдан, балки қонун қабул қилиш жараёнида қатнашиш, давлат, жамият ишларини англаш, уларни бошқаришда ўзларининг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларини кўрсатадиган даражада етилган бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Жамият ва давлатнинг етакчи кучи унинг қонунларида. қонун нимани ўз ичига олган, кимни, қандай ҳимоя қилади, инсонга қандай ёндашади? Бу масалалар йиллар давомида халқни қизиқтириб келган.

Бир даврларда подшолар, шохлар, императорлар, қироллар қабул қилган қонун, қарорларни ҳаммага элчилар орқали етказилар эди. Кинофильмлардан элчиларнинг: «Одамлару, одамлар, эшитмадим деманглар, подшоҳимиз шу буйруқни эълон қилишни буюрдилар», деб жар солиб юрганини кўрганмиз.

Демак махсус одамлар кўчама — кўча, махаллама — махаллаларда, бозорларда юриб халқни янги қонун, қарор, фармонлар билан таништирган. У даврда халқнинг кўпчилиги ўқишни унча билмаган бўлса ҳам подшоҳнинг амрини билиши шарт эди. ҳозирги даврда Ўзбекистон аҳолиси ёппасига ўқимишли, билимли. Ҳар бир янгиликларни матбуот, телевидения, радио орқали эшитади, ўқийди. Лекин ҳозирги даврга қадар аҳолимиз ҳаммасини, айниқса ёшларимизни, тўла илми, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий онгли, юксак даражада билимли дейиш қийин.

Махсус қўлланмада биз ёшларга ҳуқуқий билимни эгаллаш учун етарли маълумотлар тўплашга ҳаракат қилдик. Шу давлат бизники. Демак давлатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши сиз ва бизга

боғлиқ. Давлат, жамият ишларини мукаммал билиш учун ҳуқуқий билимли, онгли, маданиятли бўлиши давр талаби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1997 йил 20 май куни Республика ҳуқуқ тартибот идора раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозимлигини, мустақиллик сўзининг заминидида катта, улўф ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётганини айтди.

Мазкур китобдан сиз Республикаимизнинг ҳуқуқ фани соҳаларига тааллуқли билимларни ўрганишга ва янги қонунлар, қонуний актларнинг шарҳларини билиб олишга эга бўласиз, деган умиддамиз.

Янги фуқаролик жамиятни қуришда ҳар бир шахс қонунларни, демократия, мустақиллик тушунчасини, давлат бошқарувидаги улкан ўзгаришларни, инсон, фуқароларга берилган эркинликларни мукаммал билиши лозим. Бу жамиятни қуришда, унинг ислохларини амалга оширишда «янгилаш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, янгича фикрлайдиган одамларни тарбиялаш»¹ давр талаби бўлиб келмоқда.

Эски дастурлар, дарсликлардан воз кечиб янги замон талабига жавоб беридиган усулларда дарс ўтиш анча мураккаб, изланишни, муайян қийинчиликларга олиб келса ҳам табиий, объектив ҳоллардан келиб чиқиб ишлаш зарур. Республикаимиз Президенти бу тўғрисида шундай фикрлар билдирган: «ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тош — тарози бор. Бошқача айтганда, одамзод бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт хузур — ҳаловатидан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди»². Шундай экан қанчалик мураккаб бўлмасин таълим соҳасида ҳам улкан ислохатларни амалга ошириш билан бир қаторда, таълимнинг негизи бўлган ўқув дастурларини, улар асосида ёзиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларни ҳам тубдан такомиллаштириш лозим. Таълим узлуксизлигини инобатга олган ҳолда тингловчи, ўқувчи, талаба ҳар бир ўтиладиган дарсни, маърузани, сухбатни янгича усулининг баёнини, муаммосини очиб олсин, қизиқсин, излансин.

Мазкур китобда ўрта махсус, касб — ҳунар таълими босқичидаги тингловчиларга дастур, амалий машғулотлар мавзуси, мустақил иш мавзуси, талабаларнинг билимини аниқлаш учун саволлар, тестлар, рефератлар мавзулари ҳам тавсия этилади.

Дастурда асосий мақсад «Ҳуқуқшунослик» фани бўйича ўтиладиган ҳуқуқ соҳаларини босқичма — босқич ўргатиш назарда тутилади.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга илтимоқда, Т., «Ўзбекистон», 1999, 7 бет.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга илтимоқда, Т., «Ўзбекистон», 1999, 7 бет.

Муаллиф ҳуқуқий таълим моделини яратишда қатнашганлиги сабабли ушбу дарсликда фан такрорланмаслигига аҳамият қаратди.

Дарсликда ёритилган мавзуларда тингловчини мустақил ишлашга жалб қиладиган, унда қизиқиш, изланиш учун иштиёқ туғдирадиган йўллар қўлланган.

Дарслик тўғрисидаги фикр — мулоҳазларингизни, таклиф ва истакларингизни кутиб қоламиз ва аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.

Муаллиф

«Ҳуқуқшунослик» фанининг предмети вазифаси, мақсади»

«Ҳуқуқшунослик» фанининг мазмун — моҳияти, унда ўтиладиган ҳуқуқ соҳаларидан олган билимларнинг амалиётда қўлланиш жараёни махсус курснинг **предмети ҳисобланади**.

«Ҳуқуқшунослик» фани Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ривожлантиришдаги, ижтимоий — ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини ва хусусиятни ўргатади. Бу фан мустақиллигимиз мустаҳкамланишида, янги қонунлар қабул қилинишида ўтмишдаги мутафаккирларимизнинг ўғитлари, ҳуқуқий қарашлари, панд — насихатларини ҳам билишга ёндошади.

«Ҳуқуқшунослик» фанининг **мақсади**:

Давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлатнинг вужудга келиши, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик омиллари, давлат органлари, уларнинг ваколатлари, маъмурий, меҳнат, фуқаролик, оила, жиноят, табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича назарий ва амлий билимлар бериш, ёшлар ҳуқуқий билими, маданияти ва онгини оширишга ёрдам бериш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамият қуришда ўз ҳиссаларини қўшишдан иборатдир.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг узвийлигини, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишда ёшларнинг ўрнини билдириш фаннинг асосий **вазифасидир**.

Бу вазифалар иккита — таълимий ва тарбиявийга бўлинади.

Таълимий вазифалар:

- ҳуқуқ соҳаси бўйича билимларга эга бўлиш;
- олинган билимларни ҳаётда, амалиётда ишлата билиш;
- ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини давр талаби даражасида ривожлантириш;
- қонун доирасида иш тутишни олинган билимлар орқали амалга ошириш;
- эркин фикрлаш, фанга қизиқиш, мустақил ишлар, ижодий, илмий ишлашга интилиш уйғотиш, адабиётлардан фойдаланиш ва х.к.;
- ҳаётда учрайдиган ижобий ва салбий оқибатларни ҳуқуқий шарҳлаш қобилиятига эга бўлиш, ўз фикр мулоҳазаларини билдириш даражасида илмга эга бўлиш;

- келажакда ҳуқуқий билимни янада такомиллаштиришга ўз мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятини бошлаганда олинган маълумотлардан фойдаланиш ва х.к.

Тарбиявий вазифалар:

- қонун асосида яшашага кўникма ҳосил қилиш;
- конституция ва қонунлар белгилаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тадбиқ этиш;
- Конституция ва қонунларга юксак ҳурмат даражасини ошириш;
- ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, айниқса ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликнинг камайишига эришиш;
- она ватан туйғусини ёшларнинг қон – қонига сингдириш;
- Ватан, оила, жамият олдида ўз бурчларини тўла англаб, ҳаётда амалга ошириш;
- мактабгача таълим муассасаларида ва умумўрта мактабдаўқиётган ёшларга ибрат бўлиш;
- ўз билим омилларига, вазифаларига масъулиятини ошириш;
- нопок йўللардан қайтариш ва х.к.

Ҳуқуқшунослик фани «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фанинидан бошланади. Бу фан бошқа ҳуқуқий фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни ўрганиш жароёнида фалсафа, иқтисодий назария, сиёсий социология, синергетика, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда тармоқ юридик фанларининг бутун — бир мажмуи томонидан ўрганилади.

Фалсафа, иқтисодий назария, социология, синергетика тафаккур, жамият, табиат тараққиётининг энг умумий қонунларини очиб беради, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ёритади ҳамда илмий негиз ҳосил қилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси мана шу негизга таянган ҳолда давлат ва ҳуқуқнинг табиати, моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини очиб бериши мумкин.

«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи юридик фанлар тизимига киради. У давлат ва ҳуқуқ тарққиётининг асосий қонуниятларини ўрганган ҳолда давлат — ҳуқуқий ҳодисаларининг теран муаммоларини, давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, уларнинг функцияларини, жамиятдаги ўрнини, мақсадини қамраб олади, тармоқ юридик фанларнинг предметини эса давлат — ҳуқуқий воқеликнинг айрим жиҳатлари ташкил этади. Назария доирасида ишлаб чиқилган умумий тушунчалар тармоқ юридик фанларида ўзининг аниқ талқини ва изоҳини топади.

I — БОБ

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети, вазифаси, мақсади

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат ва ҳуқуқ масалаларига оид тушунчалар, қарашлар тизимини аниқлашга, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги муфассал тасаввурларни билишга ёрдам беради. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанини мукамал билишда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фанини билиш муҳим ўринни эгаллайди. Чунки бу фан Давлат ва ҳуқуқ назариясини, назарий қоидаларни, ижтимоий — сиёсий ҳаётнинг мураккаб томонларини ўргатади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фан бўлиб, бунда ўрганадиган соҳа ижтимоий ҳодиса — давлат ва ҳуқуқдир. Унинг бошқа ижтимоий фанлардан фарқи — давлат ва ҳуқуқий устқурмага доир масалаларни ўргатиш, кишиларнинг ижтимоий ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурини, билимини бойитиш, давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш сабабларини, унинг моҳиятини, ривожланишини билишдан иборатдир.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишдаги умумқонуний асослари, давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши ва такомиллашувидир.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг бошқа ҳуқуқий фанлардан фарқи қуйидагилардан иборат.

Бу фан давлат ва ҳуқуқни бир бутун ҳолда олиб, бир — бири билан ўзаро алоқадор бўлган ижтимоий ҳодисаларни ўргатади. У юридик фанларнинг умумназарий асоси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда у бошқа фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўзига хос хусусиятга, ўзи ўрганадиган фан соҳасига эга. Улар қаторига давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, давлат ва ҳуқуқ типлари, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, шакллари, ҳуқуқий меъёрларнинг табиати, тузилиши, амал қилиши, қўлланиши ва бошқалар киради.

Юридик фан соҳаларини ўрганишдан аввол давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги асосий назарияни билиш, махсус фанларни ўрганишда ёрдам беради.

Юридик фан тизимини қуйидагиларга бўлиш мумкин: а) назарий — тарихий фанлар; улар қаторига давлат ва ҳуқуқ назарияси; давлат ва ҳуқуқ тарихи; б) ҳуқуқ соҳаларига — Конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи; фуқаролик ҳуқуқи; меҳнат ҳуқуқи; жиноят ҳуқуқи ва бошқалар; в) махсус ҳуқуқий фанлар — криминалистика, суд медицинаси; суд психиатрияси; суд бухгалтерияси киради.

Давлат ва ҳуқуқ муаммоси инсониятни минг йиллардан бери ўйлатиб келади. Бу қадимги мисрликлар, ҳиндалр, хитойлар, вавилонликлар, форслар, яҳудийлар, греклар, римликлар ва бошқа халқларнинг мифологик манбаларида ўз аксини топган.

Давлат ва ҳуқуқ вужудга келиши тўғрисида ҳар хил фикрлар, қарашлар, тахминлар мавжуд. Айрим олимлар, мутафаккирлар давлатни илохий куч, оллоҳ томонидан ихтиёр қилинганлигини, шу сабабдан у доимий, ўзгариши эса диний ташкилотлар ва диний бошқарувчи шахсларга боғлиқ деб тушунтирадилар. Бу назария теологик деб номланиб, Фомс Аквинскийнинг асарларида берилган.

Аристотель, Филмер, Михайловский ва бошқалар фикрича инсонлар жамоа бўлиб яшашган, улар биргаликда меҳнат қилиш, бир—бирларини тушуниш учун оила қуришлари, оилаларни биргалаштиришлари керак эди. Унинг натижасида давлат вужудга келган деб билардирадилар. Бу назария патриархал назарияси деб аталади.

Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги шартномали назария XVII—XVIII асрларда вужудга келган бўлиб, унинг асосчилари Гроция, Руссо, Радишев ва бошқалар. Бу назарияга асосан давлат ихтиёрий, онглий келишув натижасида шартнома тузиш туфайли вужудга келган, деб талқин қилинади. Кишилар шартнома тузиб, ўз ихтиёрлари орқали айрим ҳуқуқларини, эркинликларини давлатга беришган. XIX асрда зўрлик назарияси асосчилари Дюринг, Гумплович, Каутский ва бошқалар давлатнинг вужудга келишини уруш, зўравонлик, ҳарбий—сиёсий фактлар асосида амалга ошганлиги тўғрисида ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Бу назария тарафдорлари бир қабилани иккинчисига бўйсундириш учун махсус бостириш идоралари кераклиги тарафдори эдилар.

Материалстик назария асосчилари К.Маркс, Ф.Энгелс, В.И.Ленин. Улар давлат вужудга келишининг сабабини ижтимоий—иқтисодий сабаблардан деб билишган. Жамиятда ҳар хил меҳнат тақсимооти, касб турлари, айрим табақа — синфлар пайдо бўлиши давлат келиб чиқиши сабаби деб тушунтирганлар.

Яна бир назария бу психологик, рухият назарияси. Назария тарафдорлари Петрожитский, Тарда, Фрейда ва бошқалар. Давлат вужудга келишини инсоннинг руҳиятидаги ўзгаришлар билан боғлайдилар. Айрим шахслар ўз руҳиятларида, истакларида бошқаларни ўзига бўйсундириш, ўзгалар устидан ҳукмронлик қилиш қобилиятига эга бўлганликлари сабабли ўзларини ҳукмрон шахс сифатида кўрсатадилар. Бошқалар эса шу шахсларга бўйсунуш, уларнинг қўл остида хизмат қилиш каби рухий тушқунлик сезади. Бунинг натижасида ҳукмрон ва бўйсунувчи шахслар вужудга келади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясига доир фикр, мулохазалар Ўрта Осиё мутафаккирлари, олимларини ҳам жуда қизиқтирган. Масалан, V—

VI асрларда Ўрта Осиё ҳудудида кўтарилган халқ қўзғолонининг йўлбошчиси Маздак одамлар тенглиги тўғрисидаги таълимотини намоён қилган. Хошим ибн Хошим (Муқанна) унинг ғояларининг издоши эди. IX—X асрларда яшаган Абу Носир ал-Фаробий оқилона давлат тузиш тўғрисидаги тасаввурларга айниқса салмоқли ҳисса қўшди. Уни Гегель Шарқнинг Афлотуни деб атаган эди.

Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шархи», «қонунлар ҳақида китоб», «Бахт—саодатга эришиш йўллари ҳақидаги рисола», «Шахарни бошқариш», «Фазилатли ҳулқлар» асарларида жамият ва давлат муаммолари ҳақида фикр юритади. Давлатнинг пайдо бўлишини одамларнинг бирлашишига бўлган табиий интилиши деб қарайди. Фаробий одамлар бирлашгандан сўнг саъй—ҳаракати зарур шарт—шароит яратадиган, улар фаолиятини йўналтирадиган муайян ижтимоий ташкилот керак деб билади. Давлат эса шундай ташкилот ҳисобланади.

Фаробий давлатни икки хилга бўлади. Биринчиси — фазилатли «фозил» — «идеал» давлат, бу давлатдагилар ҳаммаси бахтли, бу давлатнинг моделини у ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида кўрсатиб беради.

Иккинчиси — бу фазилатсиз хаёлий, ёлғон бахт—саодатга элтадиган давлат.

Фаробий давлат бошқариш шакли чекланмаган монархия бўлиши тарафдори эди. Хукмдор ақл—заковатли, билимдон бўлиши ва ўз атрофидагилар ҳам шундай фазилатли бўлишлари даркор деб билар эди. Фаробийнинг ижтимоий—сиёсий таълимоти Ибн Маскавит асарларида янада ривожлантирилди. Умумий бахт—саодат ва идеал ижтимоий бирлашиш ғояси Шарқнинг Абу Райхон Беруний ва Ауб Али Ибн Сино каби қомусий одамларини ҳам илхомлантирди. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Ўрта Осиёдаги ижтимоий—сиёсий ғоялар ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг давлат тўғрисидаги қарашларининг асосий қоидалари «Саддий Искандарий», «Вақ фия», «Ажам подшолари тарихи» асарларида баён қилинган.

Буюк шоир ва файласуф Мирзо Абдуқодир Бедил давлат инсоният жамиятининг бойлар ва камбағалларга, эзувчиларга бўлиниши натижасида келиб чиққан деб тушунтиради.

Давлат ва ҳуқуқ муаммоларига Ахмад Махмуд — Ахмад Дониш — ҳам доимо эътибор берган. Давлат, деб қайд этади А.Дониш — халқ билан подшо ўртасида халқни талон—тарож ва ўғирликдан ҳимоя қилиш мақсадида тузилган шартнома натижасида шаклланади.

XIX ва XX аср оралиғида яшаган ва ижод этган Ўзбекистон демократик тафаккурининг яна бир вакили Муқимий (Мухаммад Аминхўжа Мирзахўжа) нафақат феодал тартибларини, балки янгидан пайдо бўлган эксплуататорларни, Туркистондаги рус

маъмуриятини танқид қилиб чиқди. Муқимий Фурқатдан фарқли равишда ислохатларга ишонмас эди. У мавжуд давлат ҳокимияти тўлалигича бойларга боғлиқ, улар халқ манфаатларини ҳеч қачон ҳисобга олган эмас ва олмайди деб таъкидлар эди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси унинг келиб чиқиши ҳақидаги янги билимлар билан бойишда давом этмоқда, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ва функцияларида синфийлик ва умумижтимоий нисбатларининг қўшилиши юз бермоқда. ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назариясини баҳолашга янгича ёндашувлар зарур. Республиканинг ривожланиш босқичида унда юз бераётган давлат ва ҳуқуқий жараёнлар, ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамияти муаммолари ўз ечимини кутмоқда. Табиатни муҳофаза қилишда, сиёсийлаштиришдан қайтишдан маънавий ҳаётда, сиёсий йўлбошчилик ва муҳолифат ҳамда бошқа бир қанча масалаларда давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро ҳамкорлиги тобора долзарб бўлиб қолмоқда.

Жамият тушунчаси

Инсоният вужудга келиши билан у якка ўзи яшайолмайди. Инсон кимлар биландур муомалада бўлиши, фикр — мулоҳаза қилишни табиат қонунияти десак ҳам бўлади. Жамият қандай, қай тарзда вужудга келганлиги тўғрисида ҳозирги давргача бирор бир хил тушунча йўқ десак хато бўлмайди. Лекин жамият учун энг асосий белги — бу онгли ва ихтиёрий равишда шахсларнинг биргаликда муносабатида бўлиши. Агар инсон ҳоҳламаса, бирга яшашни истамаса у онгли равишда ҳеч кимга қўшилмайди. Шунинг учун жамиятга кирган шахслар умумий қизиқиши, истаги бўлиши керак. Лекин бу билан ҳамма бир хил тушунча, бир хил фикрга эга бўлмагани туфайли жамиятда яшай олмайди, деб айтиш нотўғри, чунки жамият аъзоси ҳар хил фикрда, тушучаларда бўлиши мумкин. Жамиятнинг ташкил топишида ҳар хил фикрлар кўпчиликнинг кўз қараш, умумий диққат — қараши бўлиши мумкин.

Жамият ундаги одамларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳамкорлиги асосида ташкил топади. Бу ҳамкорлик ҳар бир жамиятдаги шахснинг камол топишига кўмаклашиши лозим. Жамият бугун бирлашиб эртага тарқалиб кетадиган уюшма эмас. Бу мустаҳкам, бир — бирига боғланган, доим яшаш имкониятига эга жамоа уюшмасидир. Бу жамиятги ўзаро — боғлиқ натижасида одамларнинг камол топиши, ривожланиб бориши керак. Одамларни бирлашиб яшашлари, фикраши учун қандайдир ғоя бирлаштириб туради. Ғоя инсон ҳаётига мазмун боғишлайдиган, уни ҳаракатга келтириб мақсад сари етаклайдиган фикрдир. Масалан, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат вакилининг ўз қарашлари, хилма — хил тушунчалари бўлиши табиий, лекин уларнинг ҳаммасини бирлаштирадиган ғоя

шу давлатнинг келажаги учун, фаровонлиги учун ўз хисасини қўшиш, Ватаним деб Ўзбекистонни севиш каби манфаатларни ўз ичига олади. Инсон жамиятнинг асосини ташкил қилади. Лекин инсон жамият билан боғланиш муаммаосини, ҳуқуқ, эркинлик, бурчларини, нима қилиши мумкин, нима қилиш мумкин эмас каби хислатларни, қоида, қонун тартибларини билиши керак. Бу қоидалар инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни тегишли органлар, ҳокимият орқали тартибга солади

Жамият тушунчаси ўз ичига ақл ва онгли равишда одамларнинг бирлашиши, улар ўртасида умумий қизиқиши бўлиши, бу қизиқиш уларни бирга ишлаши, ривожланишига олиб келиши, одамлар муносабатлари маълум қоидалар, тартиблар билан боғлиқлигини, бу қоидаларга риоя қилиш учун ички ва ташқи куч ҳукмронлик воситалари бўлишини, жамият янгилалиниши учун шарт—шароитлар мавжуд бўлиши лозимлигини олади.

Энг қадимги даврда ибтидоий жамоани бошқариш.

Инсоният ҳар хил жамиятга бирлашиб жамоа, уюшма бўлиб яшаб келган. Бир даврларда давлат бўлмаган, одамлар тўда—тўда бўлиб яшаганлар. Бу даврда ҳали тўлалигича ақл, идрок, бирлашиш тўғрисидаги асосий мақсад нимага керак эканлиги аён бўлмаса ҳам, инсон якка ўзи ҳаёт кечири олмаслиги аниқ бўлганлиги туфайли кимларгадир қўшилиб, кимландандур ҳимоя кутиш шартлигини билар эди. Чунки ибтидоий жамоа деб номланган узоқ бир даврда одамларда меҳнат қуроллари, ҳимоя қуроллари, кийим—кечак, яшаш учун бирор—бир шароит бўлмаган. Инсонлар ташқаридан келган хужумларга қарши чиқиш, яшаш учун озиқ—овқатларни қидириб топишга биргалашиб ҳаракат қилишлари шартлигини тушунган ҳолда тўда—тўда бўлиб яшар эдилар. Меҳнат қуроллари умумий бўлиши, биргаликда жамоа бўлиб ов қилиниши натижасида топилган овқатлар тенг бўлиниб жамоа аъзоларига тақсимланган.

Биринчи ташкил қилинган жамоалар гуруҳ, қабила, бирлашмалар шаклида тузила бошланган эди. Уруғ бу шахсий уюшма бўлиб, ким, қайси ҳудудда яшаши аниқланмаган. Бу жамият аъзолари қон—қариндошлик хусусиятлари асосида бирлашган эди. Улар бу ҳудуддан у ҳудудга кириб юриши мумкин эди.

Бу жамиятда ҳукмдорликни катталар амалга оширар эди. Асосий ўрин ўз—ўзини бошқариш шаклида амалга ошиб, уруғлик умумий мажлисида ҳамма масала ҳал қилинар эди. Умумий мажлис оқсоқолни, ўзлари орасида ҳурматга сазовар одамлардан ҳарбий бошлиқни сайлар эди. Улар урушларини бошқаришда ўз вазифаларини бажарар эдилар. Диний масалалар билан шуғулланувчи алоҳида шахслар ҳам мавжуд бўлган. Лекин уруғда юқорида кўрсатилган бошлиқларни биронтаси алоҳида бошқариш ҳуқуқи билан чекланмаган бўлиб, ҳамма масалалар мажлисда ҳал қилиниар эди.

Аста — секин уруғлар кенгайиб, бирлашиб қабилалар уюшмасини ташкил қила бошлаган. қабилаларнинг умумий ишларини кенгаш бошқарар эди. Кенгаш оқсоқол ва ҳарбий бошлиқлардан ташкил топган.

Энг қадимги давр тузумида инсонларнинг ўзаро муносабатлари махсус кишлар орқали тартибга солиниб турилган. Улар урф — одат, диний ақидалар, ҳулқ — атвор қоидалари, меҳнат, оила, жамият аъзолари билан муноабатдаги тартиблардан иборат бўлган.

Жамият оилаларга, оилалар — бойлар ва камбағалларга бўлиниши, меҳнат тақсимотини вужудга келиши давлатни ташкил топдирди. ҳамма жамият аъзоларини тартиб доирасида тутиб турадиган махсус уюшма — давлат вужудга кела бошлади. Демак, давлат инсонларнинг жамиятдаги ўрни, ривожланиши натижасида вужудга кела бошлади.

Давлатнинг вужудга келиши назариясида илмий ёндашишида ҳозирги даврга мос фикрларни ўрганиш, талқин қилиш ва баҳо бериш олимларимиз олдидаги улкан мауаммо бўлиб қолмоқда.

Узоқ йиллар марксизм — ленинизм назариясидан келиб чиққан ҳолда давлатни ибтидоий жамоа емирилиши билан боғлаб уч асосий шаклда: оддий классик; узлуксиз олиб борлган урушлар; бошқалар ҳудудини босиб олиш натижалари деб тушунтириб келинган.

Масалан, материалистик ёки классик назария давлатнинг вужудга келишини иқтисодий сабаблар билан боғлаб, жамиятда меҳнат тақсимооти, хусусий мулк вужудга келиши ва синфларнинг пайдо бўлиши натижаси деб билади.

Табиий — ҳуқуқий назария тарафдорлари инсониятнинг табиий ҳолати, муносабати ҳуқуқий шартнома тузишга олиб келади. Бу табиий ҳол деб билишади.

Органик назариянинг туб маъноси инсонлар бирор аъзосиз яшаши мушкулдай, биргалашиб яшамаслиги ҳам қийин деб тушунилади. Жамият ва давлат бир бутун организм деб тушуниш кераклигини ва улар алоҳида — алоҳида яшаши мумкин эмас деган фикрни билдиради.

Зўрлик назария тарафдорлари фикрича давлат зўрлик ва босиб олиш натижасида вужудга келган. Зўрлик иқтисодий — сиёсий тарзга эга бўлиб, бу давлатнинг ички — ташқи ишларида ўз ўрнини эгаллайди деган назария хулосаларини ўртага ташлайди.

Психологик назариянинг туб маъносида инсон онгли, руҳияти билан бирга яшаш, бирлашишга эҳтиёж сезганлигини, бу табиий интилиш жамоани бирлашиш қонуниятига айланган деган тушунчани билдиради.

Ибтидоий жамоадаги урф — одатларга хос хусусиятлар уруғ томонидан шаклланар эди, уруғ аъзоларининг манфаатларини кўзлар эди, бу урф — одатларга риоя этиш ҳар бир уруғ аъзосини кундалик тартиб доирасига кириб қолганлиги уларни ихтиёрий

бажаришлиги, махсус куч ишлатиб, назорат қилувчи ташкилот йўқлигидан далолат билдиради. Агар бирор шахс урф — одат қоидаларини бузса, унга нисбатан тушунтириш ишлари олиб борилар эди. Вақти — вақти билан бирор шахс қоидаларни бузса уруғдошлари томонидан айрим мажбурлов чоралари кўриш мумкин бўлган. У даврда ҳуқуқ ва бурч ўртасида аниқ чизиқ йўқлиги туфайли ҳуқуқий нормалар бурч бўлиб, бурч эса ҳуқуқ бўлиб ҳисобланган.

Бу давр давлат вужудга келгунга қадар бўлган давр бўлиб, жамият бошқарилиши, ҳулқ — атвор қоидалари жамиятнинг иқтисодий, ижитмий, маънавий, маданий ривожланишига ва шахснинг камол топишига боғлиқ эди.

Давлатнинг вужудга келиши

Энг қадимги даврда аста — секин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Одамлар ўзлари ов қилиш, ердан фойдаланиш, озиқ — овқатларни топиш мақсадида ҳар хил қуролар ишлаб чиқа бошладилар. Тропик, субтропик жойлардан чиқиб ер юзи ҳудудига тарақала бошладилар, яшаш учун ҳар хил меҳнат билан шуғулланишни мажбур қилди.

Кишилар экин экиш, мол боқиш касбини ўргандилар. Меҳнат тақсимланиши уруғ орасида ўз таъсирини кўрсата бошлади. Эркаклари удабурон, ҳозирги ибора билан айтганда, тадбиркорлари, секин — аста ортиқча мол — мулк ортира бошладилар. Бу эса ўзининг мулкига эга бўлиш истагини амалга оширди. Жамиятдаги шахслар ҳар хил табақага бўлиниши натижасида уни энди бошқариш мушкул бўлиб қолди. Бир — бирига қарама — қарши, бир — бирига бўйсунитишни истамаган гуруҳларни, шахсларни тартиб доирасида тутадиган куч керак бўлиб қолди. Эркаклар ўзларига якка хотин, ундан туғилган фарзанд бўлишини, топган мол — мулкига меросхўри бўлишини талаб қила бошладилар.

Давлатнинг вужудга келиши тўғрисида ҳар хил тушунчалар бўлиши табиий албатта. Лекин асосий сабаб бу инсон, унинг интилиши, ўсиши, ақли, онги, руҳий ҳошиши, истаги ва табиат қонунияти.

Давлат қандай шаклда вужудга келмасин, унинг негизида умумий ҳукмронлик асосига таянган одамларнинг бирлашувини мақсад қилиб олди. Шунинг учун давлат жамиятдан чиққан, жамият устига ўзини — ўзи қўйган сиёсий ҳукмрон ташкилот. Давлат ҳукмронлиги жамиятни бирлаштирувчи, ташкил этувчи, мажбурловчи куч бўлиб ҳисобланади.

Давлатда ҳар хил бошқа жамоа уюшмалар бўлиши мумкин, албатта. Лекин ҳар бир жамоа уюшмалар давлат ўрнатган қонунларга риоя қилиши, қонун доирасида иш кўриши шарт.

Демак, давлат бу бутун мамлакат ҳудудида тўла ҳукмронликка эга ташкилот, давлат жамиятда яшовчи ҳар бир шахснинг иродасини ифода этиш йўллари аниқлаб беради, жамиятнинг ички, ташқи ривожланишини кўрсатиб берувчи, жаҳон давлатларига танитувчи махсус вакил бўлиб ҳисобланади.

Давлат вужудга келиши билан унга хос белгилар мавжуд. Улар:

1. Давлат ўз ҳудудига эга бўлиши, чегара дахлсизлиги;
2. Давлат аппарати вужудга келиши: (армия, полиция ва ҳаказо.);
3. ҳуқуқни шакллантириш;
4. Солиқ йиғилиши.

Маълумки ибтидоий жамоа тузилишида одамлар тўда—тўда бўлиб яшаган, махсус ҳуқуқ, уй—жой масаласига эътибор беришмаган. Давлат вужудга келиши билан унинг ўз ҳудуди, чегараси, чегара дахлсизлиги бузилса уруш эълон қилиши мумкин бўлиб қолади.

Давлатда яшовчи одамларнинг тартиб доирасида туриши учун махсус ташкилотлар — суд, армия, полиция ва бошқалар бўлишлари шарт эди.

Лекин бу ташкилотлар ўз ишларини қонун асосида амалга оширишлари керак эди. Шу сабабдан ўша давлатнинг тузилишини, сиёсати, бошқарилишларини химоя қиладиган ҳуқуқ нормалари ишлаб чиқилди.

Давлат ташкилотларида ишловчиларга ҳақ тўлаш учун, халқни тартиб доирасида тутувчиларга тўланадиган маблағ, пул, халқнинг ўзидан солиқ тариқасида олина бошланди.

Бугунги кунда айрим ҳуқуқшуносларимиз давлат «ҳукмрон ташкилот» деган тушунчага эътироз билдирадилар. Лекин «ҳукмрон» сўзининг тўб маъносини аниқлаш, изохлаш керак. Оилада ота—она ҳукмрон, тартиб ўрнатувчи, фарзанд бўйсунувчи. Жамиятда давлат агар ўрнатган қонун—қонун ҳужжатларига риоя этишда, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда тушунтириш чораси ёрдам бермаса, мажбурлов чорасини қўллайди. Демак, тартиб бузувчиларга ҳукм ишлатади. Ўзи ўрнатган тартибга риоя этишни таъминлаш мақсадида халқнинг иродасини, тинчлигини сақлаш мақсадида ҳукмронлик қилиш ўринли. Шу сабабли биз «ҳукмрон ташкилот» иборасини ишлатдик.

Давлат шакллари

Давлатга хос белгилар мактабларда мукаммал билиб олинганлиги туфайли, олий ўқув юртларида, давлат шакллари таалуқли ҳар хил фикрларга ўз муносабатини билдириши учун айрим муаммоларга тўхтаб ўтмоқчимиз.

Маълумки, бошқариш монархия ва республика турида амалга оширилади. Республика парламентлар ёки президентлик бўлиши

мумкин. Парламентар республикада юқори ўринда парламент туради. Бу давлатда давлат бошлиғи парламент томонидан сайланади ёки махсус коллегия томонидан ташкил топади. Бунинг заминда парламентнинг ижроия органлар устидан назорат қилиш ҳуқуқи ётибди.

Президентлик республикада — президент парламент билан бир қаторда давлатни ва ижро этувчи ҳокимиятни бошқаради. Президентлик республика қуйидаги хусусиятларга эга: президент халқ томонидан сайланади, давлат ҳукуматини тузади, у президентга ҳисобот беради, унинг олдидан жавобгар. Давлатни бошқаришда Президентнинг ваколати, масъулияти парламентдан кенгроқ ҳисобланади.

Давлат тузилиш шаклига кўра, унитар, федератив, конфедератив, империя бўлиши мумкин.

Федерация — бирлашган, иттифоқ маъносини билдиради. Федератив давлат эса бир неча сиёсий — ҳуқуқий мустақилликка эга давлат тузилмаларидан ташкил топган мураккаб давлат ҳисобланади.

Унитар сўзи якка деган маънони билдириб, давлат тузумида оддий вилоят, шаҳар, туман ва ҳ.к. бўлинмаларига эга бўлади. Бу бўлинмалар суверен ҳуқуққа эга эмас.

Унитар давлатнинг федератив давлатдан фарқи унда якка Конституция, ягона Олий давлат органи ва ҳ.к. мажудлигида.

«Федерация — у ёки бу шаклда ўз мустақиллигини сақлаб қоладиган давлатлар ва давлат тузилмалари кўзда тутилади», деб таъриф беради Р.А.Тузмуҳаммедов («ҳаёт ва қонун», 1995, 4 сон, 16). «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий тузилиши» китоби муаллифлари Республикамизни унитар давлат деб белгилаб: «Давлат ҳокимияти Конституцияда ҳокимиятнинг тақсимланиши назариясига биноан мустақамланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий жihatдан бўлинмас ягона давлатни ташкил этади. Унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар шулар киради»¹ деганлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида республикамиз қандай тузилиш шаклида эканлиги кўрсатилмаган.

Конституциянинг 70 — моддасида «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республика таркибига киради», 71 — моддада «Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга», 73 — моддада «Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралади унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий — ҳудудий тизимини масалаларини мустақил хал қилади», 74 — моддада «Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат ва маъмурий тузилиши. 1-том, Т., 1995, 13 — бет.

Қорақалпоғистон халқини умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга» деб кўрсатилган.

Демак, Қорақалпоғистон ўз Конституцияга, олий давлат органига чегара, ҳудудига эга суверен Республика экан у ўз ихтиёри билан Ўзбекистон Республикасига бирлашган, иттифоқ тузган.

Қорақалпоғистон Республикасининг бу ҳуқуқий ҳолатини ва Ўзбекистон Республикаси билан ихтиёрий биргалашганини, федерация сўзининг назарий жиҳатдан туб маъносини англаган ҳолда биз Республикамизни федератив тузим шаклига мансуб десак ҳам бўлади.

Олимларимизга Республикамиз Президенти И.А.Каримов мустақиллик сўзининг туб маъносини айтиб беришни сўраганда, айримлари бу «Ўзининг ички—ташқи функциясини бажариши», «ўз рамзларига эга бўлиши» деган тушунча билдирдилар. Президент эса: «Мустақиллик бу ҳуқуқ», дедилар. «Мустақиллик» билан «суверенитет» сўзларининг луғавий тушунчаси нимада?

Мустақил — ўзига—ўзи хўжайин, чегарасиз ҳуқуқ, деган маънони билдиради. Мустақиллик — ҳар томонлама ўзини—ўзи бошқариш, ўз ишларини ўзи бажаришда чегарасиз ҳуқуққа эгалик.

Суверенитет — олий ҳокимлик, олийлик, юқорилик деган маънони билдиради.

Мустақиллик сўзи оилада, жамиятнинг бўлинмаларида, давлат тўзумларида учрайди. Мустақил оила, мустақил сиёсий партия, мустақил корхона, деган ибораларни кўп ишлатамиз. Суверенитет сўзи эса фақат у ёки бу давлатга боғлиқ. Ўз ҳокимиятига, ички, ташқи ишларини бажаришга, чегара, тил, рамзларига, пулига, мулкига, қонунларига эга бўлган давлат суверен давлат дейилади.

Демак, суверенитет сўзи мустақиллик сўзи билан чуқур боғланган. Ана шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи моддасида «Ўзбекистон — суверен демократик республика» ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1—моддасида «Қорақалпоғистон — Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирадиган суверен демократик республика» деб тасдиқланган.

ҳуқуқий давлат

Ҳозирги даврда ҳуқуқий давлат тўғрисида, унинг аҳамияти тўғрисида кўп фикрлар юритилади. Республикамизда ҳуқуқий давлат барпо этилиши Конституцияда ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқий давлатга узоқ—узоқ йиллардан бери уламоларимиз ўз муносабатларини билдириб келганлар. Гроций, Спиноза, Гоббс, Локк, Аристотель, Цицерон, Беруний, Фурқат, А.Темур, ва бошқалар ҳуқуқий давлатда халқ ҳокимияти ташкил этилишининг назарий асосларини яратиб, қонун ҳукумронлик қиладиган давлат

кўриниши тасаввур қилиб, ҳокимият бўлиниши тўғрисидаги ғоялар тизимини ҳам ишлаб чиққанлар. ҳуқуқий давлат назариясининг фалсафий асосини И.Канд шундай деб беради: «Давлат — бу ҳуқуқий қонунларга бўйсундирилган жуда кўп одамларнинг бирлашувидир».

Уламоларимиз у ёки бу даврда ҳуқуқий давлат тўғрисида ўз туйғуларини, истикларини, тасаввурларини мерос қилиб қолдирар экан, бугунги кунда ҳам уларнинг қарашлари ўз ўрнига эга.

Ҳуқуқий давлатга ҳозирги олимларимиз қуйидаги белгиларни мос деб биладилар. ҳуқуқий давлатда ҳокимият ишларини амалга оширишда шахс муносабати ва ҳар хил уюшмалар фаолияти ҳуқуқий асосда амалга оширилади. ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий асосларини хилма—хил мулк турлари ташкил этади. Узоқ йиллар Собиқ Иттифоқ тузумида хусусий мулкка қарши турилган эди, ҳозирги кунда эса хусусий мулк бошқа мулклар қаторида давлат ҳимоясида эканлиги Республикамиз Конституциясида ўз ифодасини топган. ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий асосини ўзини—ўзи бошқара оладиган фуқаролик жамияти ташкил этади ва бу жамият эркин шахсларини бирлаштиради. Маънавий жиҳатдан бу давлат—инсонийлик, ҳаққонийлик, тенг ҳуқуқлилик, инсон эркинлиги каби туйғуларнинг ривожланишига замин яратади. Бу давлатнинг сиёсий табиатини унинг суверенлиги ташкил этади.

Ҳуқуқий давлатда қонунийлик ҳамма жамият ҳаётида ўрин эгаллайди, қонун устунлигига амал қилинади. ҳар бир шахснинг реал ҳуқуқ эгаси бўлиб уни амалга ошириши таъминланади. Давлат фуқаролар олдида, фуқаролар давлат олдида ўз бурчларини бажариши, ҳокимият бўлиниши, қонунийлик ўрнатилиши, ҳуқуқ тартиботи тўғри йўлга қўйилиши каби ишлар амалга оширилади. ҳуқуқий давлатга хос юқорида кўрсатилган хусусиятларнинг кўпи Республикамизда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилишининг асосий хусусиятларидан бири бу барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонун устуворлигини, жамият манфаатларини ва аҳоли ҳавфсизлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни барпо этишдир.

ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

Ҳуқуқнинг вужудга келиши, тушунчаси

Инсоният вужудга келиши билан ўзини жамиятда тутиш қоидалари ҳам вужудга келган. Давлатгача даврда бу қоидалар, урф—одат диний меъёрлар шаклида бўлиб, жамият аъзолари буларга риоя қилган. Аста—секин жамият ривожланиши меҳнат тақсимотини, оилавий турмушда якка никоҳ вужудга келиши бу

қоидаларни ихтиёрий бажариш билан биргаликда мажбурий бажаришни ҳам талаб қила бошлади. Жамиятдагиларнинг ўзаро муносабатини вужудга келтира бошлаган хусусий мулкчилик кишиларнинг ҳуқуқларини, талабларини, ихтиёжларини тартиб доирасига солишни ижтимоий ҳодиса — ҳаёт талабига айлантирди. Бир сўз билан изоҳлаганда, жамиятдаги ўзаро муносабатларни шаклланишини амалга ошириш йўлини кўрсатиб берувчи қоидалар, нормалар вужудга кела бошлади. Бу нормалар ҳуқуқ, ҳуқуқий актлар деб атала бошлади.

Ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисида олимларнинг ҳар хил назарияси, қарашлари мавжуд. Цицерон, Лок, Руссо, Монтескье, Гольбах, Радиҳевлар ҳуқуқни табиий воқея деб тушунтирганлар. Бу назарияни асосида табиий ҳуқуқ — яшаш, ривожланиш, касб билан шуғулланиш, жамият ва давлат ишида иштирок этиш ҳуқуқлари ётибди. ҳар бир давлат инсонсиз мавжуд эмас дек, инсон ҳам табиий ҳуқуқларга эга.

Тарихий мактаб ҳуқуқий назарияси инсон ўзига — ўзи бажарилиши шарт бўлган қоидаларни вужудга келтириб, ўзи унинг бажарилишини таъминлайди, деган фикрни билдиради. Бу назария тарафдорлари қонуншунос ўзидан — ўзи ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқмайди, бунинг учун ижтимоий тузум, жамият ривожланишининг талабини эътиборга олиш лозим деб ҳам талқин қилишади.

Реслистик ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқни ташқи ривожланиш, таассурот асосида вужудга келади деб тушунчиришади. Инсон ўз олдида қандайдир бир мақсад қўйиб ҳуқуқ асосида ўз мақсадига эришади.

Социология ҳуқуқ мактабининг асоси инсоннинг ҳуқуққа тааллуқли, ҳуқуқ билан боғлиқ ҳулқ — атворини, ҳуқуқий муносабат тизимини ўрганишга қаратилган.

Ҳуқуқнинг келиб чиқиши назариясининг яна бир шакли қоидали йўналиш бўлиб, унинг тарафдорлари ҳуқуқ тизимини босқимча — босқич, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтади деб талқин қилишади. Асосий ўрин қонунга унга бўйсунилишга қаратилиб, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида бўлиши кераклиги кўрсатилади. Бу ҳуқуқ назариясини тарафдорларининг фикри ҳуқуқий давлат ғоясига яқинроқдир.

XX асрда психолгик ҳуқуқ назарияси тарафдорлари кенг тарқала бошланди. Жамият аъзоларининг мулккий ва шахсий муносабатларини, шахсларнинг жамият бойликларидан фойдаланиш эркинликларини, ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнининг ечимчи психологик ҳуқуқ назарияси кўрсатиб беради.

Материалистик ҳуқуқий назарияси негизида ҳуқуқ иқтисодий ҳукмрон синфнинг иродасини ифода этади деган тушунча билдирилади. Бу назарияга биноан ҳуқуқ давлатдагина мавжуд,

давлат ўз кучини йўқотиши билан ҳуқуқ ҳам тугайди деб тасдиқлашади.

Юқоридаги бир неча ҳуқуқ вужудга келиши тўғрисидаги назариядан келиб чиққан ҳолда ҳуқуққа хос қуйидаги белгиларни кўрсатиш мумкин:

- ◆ Ҳуқуқий нормалар жамиятда давлат томонидан махсус ҳужжат сифатида тасдиқланади;
- ◆ Ҳуқуқий норма давлат томонидан муҳофаза қилиниб, айрим вақтда бажаришни мажбурлашни талаб қилади;
- ◆ Ҳуқуқ шу жамиятда, давлатда яшовчи шахслар учун шарт бўлган ҳуқуқ тизими бўлиб хизмат қилади;
- ◆ Ҳуқуқ шу давлат фуқароларининг умумий ва шахсий эҳтиёжларининг узвий боғлиқ васитаси бўлиб ҳисобланади.

Демак ҳуқуқ жамият аъзолари ривожланишини, жамиятда тартиб ўрнатишни ташкил этиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаси экан. ҳуқуқ бу — давлат томонидан ўрнатилган ва ҳимоя қилинадиган жамиятнинг ижтимоий муносабатидан келиб чиққан, бутун жамиятнинг иродасини ифода этувчи, бажарилиши шарт бўлган ҳуқ — атворнинг юридик қоидалари мажмуасидир.

Ҳуқуқ шакллари

Ҳуқуқий нормаларнинг ўз ифодасини топиши ва акс эттирилиши асослари ҳуқуқ шакли деб аталади.

Юридик нормаларда асосланган махсус давлат ҳужжатлари ҳуқуқ манбаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқ шакллари: ҳуқуқий одат; суд прецеденти; норматив — ҳуқуқий акт ва халқаро шартномаларга бўлинади. Одат — ҳуқ — атвор қоидаси бўлиб узоқ даврлардан бери мавжуд. Давлат томонидан тасдиқланган одат ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий одатлар қулдорлик ва феодал давлатларида мавжуд эди.

Суд прецеденти — суднинг умум мажбурий аҳамиятига эга аниқ бир иш бўйича қароридир.

Норматив акт — ҳуқуқ нормаларининг белгиланиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига қаратилган, давлатнинг ташкилий органи томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актни ўз ичига олади. Норматив актлар икки гуруҳга бўлинади: қонунлар ва қонуний актларга. қонунларга — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Олий Мажлис қонунлари киради. қонуний актларга: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари; Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари; Вазирликлар ва давлат қўмиталарининг буйруқлари,

кўрсатмалари; маҳаллий ўзини — ўзи бошқариш органларининг қарорлари ва бошқалар киради.

Норматив актлар узоқ муддатга мўлжалланган ва вақтинчага бўлинади.

Қонунларни қабул қилиш жараёни қонуний актлардан кескин фарқ қилади. қонунлар фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки Референдум орқали қабул қилинади. қонун қабул қилиш жараёни, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламентга асосан амалга оширилади. қонунларда Ўзбекистон Республикаси халқининг иродаси ифода этилади. қонун юқори ҳуқуқий кучга эга бўлиб, қолган ҳамма ҳуқуқий нормалар бунга зид бўла олмайди. қонуний актлар, қонунлардан келиб чиққан ҳолда ва уларга риоя қилиш, бажариш мақсадида қабул қилинади.

Ҳуқуқ соҳалари

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиб турувчи ҳуқуқ соҳалари мавжуд. ҳуқуқ соҳалари қуйидагиларга: Конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик, маъмурий, жиноий, ер ҳуқуқи, меҳнат, оила, жиноий — ижроия, қишлоқ хўжалиги, экология (табиатни ҳимоя қилиш), молия, фуқаролик — ижроия ва ҳоказоларга бўлинади.

Ҳуқуқ соҳалари соҳачаларга, институтларга бўлинади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқ соҳаси — мажбурият, интеллектуал мулк, ворислик ҳуқуқ соҳачаларини ўз ичига олади. ҳуқуқ институтлари ижтимоий муносабатларни у ёки бу трларини тартибга солади. Меҳнат ҳуқуқи, масалан, меҳнат интизоми, моддий жавобгарлик, меҳнат муҳофазаси ва ҳақозо институтларни ўз ичига олади.

Шахсларни махсус ҳуқуққа эга бўлиш ва бурчларни бажариш жараёни ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солиб турувчи ижтимоий алоқа — ҳуқуқий муносабат деб аталади. ҳуқуқий муносабатлар Конституциявий, маъмурий, фуқаролик, жиноий ва ҳақозоларга бўлинади. Табиати бўйича: моддий (меҳнат, молиявий ва ҳақозо), процессуал (жиноий — ижроия, фуқаролик — ижроия)га бўлинади. ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ёки ҳимоялаш вазифасини бажаради. ҳуқуқий муносабатлар оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Бу муносабатлар қисқа вақт учун ёки узоқ муддатга мўлжалланади. ҳуқуқий муносабатлар вужудга келтирувчи асослар моддий — мулкӣ ёки юридик турларга бўлинади. Шахсларнинг ижтимоий — иқтисодий, маданий ва бошқа вазиятларда амалга оширилган муносабатлари моддий турга киради. Юридик муносабатлар — ҳуқуқий нормалар, юридик фактлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда — ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш шакли деса ҳам бўлади. ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи фактлар юридик фактлар деб аталади. ҳуқуқий муносабат субъектлар орқали амалга оширилади. Субъектлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаросизлар, чет эллик фуқароларга бўлинади. Субъектлар қаторига давлат, давлат ташкилотлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳам киради.

Субъектлар ҳуқуқий лаёқатга, муомала лаёқатига эга бўладилар. ҳуқуқий лаёқат шахснинг ҳуқуқ ва бурчига эга эканлигини билдиради. Муомала лаёқати шахснинг ўз ҳоҳиши, истаклари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариши тушунилади. Демак, муомала лаёқати шахснинг ёши, руҳий ҳолати билан боғлиқ. Муомала лаёқат тўла — 18 ёшдан, қисман — тўлиқсиз 14—18 ёшгача бўлинади. Агар шахс 16 ёшдан меҳнат шарномаси асосида, тадбиркорлик билан шуғулланса у тўла муомала лаёқатли деб танилиши мумкин. Бундай ҳолат — эмансипация деб номланади.

Шахс руҳий касал, ногирон ва алкоголик¹ деб тан олинган бўлса, у муомала лаёқатсиз деб ҳисобланади.

Юридик фактлар — ҳуқуқни ташкил қилувчи, вужудга келтирувчи (олий ўқув юртига ўқишга кириш); ҳуқуқий ўзгартирувчи — (бир ишдан иккинчисига ўтиш); ҳуқуқий тугатилувчи — (ўқишни битириш)га бўлинади. Юридик фактлар ҳодисаларга ва ҳаракатларга бўлинади: ҳодисалар ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳоҳшидан ташқари келиб чиқади. Масалан, ер қимиллаш, сув тошқини, ўлим, муддат ўтиш ва ҳаказолар. ҳаракат ҳуқуқий муносабат иштирокчилари истаклари ҳоҳиши асосида вужудга келади. ҳаракатлар ҳуқуқий ва ноҳуқуқийларга бўлинади. ҳуқуқий ҳаракатлар юридик актларга, юридик муносабатларга, юридик натижаларга бўлинади. Ноюридик қилмишлар жиноий, маъмурий, фуқаролик, интизомийларга бўлинади.

Ҳуқуқбузарлик тушунчаси

Жамиятга, давлатга ва шахсга қарши қаратилган айбли қилмиш ҳуқуқбузарлик деб аталади. ҳуқуқбузарлик, қилмишга (ҳаракат ёки ҳаракатсиз) айбга, ҳуқуққа қарши ёмон оқибатликга, қилмиш ва ёмон оқибатнинг боғлиқлигига, юридик жавобгарлик асосларига бўлинади. Бу қилмишлар жиноят ва тартиб бузиш деб аталади. Жиноят — ўзининг ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб туради. Тартиб бузиш — фуқаролик, маъмурий, интизомийларга бўлинади.

¹ Алкоголик фуқаролик ҳуқуқий муносабатда муомала лаёқатсизлики киради, жиноят содир эткан шахс наркоман, алкоголик бўлса, жазога тортилади.

Жиноят энг оғир қилмиш бўлиб ҳисобланади. Чунки у айбли ижтимоий, хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида содир этилиб шахсга, жамият ва давлат манфаатдорлигига, мулкка, тинчликка ва бошқа қонун асосида ҳимоя қиладиган, ҳуқуққа зид муносабатдан келиб чиқади. Шахсининг хатти—ҳаракатида ҳуқуқни бузиш таркиби бўлса у хатти—ҳаракат онглий шахс томонидан содир этилиб ижтимоий хавфли оқибат келтирсагина жиноят деб танилади. Жиноят таркиби субъект, субъектив томон, объект, объектив томонларга бўлинади.

Тартиб бузиш ёки ножўя, ноўрин хатти—ҳаракатлар — масалан, фуқаролик қонунни бузиш, мажбуриятларни бажармаслик, вақтида қарзни бермаслик, мулк ҳуқуқи қоидаларини, битим қоидаларини бузиш ва х.к. танилади. Бундай ножўя ҳаракат учун давлат томонидан кўнгилсиз оқибатларни бартараф қилиш йўллари қўлланилади.

Маъмурий ҳуқуқни бузишга мисол қилиб, кўчада юриш қоидаларига риоя этмаслик, транспортда юриш қоидаларини бузиш, санитария, ветеринария, ўрмон хўжалиги, балиқ тутиш, ов қилиш каби қоидаларини бузишни кўрсатиш мумкин. Интизомий тартиб бузишга — меҳнат тўғрисидаги қонунда кўрсатилган қоидаларга риоя этмаслик — корхонада ўрнатилган ички меҳнат тартиб қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш, вазифани бажармаслик ва х.к. киради.

Шундай қилиб ҳуқуқбузарликнинг тўрт хили: яъний жиноий, фуқаролик, маъмурий ва интизомий турлари бор. ҳар бир турига хос: жиноий, фуқаролик, маъмурий, интизомий жавобгарликлари мавжуд.

Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим

Маълумки шахсларнинг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги, маданияти қанчалик юқори бўлса, шунча ҳуқуқий муносабатларда қонун қоидалардан, ҳуқуқ нормалардан фойдаланиши онсон бўлади.

Ижтимоий ҳаётни ҳуқуқий тартиб доирасида тутиш тўғрисидаги тушунчалар тизими, ижтимоий онг шакли — ҳуқуқий онг бўлиб ҳисобланади. ҳар хил турда ижтимоий онг мавжуд, булар — сиёсий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва х.к.

Ҳуқуқий маданият кенг маънога эга бўлиб, шахсининг қонунга, давлат томонидан ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя этишдаги хулқи, муносабатини билдиради. Умуман маданиятли ва маданиятсиз шахс бўлганидек, одамлар ҳуқуқий маданиятли, ҳуқуқий маданиятсизларга бўлинади. ҳуқуқий маданиятли бўлиш учун қонун нормаларини билиши шарт эмас, унга риоя этиш, қонун асосида иш тутиш лозим. Айрим ҳуқуқ нормаларини мукамал биладиган шахслар, ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликка

тортиладилар. Улар ҳуқуқий билимли бўлганлари билан ҳуқуқий маданиятдан узоқдирлар. Демак, ҳуқуқий маданият шахснинг онгли равишда ҳуқуқий нормаларга риоя қилиши, ўз хулқ — атвори билан, ўрнатилган тартиб қоидага бўйсунуш десак бўлади.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онги унинг қонун нормаларига муносабатидан, уларни қабул қилиш хислатларидан, ўрнатилган қонуни қўллаш, унга риоя қилиш тушунчаларидан келиб чиқади.

«Биз, дейди И.А.Каримов, одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларга янги ҳуқуқий онгни шакллантирмоғимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши эркинликлари — айна вақтда муайян бурч, мажбурият ва маъсулият эканлигини чуқур хис этиб турсин».¹

Ҳуқуқий онг — шахслар томонидан давлат органлари орқали қабул қилинган қонун ҳужжатларини англаш, уларга риоя этиш, улардан онгла равишда ҳуқуқий муносабатга кириш жараёнида фойдаланиш қобилияти десак ҳам бўлади. ҳар бир шахс у ёки бу ҳуқуқий муносабатга кирар экан онгли равишда унинг оқибатини билади. У онгли равишда бу муносабатларни амалга оширади. Агар ҳуқуқий онг шахс руҳияти орқали қонуннинг туб маъносини тушуниб, уни қабул қилиш хусусиятини ўрната олган бўлса, ҳуқуқий маданият бу хусусиятни амалга ошириш жараёни бўлиб ҳисобланади. Агар ҳуқуқий онг билан ҳуқуқий маданият бир хил таъсир кучга эга бўлса, ҳуқуқбузарлик, қонунга риоя қилмаслик ёки бошқа ножўя ҳаракат амалга ошмайди. Лекин онг етарли даражада қонуний ҳужжатлар маъносини қабул қилсада, ҳуқуқий маданият шахсда паст бўлса, салбий оқибат рўй беради. Онгли, бир қарашда тарбияли деб танилган шахс, ҳар доим ҳуқуқий маданиятла бўлмайди. Масалан, айрим ўқитувчилар ўз фанини мукамал билиши, дарсларни барбод қилмаслиги, онгли равишда ўқув юртида ўрнатилган қоидаларга риоя қилиши билан бир қаторда, ҳуқуқий маданиятсизлиги туфайли таъмагир, талабадан бирор бир нарсани ундиришга, дала ховлисида текин ишлатишга ёки бошқа инсон ҳуқуқига путур етказилган ҳаракатлар қилади.

Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим билан чамбарчас боғлиқ. ҳуқуқий билим бир неча босқичдан иборат. Махсус ҳуқуқий билим, умумий ҳуқуқий билим, қисман ҳуқуқий билимларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Умумий ҳуқуқий билим педагогик университет ва институтлар қошида «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқшунос ва маънавият асослари» йўналиши бўйича ўқитувчилар тайёрланади. Республикамиздаги барча ўқув юртларида 80 соат миқдорида "Ҳуқуқшунослик ва Конституциявий ҳуқуқ" ўтилади. Ҳамма ҳуқуқ

¹ И.А.Каримов. Янги таълим ва ишлатиш — давр талаби. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, 120 б.

соҳаларидан, айғиқса Конституцияни ўрганиш махсус курсидан, шахсинг ҳаётида қонуний ҳужжатлардан фойдаланиш, ўз ҳуқуқ, эркинлиги ва бурчларини аниқлаш, давлат тузилишини, бошқарилишини, ўрнатилган тартибларни билиш ва х.к. билим берилади. Одатда ҳуқуқий билимли шахс, қонун ҳужжатларини онгли равишда қабул қилиб, ҳуқуқий маданиятли бўлганлиги учун уларни бузмаслиги керак. «Афсуски...ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан жиноятга қўл уриш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бу ҳоллар вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, солиқ ва божхона хизмати фаолиятида жиддий камчиликлар борлигидан далолат беради», деган эди Республикамиз Президенти халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида (1997 йил 14 февралда) сўзлаган нутқида. Тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун жавобгар шахсларни ҳуқуқий билимсиз деб бўладими? Йўқ, албатта. Лекин улар орасида, айримларида, ҳуқуқий маданият суст бўлганлиги туфайли онг салбий оқибатга хизмат қилади. Демак, ҳуқуқий билимли бўла туриб, ҳуқуқий маданиятли ёки маданиятсиз бўлишда ҳуқуқий онг ўз кучини ижобий ёки салбий томондан кўрсатиш мумкин.

II–БОБ **КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ**

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИ АСОСЛАРИ

Конституциявий ҳуқуқ фанинг предмети, вазифаси, манбалари

Конституциявий ҳуқуқ — ижтимоий тузум ва давлат органлари тизимини, шахсинг мавқеини, давлат ҳокимиятини амалга оширишда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни бошқариб турувчи ҳуқуқий нормалар мажмуини ўз ичига олади. Конституциявий ҳуқуқ биринчи навбатда ижтимоий тузум асосларини мустаҳкамлайди. Маълумки ҳар бир давлатнинг негизи унинг ижтимоий тузуми билан боғлиқ, шунинг учун давлатнинг Асосий қонуни энг аввало ижтимоий тузумни тартибга солиш мақсадини кўзлайди. Ижтимоий тузум хусусияти — олий ҳокимият кимга қарашли эканлиги, ким уни амалга ошириши, мулкчилик шакллари, турларини, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар қандай шаклланишини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам юқорида кўрсатилган масалалар ўз ифодасини топган. Республикамиз конституциявий ҳуқуқ нормаларида халқнинг мақсадлари, фуқароларнинг фаолиятлари ҳуқуқий асосланган. Конституциявий ҳуқуқ Республикадаги бирча ҳуқуқий нормаларнинг етакчи тармоғи

бўлиб ҳисобланади. ҳамма ҳуқуқий нормалар ундан келиб чиқади ва унга бўйсунди.

Юридик фаннинг ҳар бир соҳаси жамиятнинг, давлатнинг маълум бир тузилишини ўргатишни мақсад қилиб олган бўлса, Конституциявий ҳуқуқнинг ўрганиш доираси кенгроқ бўлиб ҳисобланади. Бу фан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида давлат суверенитетини, халқ ҳокимиятчилигини, Конституция ва қонун устунлигини, Республикамиз ташқи сиёсатини, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳолатини, Республиканинг маъмурий ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимиятинини ташкил этилишини, уларнинг ваколатларини, фаолият тартибларини ўз ичига олади.

Конституция сўзи латин тилида *Constitutio* — сўздан келиб чиқиб «тузиш», «ўрнатиш», «белгилаш» деган маъноларни билдиради. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни қонун асосида белгилаш қадимги Римда амалага ошира бошланганлиги тарихдан бизга маълум.

Конституция ўзининг узоқ тарихга эга. Жаҳонда биринчи Конституция 1787—йилда АҚШда, 1831—йил Белгияда, 1874—йил Швейцарияда қабул қилинган.

Конституция ўзига хос хусусиятлар билан бошқа қонунлардан ажраб туради ва фарқ қилади. Улар: биринчидан, ҳамма қонунлар Конституциядан келиб чиқиши ва унга зид келмаслигида; иккинчидан, Конституциянинг ҳолати доим биринчи ва асос солувчи ҳисобланишида; учинчидан, Конституция жорий қонунлар тизимини белгилашида; тўртинчидан, Конституциянинг қабул қилинишидаги хусусиятлари. Агар бошқа қонунларни қабул қилиш учун Республика Олий Мажлис депутатларининг кўпчилиги овози талаб қилинса, Конституцияга ўзгартиришлар киритишда Олий Мажлис депутатларининг камида учдан икки қисмидан кўпчилиги қатнашиши шарт; бешинчидан, Конституция қабул қилишда унинг ҳар бир моддаси алоҳида овозга қўйилади. Бошқа қонунлар эса масалан, Жиноят кодекси, Оила кодекслари депутатлар томонидан, лойиха муҳокама қилингандан сўнг ҳамма моддалари бир овоз билан қабул қилинади. Олтинчидан, Конституция жаҳон мамлакатларида тез ўзгармайдиган — стабил қонун ҳисобланади. Масалан, АҚШнинг Конституцияси 213 йил, Бельгияда 169 йил, Швейцарияда — 126 йиллардан ортиқ вақтдан бери ишлаб келмоқда. Бу Конституцияларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилган, лекин тўлалигича янги Конституциялар қабул қилинмаган.

Жаҳон мамлакатларида Конституциялар номланиши, тузилиши бир—биридан фарқ қилади. Масалан, Австрияда Федерал Конституцион қонун деб аталади. 1920 йилда қабул қилинган Конституция 7 бўлим, 152 моддадан иборат. Азирбайжон

давлатининг 1992 йил қабул қилган Конституцияси кириш қисмидан, 12 боб, 158 моддадан иборат. Алжир Халқ Демократик Республикасининг 1963 йилги Конституцияси кириш қисми, 78 моддадан иборат, 1995 йил қабул қилинган Арманистон Республикаси Конституцияси 9 боб, 117 моддадан иборат. Германияда асосий қонун, Канадада Конституцион акт, Мексикада «Бирлашган Мексика штатларининг сиёсий Конституцияси» деб аталади. Демак жохондаги давлатлар Конституциясининг стуртураси, тузилиши, номланиши бир — биридан фарқ қилсада, мақсади бирлиги билан ўхшашдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш шарт-шароитлари

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилган давргача Республикамизда бир — неча Конституциялар қабул қилган эди. Уларнинг ҳар бири Собиқ Иттифоқ Конституцияларидан сўзма сўз кўчирилиб, айрим моддаларидагина фарқ бор эди.

Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси, 1927 йил 30 мартда, иккинчиси 1937 йил 14 февралда, уинчиси 1978 йил апрел ойида қабул қилинган эди. Конституцияларда айрим фарқлар, масалан, 1927 йилдаги Конституцияда алоҳида давлат суверенитети, 1937, 1978 йилларидаги Конституцияларда СССР Конституциясидан фарқи бу Конституцияларда давлат бюджети, маҳаллий давлат органлари фаолияти, аёлларнинг ҳуқуқий ҳолатларини ҳимоя қилинишини ўз ичига олган моддаларда акс этилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва мустақил ўз Конституциясини қабул қилиши ўзбек давлатчилигини шаклланишига асос бўлди. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон суверен давлат деб аталгани билан бирор давлат масалаларни ўзи ҳал қилишга ҳаққи йўқ эди. Асосий қонуннинг бирор моддасига қўшимча ёки ўзгартириш киритиш масаласини фақат Иттифоқ Олий органи рухсат берсагина амалга оширар эди.

Мустақиллик шарофати билан эндиликда Республика ўз ҳуқуқий тизимини яратиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу Конституция яратилиши 1990 йилнинг июнь ойидан бошланди. Республика Олий Кенгаши ўзининг иккинчи сессиясида Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун Конституциявий комиссия тузди. Конституция лойиҳаси бутун халқ муҳокамасига қўйилди. Ўзбекистон Республикаси олимлари, халқи дейярли икки ярим йил мобайнида Конституция лойиҳасини тайёрлаб унинг муҳокамаси натижасини ўрганиб чиқди. Конституция Комиссиясига 6 мингдан зиёд таклиф ва мулоҳазалар тушди. Муҳокама натижасида лойиҳага 80дан ортиқ

қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Лойихада 127 модда эди, қабул қилинган Конституция 128 моддадан иборат бўлди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида» ва «Хокимиятнинг Конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Бу қонунлар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституция лойихасидаги ҳар бир моддани депутатлар овозига қўйиб, тасдиқдан ўтказди.

Қабул қилинган Конституция мустақил Республикамизнинг биринчи Асосий қонуни десак, хато қилмаймиз. Чунки бу Конституцияни ишлаб чиқишда, унинг муҳокамасини ўтказишда ҳеч ким тазиқ кўрсатмади, Республикамиз олимлари, Олий Кенгаш депутатлари, ҳамма Ўзбекистон фуқаросининг маҳсули натижаси десак ҳам бўлади.

Бу Конституция Ўзбекистон Республикаси халқининг мақсадини, истагини, давлат суверенитетини, ижтимоий ва давлат тузумини, Республикамиз халқаро муносабатини, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатларини, давлат органларининг ваколатларини, сайлов тизимини ва бошқа муҳим масалаларни ўз ичига олган. Республикамизда бозор механизмига мос келадиган ҳуқуқий асосни шакллантириш, янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқишда Конституция бу тизимнинг ўзагини ташкил қилади.

Республикамизнинг бугунги Конституцияси нима учун Асосий қонун эканлигини, Республикамиз Президенти И.А.Каримов 1997 йил 5 декабардаги нутқидан билиб олиш мумкин. «Авваламбор, бунинг сабаби шуки, халқимиз асрлар, минг—минг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни хавас қилган, орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Иккинчидан, давлатимизнинг ҳам ҳуқуқини, ҳам бурчини — ҳаммасини белгилаб берган. Нафақат белгилаб берган, балки уларни — ҳуқуқлар ва бурчларини ҳам бир—бирига уйғунлаштириб, бир—бирига мувофиқлаштириб берган... Конституциямиз инсон ҳуқуқ, инсон эркинлигини ўзида муҳрлаб берган ва виждон эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаб берган».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мазмуни

Республикамиз Конституциясининг бош қисмини муқаддима бошлайди. Унда давлатимизнинг ўтган йўли ва келажақтаги мақсади баён этилган. Конституциямизнинг муқаддимасини чуқур ўрганар эканмиз, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси бу Конституциянинг қабул қилинишида ўз хиссаси борлигини сезади. Чунки унда: «Ўзбекистон халқи дейилган, инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб... ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Республикамиз Конституциясининг биринчи бўлими Асосий принципларни ўз ичига олган. Конституциянинг асосий принципларига: давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги ва ташқи сиёсатлар киради. Конституциянинг биринчи моддаси — Ўзбекистон суверен демократик республика, деган сўзлар билан бошланади.

Суверен давлатимиз ўзининг миллий давлат ва маъмурий — ҳудудий тузилишига, давлат рамзларига, давлат органларига, ички ва ташқи сиёсатига, чегарасига, ўз Перзидентиға эгадир. Республикамиз ўз давлат тилиға эға. Давлат тили тўғрисидаги қонун мустақиллик арафасида 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган эди. 1995 йил 21 декабрда бу қонун янги тахрирда қайта чоп этилди. қонунға биноан Республикамизда иш юритиш ўзбек тилида олиб борилади.

Республикамиз миллий байроғи 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тўғрисида»ги қонунға биноан қабул қилинган. Мустақиллик йиллари ичида жахон мамлакатларида байроғимиз танилиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг Герби 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тўғрисида»ги қонунға биноан қабул қилинган.

Республикамиз ўз мадҳиясига ҳам эға. 1992 йил 10 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунға асосан мадҳия қабул қилинган.

1994 йил 1 июлда Республикамиз ўз миллий валютасига — сўмиға эға бўлди. Ватанимизнинг рамзлари дунёдаги мамлакатларға аста секит танилиб бормоқда. Бунға юрт бошимизнинг ўз учрашувлари, Олий Мажлис депутатларининг давлатлароро муносабатлари, олимларимиз, талабаларимизнинг тажриба алмашувлари, спорт ходимларининг мусабақаларда қатнашувлари замин яратиб бермоқда.

Конституциясининг иккинчи боби «Халқ ҳокимиятчилиги», деб номланган. Маълумки Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикасида, унинг Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар халқининг ишончини қозониб, халқ иродасини ифодалайди. Конституцияда

назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзгартириш, ҳокимият иродалари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш каби ишлар Конституция ва қонунларга хилоф ҳисобланади ва жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Конституцияда асосий ўрин жамият ва шахсга қаратилган. Мустақил давлатимизнинг мақсади ва вазифалари «Халқ иродасини — инсон манфаатини кўзлаб унинг моддий ва маданий талабларини тобора ва тўлиқ қондириш, айниқса шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчларини амалга ошириш кафолатини яратиш ва уни муҳофаза этишдир».

Конституциянинг 53 — моддаси: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма — хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб — баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» деб тасдиқлаган. Жамиятнинг иқтисодий негизини амалга оширишга таъълуқли: «Мулкчилик тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида», «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Лизинг тўғрисида» ва бошқа мулкчиликни, тадбиркорликни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, ҳуқуқий ҳолатларни кўрсатиш мақсадида қонунлар ва қонуний ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII — бобида еттита модда жамоат бирлашмаларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш мақсадига қаратилган. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин — қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади, деб тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат — ҳокимияти органлари давлатнинг ҳамма органларига тегишлидир. Бу ваколатлар давлатнинг ҳар хил органларида улар бажарадиган аниқ вазифаларга қараб ҳар хил кўринишда намоён бўлади.

Илк бор Президентлик институтини жорий этиш ва Ўзбекистон тарихида Президентлик учун демократик сайлов ўтказиш 1989 йилдан бошлаб Республикани кундалик масаласига кирди.

Ўзбекистон Республикаси ҳаётидаги улкан ўзгаришлар: мустақилликни эълон қилиш, ҳуқуқий янги давлат қуриш шунчалар тез амалга ошдики, бошқа бир даврда бунинг учун ўн йил керак бўлар эди.

Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви бирданига қарор топгани йўқ. Республика парламенти 1990 йил март ойида қонун қабул қилиб, ўша вақтда амалда бўлган Конституцияга (1978 йил апрелда қабул қилинган) тузатишлар киритди. Шу тариқа Президентлик лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йил 29 декабрда муқобил сайловлар асосида умумхалқ томонидан сайланди. У давлат бошлиғи сифатида давлат ичкарисида ва халқаро муносабатларда иш олиб боради.

Давлат ҳокимиятининг ижро этувчи давлат органи — Вазирлар Маҳкамасидир. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99 — моддасига биноан Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Вилоятлар, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, аynи бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоқим ва тегишлихалқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир деб тасдиқланган.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, мақсад, вазифаси

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий фанларнинг кенг соҳаларини — Республикасининг иқтисодиёти, ижтимоий — маданий, мағрифий қурилишини, Ўзбекистон мудофасини бошқариш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишга оид соҳаларини ўз ичига олади.

Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқаришини ташкил этиш ва амалга ошириш жароёнида юз берадиган муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар тизимидир. «Маъмурий» сўзи «бошқариш ёки бошқарувчи», яъни «шу ишни, вазифани бажарувчи шахс» демакдир.

Маъмурий ҳуқуқ бошқариш органларининг ташкил этилиши, фаолияти тартиби, принциплари, шакл ва усуллари, давлат хизмати, давлат хизматчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг давлат бошқарув соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқариш соҳасидаги муносабатларни, хусусан, давлат бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини, шунингдек уларнинг жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан муносабатларини тартибга солиш учун ҳокимиятнинг махсус органлари белгилаган хатти — ҳаракат қоидалари бошқариш жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий ҳуқуқ ўзининг табиатига кўра давлат ҳокимиятини амалга оширишни тартибга солишга, барча ҳокимлик органларининг фаолиятларини қонуннинг аниқ доирасига киритишга даъват этиди. ҳокимлик функцияларининг сарҳадларини, уларни сақлашни тартибга солиш, бошқарувнинг буйруқбозлик шаклларига қарши туришга ёрдам берувчи юридик механизмларини белгилаш, бу эса маъмурий ҳуқуқнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. ҳокимлик қилувчи тузилмаларнинг ички ташкилий фаолияти соҳасидаги муносабатларни ва давлатнинг назорат фаолиятини маъмурий ҳуқуқ амалга оширади.

Маъмурий ҳуқуқий нормалар императив (қатъий) қоидалардан: 1) ман қиладиган қоида (масалан, кўчада юриш — туриши қоидасига риоя қилиш); 2) мажбур қиладиган қоида (паспорт тизими қоидасини бажариш); ёки танлаш ҳуқуқини берадиган ваколат қоидалари бўлиши мумкин (масалан, бирор ўқув юртини фаолиятини текширишни тегишли вазирлик томонидан амалга ошириш)

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар — бу маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланган муносабатлардир. Уларнинг мазмуни субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади. Президент, унинг таркибий бўлинмалари,

мансабдор шахслар ва давлат аппаратининг бошқа хизматчилари, корхоналар, муассасалар, шунингдек, республика фуқаролари, хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, фойда олишни мақсад қилиб олмаган фуқароларнинг бирлашмалари субъектлар бўлиб ҳисобланади.

Республика Конституциясига кўра, Президент давлат бошлиғи ҳисобланади ва айтилиши вақтда ижро этувчи ҳокимиятга ва нафақат унинг марказий бўлинига, балки Республиканинг барча ижро этувчи тизимига раҳбарлик қилади. Давлат бошлиғи сифатида у ҳокимиятнинг барча тармоқларига бошчилик қилиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ижро этувчи органларнинг Президентга бевосита бўйсунуши унинг обрўсининг кучи билан ижро этувчи ҳокимиятни, қонунчиликни, интизомни мустаҳкамлаш, қарорларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш, пайдо бўлидиган масалаларни янада тезкорлик билан ҳал этишни таъминлаш имконини беради.

Давлат бошқарув органлари — булар қонун билан белгиланган тартибда ташкил топган ва унинг функциялари ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун давлат томонидан ваколат берилган, бу мақсадда давлат—ҳокимият ваколати билан таъминланган ва белгиланган тартибда иш кўрувчи фуқаролар гуруҳидир.

Давлат бошқарув органлари белгиланган тартибда ташкил топади. Унинг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун давлат томонидан вакил қилинган. Бу билан улар функцияларнинг бир қисмини ва умуман барча функцияларни бажаришлари мумкин. Вазирлар Маҳкамаси барча функцияларни, вазирликлар — айрим ёки бир қатор функцияларни бажаради.

Фаолиятларининг ҳудудий миқёсларига кўра давлат бошқарув органлари юқори, марказий ва маҳаллий органларга бўлинади. Юқори органларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши киради. Марказий органларга вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар киради. Маҳаллий бошқарув органларига ҳокимлар, шунингдек, айрим вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг органлари, бир нечта маъмурий—ҳудудий бирликлар ҳудудидаги объектлар: саноат бирлашмалари бошқармалари, темир йўллар ва шу кабилар кирадилар.

Тузилиш тартибига кўра давлат бошқарув органлари томонидан бевосита тузиладиган, давлат ҳокимияти юқори ижро этувчи, бошқарувчи органлари, вазирликлар, идоралар, ҳокимлар томонидан тузиладиган давлат бошқарув органларига бўлинади.

Тузилиш усулига кўра давлат бошқарув органлари тузиладиган (Вазирлар Маҳкамаси) ва тайинланадиган — барча қолганлари давлат бошқарув органларига бўлинади.

ҳажми ва ҳуқуқий тусига кўра давлат бошқарув органлари умумий, тармоқ, тармоқлараро ҳуқуқий органларга бўлинади. Биринчи гуруҳга Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар киради. Иккинчисига — вазирликлар,

идоралар, ҳокимликларнинг бўлинмалари ва бошқармалари киради. Учинчисига — давлат қўмиталари киради.

Идораларга қарашли масалаларни ҳал этишга кўра, бошқарув органлари коллегиялик ва яккабошчилик бошқарув органларига бўлинади.

Давлат бошқарув органлари ягона тизимни ташкил этадилар. У Республика миқёсида ҳўжаликка, ижтимоий — маданий ва маъмурий — сиёсий қурилишга кундалик ҳар томонлама раҳбарлик қилишни таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади.

Давлат бошқарув органлари тизими Республиканинг миллий — давлат тузилиши ва маъмурий — ҳудудий бўлинишнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиб қурилади. Унга Ўзбекистон Республикасининг, қорақалпоғистон Республикасининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва овуллар, шунингдек улар таркибидаги маҳаллар фуқароларнинг йиғинлари ўзини — ўзи бошқариш органлари, шаҳар, қишлоқ киради. Давлат бошқарув органлари тузилиши умумреспублика, марказий ва маҳаллий органлар ташкил этади.

Давлат бошқарувининг умумреспублика органларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, у Олий Мажлис билан келишган ҳолда Президент томонидан ташкил этилади ва ўз ҳуқуқ доирасида Ўзбекистон Республикасини бошқаришга тегишли барча масалаларни ҳал этишга ваколатлидир.

қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Жўқорғи Кенгеси томонидан тузилади ва ўз ҳуқуқ доирасида қорақалпоғистон Республикасига тегишли масалаларни ҳал этиш учун ваколатлидир.

Марказий бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси ва қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталари киради, уларга топширилган тармоқларга раҳбарлик қиладилар ёки тармоқлараро бошқарувни амалга оширади. Уларга республика вазирликлари ва давлат қўмиталари киради, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадилар. Уларнинг ихтиёрида республикага бўйсунувчи идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бор.

қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва давлат қўмиталарига бўйсунадилар.

Маҳаллий Бошқарув органларига:

- вилоятлар, туманлар, шаҳарларда вакиллик қилиш ва ижро этиш — бошқаришни ўзида мужассамлантирган ҳокимликлар;

- жойларда ҳўжалик, ижтимоий — маданий ва маъмурий — сиёсий қурилишнинг айрим тармоқларини кундалик тезкорлик билан бошқариш учун ҳокимлар томонидан тузиладиган ҳокимликларнинг бўлимлари, бошқармалари ва хизматлари кирадилар.

Давлат хизмати меҳнат фаолиятининг турларидан биридир. У моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ бўлмай, иш жараёнида амалда давлат вазифаларини амалга оширади.

Давлат хизмати, давлат аппаратидаги лавозимни белгилаган тартибда эгаллайдиган ва давлат вазифалари ҳамда функцияларини амалга оширишга оид ўзларига юклатилган мажбуриятларни тақдирлаш учун бажарувчи шахслар томонидан бажарилади.

Давлат фаолияти турларига кўра давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқарув органлари, одил судлов органлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари хизматчиларини фарқлайдилар.

Меҳнатнинг тусига кўра, давлат хизматчилари раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимларга бўлинади.

Раҳбарларга давлат органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, уларнинг таркибий бўлинмаларининг раҳбар ходимлари киради.

Олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва махсус билимлар ва меҳнат кўникмалари талаб қилувчи ишларни бажарувчи хизматчилар мутахассислар деб тан олинади.

Техник ижрочилар — булар хужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, хўжалик хизмати кўрсатиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш, иш юритиш билан банд бўлган хизматчилардир.

Ваколатларининг хусусиятига кўра, давлат хизматчилари давлат — ҳокимият ваколатига эга бўлган хизматчиларга ва бундай ваколатга эга бўлмаган хизматчиларга бўлинадилар.

Давлат органлари ва давлат хизматчиларидан ташқари жамоат бирлашмалари ҳам маъмурий — ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлишлари мумкин.

Жамоат бирлашмалари — бу халқнинг ўзини — ўзи бошқариш тизими бўғинидир. Улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини тузишда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларини ишлаб чиқишда қатнашадилар, давлат ва жамоатчилик органларида ўз аъзоларининг қонуний манфаатларини ифодалайдилар.

Ўзларининг шахсий ҳуқуқлари ва бурчларини давлат бошқаруви соҳасида амалга ошириб, хусусий шахслар сифатида ишловчи фуқаролар ҳам маъмурий — ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлишлари мумкин.

Маъмурий — ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш учун фуқаро маъмурий ҳуқуқий лаёқатга ва муомала лаёқатига эга бўлиши керак.

Маъмурий ҳуқуқий лаёқат — бу маъмурий — ҳуқуқий тусдаги ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиш қобилиятидир. У одам дунёга келган пайтда пайдо бўлиб, у умрининг охиригача давом этади.

Маъмурий муомала лаёқатига эга бўлиш — бу ўз хатти — ҳаракатлари билан маълум ҳуқуқни эгаллаш ва давлат бошқаруви соҳасида ўзига юкланган мажбуриятларни бажариш қобилиятидир. Муомала лаёқат, одатда, фуқаро 18 ёшга тўлганда пайдо бўлади. Лекин айрим ҳолларда у эрта ҳам

пайдо бўлиши мумкин. Масалан, 16 ёшга етган шахслар маъмурий ҳуқуқ бузишлар субъектлари бўлишлари мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 10 — моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик энг муҳим белгиларидан бири ғайриқонунийликдир. Бу ғайриқонуний ҳаракат каби ғайриқонуний ҳаракатсиз бўлиши мумкин. Масалан, кўчадан ўтиш қонунининг пийда томонидан бузилиши — ғайриқонуний ҳаракатдир. Ҳарбий хизматга чақирилувчи узрли сабабларсиз мудофаа ишлари вазирлиги органларига келмаса — бу ғайриқонуний ҳаракатсизликдир.

Бироқ, шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилди дейиш учун унинг айбдорлигини аниқлаш зарур. Бунда унинг айби атайин қилинган хатти — ҳаракатда ёки ҳаракатсизликда ва белгиланган тартибни бузишда ифодаланади.

Агар уни содир этган шахс ўз хатти — ҳаракатининг ёки ҳаракатсизлигининг ғайриқонуний эканлигини тушунган, унинг оқибатларининг зарарли эканлигини олдиндан кўрган ва унинг содир бўлишини хоҳлаган ёки билиб туриб бунга йўл қўйган ҳоллар қасддан қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик деб тан олинади.

Агар уни содир этган шахс эҳтиётсизлик оқибатида содир этган бўлса, ўз хатти — ҳаракатининг ёки ҳаракатсизлигининг зарарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини билган бўлса, лекин унинг олдини олишга енгилтаклик билан қараган бўлса ёхуд унинг шундай оқибатларни келтириб чиқаришини билса ҳам унинг шундай оқибатларни келтириб чиқариш мумкинлигини кўрмай қолса, маъмурий ҳуқуқ бузилишлар содир этилган деб тан олинади.

Республиканинг 16 ёшга тўлган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва дипломатик иммунитетга эга бўлмаган хорижий фуқаролар маъмурий ҳуқуқ бузилишларнинг субъектлари бўлишлари мумкин. Шундай ҳуқуқ бузишлар бўладиги, фақат 18 ёшга тўлгандагина жавобгар бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун фақат маълум касб билан шуғулланувчи шахслар (тозалаш иншоотларининг бузилганлиги сабабли суви

ифлосланган сув ҳавзаларига тушиш, электр ва иссиқлик энергиясидан беҳуда фойдаланиш) жавобгарликка тортилишлари мумкин.

қонун маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асосини назарда тутати. Бу зарурий мудофаа, охири зарурат, ақли норасолик содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамият бўлганда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи асосий органлар қуйидагилар ҳисобланади:

- туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси;
 - шаҳар, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;
 - ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари) ва қонунда назарда тутилган ҳамда ваколат берилган бошқа органлар;
 - давлат инспекциялари органлари ва республика қонунчилиги билан ваколат берилган (ёнғин назорати, ҳаво ва сув транспорти органлари, фуқаролар шаҳар ва электр транспорти органлари, ҳуқуқий ва техник инспекциялар, давлат шаҳар техник назорати ва бошқалар) органлар.
- қонун билан маъмурий бузишлар қуйидагиларга бўлинадилар:
- шахснинг қадр — қимматини, уй — жойнинг ва ёзишмалар сирининг дахлсизлиги учун ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасида;
 - меҳнатни ва соғлиқни (меҳнат ҳақидаги қонунни, санитария — гигиена қоидаларини бузиш, наркотик моддалар истеъмол қилиш, таносил касалликлари билан зарарланиш манбаларини яшириш, уни тузатишдан бош тортиш) муҳофаза қилиш соҳасида;
 - мулкка тажовуз қилиш соҳасида;
 - табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида (ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерларини ишдан чиқариш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ва бошқалар)
 - саноат қурилишидаги, иссиқлик ва электр энергияси соҳасида;
 - қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария — санитария соҳасида;
 - транспортда, йўл хўжалиги ва алоқа соҳасида;
 - фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасида;
 - савдо тадбиркорлик ва молия соҳасида;
 - одил судловга тажовуз қилиш соҳасида;
 - жамоат тартибига тажовуз қилиш соҳасида;
 - бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилиш соҳасида.

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 23 — моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

1. Жарима.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш.

4. Муйан шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш.

5. Маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва холис аниқлаш, уни қонунга мувофиқ аниқ ҳал этиш, чиқарилган қарорнинг бажарилишини, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт—шароитларни аниқлашдан ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни амалга ошириш тартиби маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс билан белгиланади.

Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги

Вояга етмаганлар ўн олти ёшдан маъмурий жавобгарликка тортиладилар. 16 ёшдан 18 ёшгача маъмурий ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги Низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Вояга етмаганлар қуйидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

1. Оз миқдорда талон — тарож қилиш.

2. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.

3. Кўзгусимон ва туси ўзгартилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш.

4. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.

5. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя қилмаслиги.

6. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши.

7. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши.

8. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш.

9. Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларини маст ҳолда бошқариши.

10. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки нача миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши.
11. ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол—мулкнинг шикастланишига олиб келиши.
12. Бошқариш ҳуқуқини берувчи хужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши.
13. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши.
14. Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг ҳаракат қоидаларини бузиши.
15. Майда безорилик.
16. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш.
17. Фуқароларнинг жамоат жойларда ибодат либосларида юриши.
18. Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш.
19. Милиция ходимнинг қонуний талабларини бажармаслик.
20. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиши.
21. Ўқотар қуроллар ва ўқ—дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш.
22. Ўқотар қўролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда, вояга етмаганлар умумий асосларда маъмурий жавобгарликга тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан ишлар вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шаҳар, туман, шаҳарлардаги туман комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин.

Оз миқдорда толон—тарож қилган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим.

Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик туридаги вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигини маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади.

Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги кам аҳамиятли бўлса, айбдор ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса, ўз қилмишининг олдини олишга ҳаракат қилса ва бошқа енгиллаштирув ҳолатлар асосида содир этилса ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан чегараланиш мумкин.

Маъмурий қамоқ чораси ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузар вояга етмаганларга маъмурий жазо қўллашдан олдин у шахс кимлигини, қандай шароитда тарбия олганлигини, нима

сабабдан тартиб бузишга йўл қўйганлигини синчиклаб ўрганиб чиқиб иложи борица тушунтириш, тарбиялашни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Таълим тизимини бошқариш асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41—моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг биринчи моддаси фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб—ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ҳар кимнинг билим олишидан иборат. Конституциявий ҳуқуқни таъминлашга қаратилган масалаларни шу қонун амалга ошириши тасдиқланган.

Республикада қуйидаги таълим турлари:

Мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб—ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълими мавжуд

Республикада таълим тизимини бошқаришда муҳим ўрин Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради.

Вазирлар Маҳкамаси:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш; таълимни ривожлантириш дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш; таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш; бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш; қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент экнилигини қайд этиш тартибини белгилаш; давлат таълим стандартларини тасдиқлаш; давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш; давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш; давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш; таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқари; таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга

раҳбарлик қилиш; давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савиясини ва касб тайёргарлиги бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш; ўқитишнинг илғор шакллари ваянги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш; ўқув ва ўқув — услубият адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш; таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш; давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш; педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкал этилиши мумкин.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

IV – БОБ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Фуқаролик ҳуқуқи фанининг тушунчаси, мақсади, вазифаси

Фуқаролик ҳуқуқи — ҳуқуқ соҳасининг бир бўлаги бўлиб, энг мураккаб ҳуқуқий тизим нормаларини ўз ичига олади.

Фуқаролик ҳуқуқи икки қисмидан умумий ва махсус қисмдан иборат. Умумий қисмда фуқаролик ҳуқуқига доир асосий қоидалар, фуқаролик қонун ҳужжатларининг мақсадлари, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиш асослари, фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектлари, объектлари тушунчаси, турлари, битмлар ҳақида маълумотлар, даъво муддатлари тушунчаси, турлари, мулк ҳуқуқига доир маълумотлар берилади. Махсус қисми ўз ичига мажбурият ҳуқуқини, мажбурият ҳуқуқидан келиб чиққан ҳуқуқий муносабатлар турларини, субъектларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, интеллектуал мулк асосларини, ворислик ҳуқуқи асосларини, халқаро фуқаролик ҳуқуқ муносабатлари билан боғлиқ масалаларини ўз ичига олади.

Фуқаролик ҳуқуқи — фуқаро деган сўздан келиб чиққан бўлса ҳам — унинг асосий мақсади, ҳал қилиш муносабати шахслар ўртасидаги мулкӣ ва бу муносабатлар билан боғлиқ, мулкӣ характерга эга эмас шахсий муносабатларни тартибга солишдир.

Фуқаролик ҳуқуқи ҳар кун ҳаётда учрайдиган муносабатлар билан боғлиқ. ҳар бир шахс мулкга эга бўлиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Демак кун бошланиши билан истаган — истамаган ҳолда

биз у ёки бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида бўламиз. Масалан, олди — сотди; ҳадя қилиш, қарз бериш ёки олиш — мажбурият ҳуқуқини; ижод қилиш, мақола, асар, шеър ёзиш — интеллектуал ҳуқуқини; меросни эгаллаш — ворислик ҳуқуқини вужудга келтиради.

Бу муносабатлар асосан мулкӣ бўлиб ҳисобланади, чунки улар заминда мулк ётибди. Энди шу муносабатлар билан боғлиқ, лекин мулкӣ характерга эга эмас — инсоннинг виждони, эркинлиги, қадр—қиммати — нима? Деган савол туғилади. Бунга, олди—сотди муносабатда олувчини ёки сотувчини ҳаракат қилиш, интеллектуал мулк эгасининг ижодий маҳсулотини ўзлаштириб олиш, уни нотўғри номлаш, муаллиф тўғрисида ёлғон маълумотлар бериш; ворислик ҳуқуқида — меросхўрни нотўғри айблаш, у тўғрисида ёлғон маълумотлар бериш ва х.к. Шахсга етказилган маънавий зарар — мулкӣ эмас деб танилади.

Шахс деганда фақат фуқаролар тушунилмайди. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатда фуқаролар билан бир қаторда бошқа шахслар ҳам иштирок этади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари бир—бирлари билан боғлиқ бўлсалар ҳам ўзора мустақилдирлар. Улар ўз хоҳишлари билан бу муносабатга кирадилар. Агар фуқаролик ҳуқуқий муносабатидаги шахслар ўртасида низо вужудга келса, бундай ҳолатларни суд, фуқаролик суди кўриб чиқади ва даъвогарга келтирилган зиённи қоплаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Фуқаролик ҳуқуқи манбаларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ҳуқуқига доир қонун—ҳужжатлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқалар киради.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидир. Бу кодекс икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчиси 1996 йил 29 августда қабул қилинган. Республикамизда мавжуд фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар дейярли шу қонун асосида тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқий манбасига Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги, мулк тўғрисидаги қонунлари ҳам киради. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанида «Фуқаролик ҳуқуқи»га ажратилган соат бу ҳуқуқни тўла ўрганишга имкон бермайди. Масалан, Фақат Фуқаролик Кодексида 1199—модда бўлиб у кўп ҳуқуқ институтларини ўзида қамраб олган. Бизнинг мақсадимиз, фуқаролик ҳуқуқий муносабат асосларидан ҳаётда мунатазам учрайдиганини, умумий тушунчиларни, билимларни ўргатиб мутахассислик бўйича кераклигини амалиётда фойдаланиш имкониятини уқтириш, тушунтиришдир.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабат тушунчаси

Жамиятда фуқаролар ўртасида у ёки бу турдаги ҳар қил муносабатлар, боғланишлар мавжуд. Булар иқтисодий, моддий ва бошқа турда бўлиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий шаклга, характерга эга бўлиши керак.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатда ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва бурчга эга бўлиши, бир томон ҳуқуқини бажарилишини талаб қилиши, иккинчиси ўз мажбуриятини бажариши лозим. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектлари ўз ихтиёри билан бу ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келтиради. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларнинг фуқаролик қонун — ҳужжатлар нормалари асосида амалга ошира олиши тушинилади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектлари фуқаролар ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат натижасида субъектлар нимагадир таъсир этади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабати субъектининг ҳатти — ҳаракати (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) объект бўлиб ҳисобланади. Субъектнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) нимага қаратилган бўлса у объект деб аталади.

Фуқаролик ҳуқуқлари объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол — мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради.

Фуқаролик ҳуқуқи объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини субъектив ҳуқуқ ва мажбурият ташкил этади, чунки улар (ҳуқуқ ва мажбурият, бурч) бўлмаса ҳуқуқий муносабат ҳам вужудга келмайди. Субъектив фуқаролик ҳуқуқ деганда қонун билан рухсат этилган ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ҳатти — ҳаракатлари тушунилади. қонун фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектига жуда кенг ҳуқуқ беради. Масалан, мулк эгаси ўз истаги билан мулкни эгаллаши, ундан фойдаланиши, уни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади. Бошқа шахслардан мулкига зарар етказмаслигини, нобуд қилмаслигини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ўз мулкига бўлган ҳуқуқни бузувчилар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ўз тартибига кўра мулкӣ ва номулкӣ бўлиши мумкин. Мулкӣ ҳуқуқий муносабатлар, мулк билан боғлиқ, шартномалар, мажбуриятлар асосида мол — мулк бир мулк эгасидан иккинчисига ўтказилиши, ҳадя қилиниши, қарзга берилиши ва х.к. Ёки мулкни қайтариб олиш ва бошқа мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ асослардан келиб чиқади.

Шахсий номулкӣ фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар шахсларнинг ор — номуси, қадр — қиммати, шаъни — шухрати билан боғлиқдир. Масалан бировнинг асарини кўчириб ўз номидан чоп этиш (плагиатлик)да муаллиф ўз номини тиклатиш, ҳуқуқ бузувчи шахс устидан шикоят ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий муносабати оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий ҳуқуқий муносабатда бир томон ҳуқуқига, иккинчиси бурчга эга. Мураккаб ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир тарафларининг ҳар бири ҳам ҳуқуқга ҳам бурчга эга бўлиши мумкин. Масалан, олди — сотди шартномаси тарафларида олувчи пул тўлаши билан

унга нарсани (машинани, турар — жойни, буюмларни ва х.к.) беришни талаб қилса, сотувчи пулни олиши билан иккинчи томонга харид қилинган нарсани бериши шарт. Мисолдан кўриниб турибдики олувчи ҳам сотувчи ҳам бир вақтда ҳуқуқга ва бурчга — мажбуриятга эга.

Шахслар

Фуқаролик ҳуқуқий муносабати иштирокчилари шахслар деб аталади. Шахслар фуқаролар (жисмоний шахслар)га ва юридик шахсга бўлинади.

Фуқаролар ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқий ва муомала лаёқатига эга, бўлиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқи лаёқат бу фуқароларнинг ҳуқуқга ва бурчга эга бўлиши тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқий лаёқат ҳамма фуқароларга ёшидан қатъи назар берилади. Бу лаёқат инсон туғилиши билан вужудга келади ва ўлиши билан тугатилади. Инсон туғилиши билан фуқаро бўлиш, ота — онасини билиши исм — ота исмига, турар жойга, яшашга ва бошқа ҳуқуқларга эга. Айирм вақтда фуқаролик ҳуқуқий лаёқат инсон бедарак йўқолганлиги ёки ўлган деб гуманитар қилгинлигида ҳам тугатилади. Агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойи тўғрисида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса у бедарак йўқолган деб, бундай маълумотлар уч йил мобайнида бўлмаса, ўлган деб эълон қилинади.

Фуқаролар ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва уларни амалга ошириши, ўзи учун фуқаролик бурчларни келтириши ва уларни бажариш лаёқати — муомала лаёқати деб аталади. Муомала лаёқати тўла, тўлиқсиз, қонун асосида чекланган бўлиши мумкин.

Тўла муомала лаёқати 18 ёшдан бошлаб вужудга келади. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

1. майда маиший битимлар;

2. текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

3. қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота — оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

1. ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;

2. фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ёз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;

3. қонунга мувофиқ кредит муассаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота — онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилишини мумкин. Бундай лаёқатли бўлиш эмансипация деб аталади.

Фуқаролар муомала лаёқатдан суднинг қарорига биноан чекланиши мумкин. Муомала лаёқатидан чеклаши спиртли ичимликларни ёки гиёвандлик воситаларини суистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир аҳволга солиб қўяётган фуқарога нисбатан амалга оширилади. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда майший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади.

Юридик шахс — ўз мулкига, хўжжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол—мулка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол—мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот ҳисобланади.

Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса — тасдиқланади.

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрга киритилади.

Юридик шахсларда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати бир вақтнинг ўзида вуждга келади. Юқорида баён этилган ҳуқуқий ҳолатлардан кўриниб турибдаки юридик шахслар ўз низомларини тузиб, давлатнинг тегишли органларида рўйхатдан ўтади. Юридик шахс ўзининг ташкилий—ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Юридик шахснинг жойлашган ери ва номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим.

Юридик шахс суднинг қарорига мувофиқ, унга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин. Юридик шахс тугатилишига у ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги, фаолият руҳсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Битимлар тушунчаси, турлари

фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг аксарияти битимлар орқали вуждга келади. Битимлар ўз табиатига кўра икки нарсага қаратилган. Биринчидан бу

қонун асосида рухсат этилиши, иккинчи тарафлар махсус ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиши, бунинг натижасида ҳуқуқий оқибат келиб чиқишидир.

Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишига қаратилган ҳаракатларига айтилади.

Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин.

Бир тарафлама битим уни тузган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари вуждга келтирди. Масалан, ворислик ҳуқуқи бўйича восиятнома, мерос қолдирувчи ўлгандан кейин очилади, ворисларга меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқи туғдиралади.

Икки тарафлама ёки кўп тарафлама битимлар — икки ёки ундан кўп фуқаролар, юридик шахслар ўртасида тузилади. Бу битимлар дейрли шартномалар асосида вужудга келади. Икки ёки кўп томонлама битимлар фуқаролар ўртасида уй—жойни қуриб бериш, маҳсулот топшириш, бирор бир ишни бажариш натижасида вужудга келиши мумкин. Шартномали битимларга корхоналар, ташкилотлар ўртасида тузилган, масалан, бирор бир завод, цех қуриб бериш, мол—мулк етказиб бериш, маҳсулот билан таъминлаш ва бошқалар киради. Битим тузиш учун қонунда айрим шартлар қўйилган: битим тузганлар муомала лаёқатли бўлиши; битим шакллариغا риоя қилиши; тарафлар ўз ҳохишини, истагини билдириши; битимларнинг мазмуни қонун асосида бўлиши.

Битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади. қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади:

1. юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари;
2. Фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса — битим суммасидан қатъи назар бошқа битимлар.

қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

1. қонунда кўрсатилган ҳолларда;
2. тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Масалан, ўй—жой сотиш—олиш битими нотариал тасдиқланиши шарт. Васиятнома ҳам нотариал тасдиқланиши керак. Шундай битимлар борки, агар улар нотариал тасдиқланмаса ҳақиқий эмас деб тан олинади.

Битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан—тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Битимлар қуйидаги ҳолатда ҳақиқий эмас деб танилади:

- қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ—тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим.

- Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим.

•Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан, унинг ота—онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг розилиги талаб қилинадиган ҳолларда уларнинг розилигисиз тузилган битим ота—онаси , фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

•Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битим.

•Спиртли ичимликларни ёки гиёванд воситаларни суиистеъмол қилиш оқибатида муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан ҳомийсининг розилигисиз тузилган битимни суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

•Гарчи муомалага лаёқатли бўлса—да, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим.

•Жиддий аҳамиятга эга бўлган янгилишиш таъсирида тузилган битим янгилишиш таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

•Алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундай фойдаланиб қолган битим.

•Юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим).

•Юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим, унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий эмас хисобланади.

Фуқаролар, юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини ўрнататилган, белгиланган муддатларда амалга оширади.

қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган, шунингдек суд томонидан тайинладиган муддат календар сана билан ёхуд йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади.

Даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Умумий даъво муддати уч йил ўрнатилган. Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Мулк ҳуқуқи

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол—мулкига ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан

бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир. Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектларидир. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб — ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли, қоғозлар ва бошқа мол — мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин.

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол — мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол — мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Республика мулки ва маъмурий — ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол — мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал ўй — жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкӣ комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол — мулк муниципал мулк бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол — мулк уларга умумий ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол — мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Мулкдор ўз мол — мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли. Бу виндикация деб аталади. Мулк эгаси, бошқа ноқонуний унинг мулкни эгалаб олган шахсдан, виндикация шикоят ариза билан судга, хўжалик судига мурожат қилиб ўз мулкни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин. Бу негатор даъво деб аталади. Масалан, мулкдорнинг эгалик қилган турар жойининг деразаларини очиш имкониятидан маҳрум қилиш даражасида қўшниси иморатини қурган бўлса, қўшнисидан иморатини бошқача шаклда қуришни талаб қилишга, агар талабни бажармаса судга мурожат қилишга ҳақли.

Мажбурият ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 234 моддасига биноан: мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи:

мол — мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тулаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбурият ҳуқуқининг тарафлари кредитор ва қарздор деб аталади. Кредитор (бир шахс ёки бир неча шахслар) ҳуқуқига эга шахс бўлиб ҳисобланади. қарздор (қарздорлар) ўз зиммасига маъсулият олган, бурчни бажарадиган шахс ҳисобланади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ва фуқаролик қонунларида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ даражада бажарилиши керак.

Мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол — мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

қарздор мажбуриятларнинг бажарилиши кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади. Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади.

Мажбуриятни бажаришини таъминлашда гаров, кафиллик, кафолат, закататлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бир шахснинг бошқа шахсга мол — мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров закатат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 299 моддасида: «Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори

(бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради» деб тасдиқланган.

Шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закат ҳисобланади.

қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиш керак.

Агар асосий қарздорга кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талбга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобган бўлган шахсга қўйилиши мумкин.

Мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлиши мумкин. Мажбурият қўйидаги асосларда: мажбурият бажарилиши билан; ҳисобга ўтказиш билан; қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганда; мажбуриятнинг янгиланиши билан; кредитор қарздордан воз кечиши билан; тарафларнинг бирортаси ҳам жавоб бермайдиган вазият вужудга келганлиги туфайли; давлат органи ҳужжати асосида; фуқаро вафот этиш билан; юридик шахс тугатилиши ва бошқа қонунда кўрсатилган сабабларга кўра бекор бўлиши мумкин.

Шартномалар, уларнинг турлари

«Шартнома» сўзи кенг маънога эга. Шартнома фуқаролик ҳуқуқий муносабатда икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви айтилади. Шартномалар битимларга ўхшаш икки ва кўп тарафлама бўлиши мумкин. Шартнома мажбуриятнинг келиб чиқишини испотловчи юридик фақат, десак ҳам бўлади. Чунки мажбуриятлар шартномалардан келиб чиқади.

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин ҳаракат қиладилар. Агар қонунда кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузишга бировни — шахсларни мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Демак шартноманинг асосий шартларидан бири тарафларнинг хоҳиши билан белгиланишдир.

Шартноманинг шarti тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма (диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шarti диспозитив норма билан белгиланади.

Шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади.

Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 366 моддасига биноан шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритилган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади.

Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак.

Агар шартноманинг мазмунидан бошқача тартиб англашилмаса, у ким ошди савдосини ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Шартнома ким ошди савдосида қолиб чиққан шахс билан тузилади.

Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, ўни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса.

Интеллектуал мулк ва унинг ҳуқуқий асослари

«Интеллект — ақл» лотинча сўздан олинган бўлиб. Интеллектуал мулк асосида ақли меҳнат натижасидаги ҳуқуқий муносабатлар ётибди. Интеллектуал мулк объектлари моддий кўринишда эмас, балки гоё, билим, ахборот шаклида намоён бўлади. Интеллектуал мулк объектларига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1031 — моддасига биноан қўйидагилар:

1. Интеллектуал фаолият натижалари улар фан, адабият ва санъат асарлари, у ёки бу эштириш ташкилотларнинг ижрочилари, фонограммалари ва эштиришлари, ихтиролар ва бошқалар киради;
2. Фуқаролик муомалалари иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар; уларга — фирма номлари, товар белгилари (хизмат кўрсатириши белгилари), товар чиқарилган жой номи киради;
3. Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда

фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар киради.

Интеллектуал мулк объектлари давлат қонунлари билан ҳуқуқий муҳофаза қилинади. ҳуқуқий муҳофазани ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон Республикаси фан ва техника қўмитаси, патент идораси ва бошқа тегишли органлар амалга оширади.

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкӣ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Шахсий номулкий ҳуқуқ ва муаллифнинг асари, ижод этган нарсаси дахлсизлигини ва шу муаллифгагина тегишли эгалигини билдиради. Муаллиф, интеллектуал мулк эгаси шу билан бир қаторда мулкӣ ҳуқуқларга ҳам эга. Муаллиф ўз яратган интеллектуал фаолияти натижасидан ўзи фойдаланиши, бошқаларга ҳақ эвазига фойдаланишга бериш ёки ҳақ эвазига фойдаланиш учун руҳсат бериш ёхуд ҳақ эвазига бу натижага нисбатан ҳуқуқларни бошқаларга ўтказиш имкониятлари билан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар Т.,1998, 31 — бет).

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1041 моддасига биноан муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр — қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айна шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади.

Муаллиф асардан ўз исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа эгадир.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинлиги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тутаганидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади.

Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали ўз асаридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Муаллифлик шартномаси учун ҳақ тўлаш талаб қилинади.

Муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

Турдош ҳуқуқлар саҳна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видеоёзувига (ижро ёзувига), эфир ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади.

Ижро этиш ҳуқуқи ижрочиларга — артистларга, саҳланаштирувчи — режиссёрларга, дирижёрларга, шунингдек уларнинг меросхўрларига тегишлидир. Бундай ижродан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий ворисларга ўтиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 62 боби Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ (ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ) деб аталади.

Саноат мулки объектлари интеллектуал мулк объектларининг таркибий қисми ҳисобланади. Саноат мулк объектларига: ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номи, манбани кўрсаткич, товар чиққарилган жой номи, фирром рақобатнинг олдини олиш киради (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар, 155 бет).

Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари бўлиб селекция ютуқлари (ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари) ҳисобланади.

Фуқаролик қонунларида учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкиллий ёки тижорат ахбороти, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларига (ноу — хау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ошкор этилмаган ахборотни), ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Юридик шахс товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, расмий бланкаларда ва ўзининг фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда, шунингдек маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда намоиш этиш вақтида фирма номидан фойдаланишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Юридик шахснинг фирма номи унинг уставини тасдиқлаш вақтида белгиланади ва у юридик шахслар давлат реестрига киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилиши керак.

Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Ворислик ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонун — ҳужжатлари ворислик ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солади.

Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)га тегишли бўлган мол — мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрлар)га ўтиши ворислик деб ҳисобланади. Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Фуқаронинг ўзига тегишли мол — мулкни ёки бу мол — мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш — иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол—мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим.

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

қонун бўйича меросхўрлар беш навбатга бўлинган. Биринчи навбатда — мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота—онаси (фарзандликка олувчилар); иккинчи навбатдаги — мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака—укалари ва опа—сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси; учинчи навбатда — мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси; тўртинчи навбатдан — мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари; бешинчи навбатда — мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари қонун бўйича ворислар бўлиб ҳисобланади.

Мерос очилиши билан мулк ворис ихтиёрига ўтади ва унда шу мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш, ҳуқуқи вужудга келади. Лекин мерос мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи қонун билан белгиланган олти ойлик муддат ўтгандан кейингина ёки ворислик ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома олингандан кейин вужудга келади.

V–БОБ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Меҳнат ҳуқуқи фани ҳақида тушунча, мақсади ва вазифаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37 — моддасига биноан ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларининг асосий вазифалари:

ҳодимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт — шароитларини, ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини, иш сифати яхшиланишига моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишидан иборатдир.

Республикада Конституция ва меҳнат муносабатларини тартибга солиб турувчи қонунларга асосан мажбурий меҳнат, яъни бирор — бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш беришга мажбурлаш тақиқланади. Лекин ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.

Меҳнат қонунларида ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланиши тасдиқланган. Меҳнат қонунларининг мақсад ва вазифаларига ҳалқаро шартномалар, конвенцияларнинг қоидалари Республикада қўлланиши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам меҳнат муносабатига нисбатан тадбиқ этилиши киради.

қонун бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқига эга шахслар, агар иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган бўлса — меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади. Меҳнат қилиш ҳуқуқи 16 ёшдан берилади. Айрим ҳолларда 15 ёшга тўлган шахсларга ота — онасидан бирининг розилиги бўйича меҳнат қилиш, ишга қабул қилиниш ҳуқуқи берилади. 14 ёшга тўлган ўқувчилар ота — онасидан бири ёки уларни ўрнини босувчилар розилиги билан ёзги таътилларида, ўқишдан бўш вақтларида ишга қабул қилиншлари мумкин. Демак ҳодим 14, 15, 16 ёшдан меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти бўлиши мумкин. Иш берувчи қуйидаги асосларда меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти бўлиши мумкин:

1. корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида;
2. мулкдорнинг ўзи айна бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар;
3. ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

Меҳнат қонунларида ходимнинг ва иш берувчининг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари кўрсатилган. Ходим ўз меҳнатига тегишли ҳақ олиш, меҳнат таътилларидан фойдаланиш, ижтимоий таъминот олиш, малака ошириш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Иш берувчи корхонани бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш, меҳнат шартномасини тузиш, ходимдан ўз вазифаларини бажаришни талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Ходимнинг ва иш берувчининг ўзаро муносабатларини тартиб доирасида тутиш, икки тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ходимларнинг ва иш берувчининг корхонадаги вакиллик органлари сайланиб қўйилади. Меҳнат қонунларида бу вакиллик органлари ваколатлари кенг кўрсатилган.

Жамоат шартномаси ва келишувлари

Жамоат шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий—иқтисодий ва касбга оид муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа келишуви — муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга қаратилган.

Жамоа шартномалари ва келишувлари қуйидаги принциплар:

қонун ҳужжатлари нормаларига амал қилиш;

тарафлар вакиллариининг ваколатлилиги;

тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

жамоа шартномалари, келшувлари мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама эркинлиги;

мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги;

олинаётган мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилишини таъминлаш;

текшириб боришнинг мунтазамлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги асосида тузилади.

Жамоа шартномасида иш берувчи ва ходимнинг мажбуриятлари — меҳнатга ҳақ тўлаш; қўшимча тўловлар, нафақалар; иш билан таъмилаш, ходимни қайта ўқитиш, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари; меҳнатга имтиёзлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа асослар кўрсатилган.

Жамоа шартномаси тарафлар белгиланган муддат давомида амал қилади.

Жамоа шартномаси билан юқорида жамоа келишувларини ҳам тушунтириб ўтдик. Жамоа келишувлари ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига қараб бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин.

Бош келишув Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ҳам тузилади.

Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан ҳам тузилади.

ҳудудий келишувлар тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади.

Жамоа келишувининг амал қилиш муддатини тарафлар белгилайди, у муддат уч йилдан ошиб кетмаслиги лозим.

ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш давлат томонидан кафолатланади. Давлат иш билан таъминлашни, ишдан ноҳақ бўшатилишнинг олдини олишни, ишга жойлаштиришни, меҳнатга ҳақ тўлашни таъминлашни, янги касбга (мутахассисликга) бепул ўқитишни ва бошқа меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлайди.

16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган шахслар агарда ҳеч қаерда ишламасалар, ишлаш учун иш жой қидириб юрган бўлсалар, давлат уларни ишсиз деб эътироф этади. Ишсиз деб эътироф этилганлар маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ўн кун ичида ўзларига таклиф қилинган мақбул келадиган ишни икки марта рад этгач иш қидираётганлар деб эътироф этилмайди ва шу кундан кейин ишни яна такроран ишсиз сифатида рўйхатга олиниши мумкин.

Ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ишсизлик нафақа тўланади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календар ҳафта;

илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календарь ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Меҳнат шартномаси тушунчаси

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Меҳнат шартномалари: номуайян муддатга; беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга; муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа хужжат; 16 ёшгача бўлган шахслардан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан маълумот; меҳнат дафтарчаси; ҳарбий хизматга ҳуқуқлилардан ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобга турганлик ҳақида гувоҳномани; махсус иш берувчилардан мутахассислиги бўйича иш фаолияти тўғрисида диплом ёки гувоҳнома ёки бошқа тегишли хужжатлар сўралади.

Иш берувчи шу ишхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт. Ходим иш бошлаган кундан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Ишга қабул қилиш тўғрисида иш берувчи буйруғ бериб, расмийлаштиради.

Иш берувчининг ҳоҳшига асосан синов муддати ўрнатилади. Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Синов муддатида ишлаган давр меҳнат стажига киритилади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Меҳнат шартномаси деганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг жами тушунилади.

Ижтимоий омилларга меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш омилларига — техника, санитария, гигиена ва бошқалар киради.

Меҳнат шартномаси шартлари ўзгартирилиши, бекор қилиниши асослари меҳнат қонунларида кўрсатилган.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ходим розилигисиз; ходимнинг розилиги асосида; иш жой ўзгарганлиги туфайли; бошқа доимий ишга ўтказилганлиги сабабли; тарафларнинг келишуви бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказиш; ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш; иш берувчининг ташаббуси вақтинча бошқа ишга ўтказиш мумкин.

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходимга бу тўғрисида маълум қиланади ва тилхат олинади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексининг 97 — моддасига биноан меҳнат шартномаси қуйидаги асосларда бекор қилинади: 1) тарафнинг келишувига кўра; 2) тарафларнинг бирининг ташаббуси билан; 3) муддатнинг тугаши билан; 4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;

5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра; 6) янги муддатга сайланмаганлиги ёхуд сайланишида қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Агар меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинса, ходим иш берувчини икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Шу муддат ўтгач ходим иш берувчидан у билан ҳисоб – китоб қилиб, меҳнат дафтарчасини беришни талаб қилишга ҳақли.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси қуйидаги: 1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги; 2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бжараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши; 3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги; 4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги асосларида бекор қилинади; 5) Ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати; 6) мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги асосларида бекор қилинади (М.К. 100 – моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100 – моддасининг биринчи ва 6 – чи банди билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим икки ой олдин ёзма равишда иш берувчи томонидан огоҳлантирилади.

Ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлигини ёки соғлиғи ҳолатига кўра (100 – моддани 2 – чи қисми, 2 – чи банди) камида икки ҳафта олдин огоҳланлантирилади.

Агар ходим соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолганлиги аниқланса, огоҳлантилмасдан икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади.

Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти – ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни уч кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўланади.

Меҳнат шартномасини муддати тугаши муносабати билан, тарафларининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича ҳам бекор қилиш мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасига бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилиши шарт.

Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш

Ходим меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Республикада ҳафтасига қириқ соатлик нормал иш вақти қонунлаштирилган. Иш вақти: нормал — ҳафтасига 40 соат; қисқартирилган — 36 соат ҳафтаси, 16 ёшдан 18 ёшга тўлмаганлар учун; 24 соат ҳафтасига 15 ёшдан 16 ёшга тўлмаганларга. қонунда назарда тутилган ҳоллар ҳам мавжуд, ногиронлар, ўқитувчилар, шифокорлар, ёш болали аёллар ва бошқа ходимларга ҳам қисқартирилган иш вақти қўлланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган қонунга ососан шу йил 1 июлдан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддат белгиланган эди.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Тунги иш вақти турлари ҳам бор. Соат 22—00дан то соат 6—00гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Ходим учун белгиланган кундалик иш муддатида ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Бу вақтда иш бажариш ходимнинг розилиги билан амалга оширилади. Ногиронлар, хомиладор аёллар, ўн саккиз ёшга тўлмаганлар иш вақтидан ташқари ишлашга жалб этилмайди. Иш вақтидан ташқари ишлашнинг бир йиллик соат ҳажми 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бундай чегаралашнинг сабаби ходимнинг соғлиғи, иш унумдорлигининг пасайиб кетмаслиги учун қаратилган.

Дам олиш вақти — бу ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир.

Дам олиш вақти қўйидагиларга бўлинади:

1. Иш куни (смена) давомидаги танаффуслар;
2. Кундалик дам олиш вақти;
3. Дам олиш кунлари;
4. Байрам кунлари (ишламайдиган кунлар):
 - а) 1 январ — Янги йил;
 - б) 8 март — Хотин — қизлар куни;
 - в) 21 март — Наврўз байрами;
 - г) 9 май — Хотира ва қадрлаш куни;
 - д) 1 сентябр — Мустақиллик куни;
 - е) 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;
 - ж) 8 декабр — Конституция куни;
 - з) Рўза ҳайит (Ийд ал — Фитр) динний байрамининг биринчи куни;
 - и) қурбон ҳайит (Ийд ал — Адҳа) динний байрамининг биринчи куни.
5. Таътиллار:
 - а) йиллик меҳнат таътили;

- б) йиллик узайтирилган асосий таътиллер;
- в) йиллик қўшимча таътиллер;
- г) ижтимоий таътиллер;
- д) иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллер.

Йиллик асосий таътилнинг муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. 18 ёшга тўлмаганларга, ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига узайтирилган — 30 календар кун таътил берилади. Бундай таътиллер айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда берилади. Йиллик қўшимча таътиллер меҳнат шароити ноқулай, оғир, алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат қонунларида, меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади. Ижтимоий таътиллер: хомилдорлик ва туғиш, болаларни парваришlash; ўқиш билан боғлиқ ва ижодийларга бўлинади. Иш ҳақи сақламаган ҳолда бериладиган таътиллер ходим билан иш берувчининг ўртасидаги келишувга биноан берилади.

Меҳнатга ҳақ ва тўлаш ва унинг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Лекин меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас, унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмаган. Иш вақтдан ташқари ишларда, дам олиш кунлари, байрам кунлари кунлардаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномасида белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Одатда иш ҳақи ходим ишлаётган жойдан тўланади. Ходимнинг хоҳишга биноан меҳнат ҳақи унинг омонот кассасидаги ҳисоб варақасига юборилиши мумкин. Меҳнат қонунларида ходимнинг розилиги билан, агар розилиги бўлмаса, суднинг қарорига биноан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Меҳнат қонунларида ҳар бир ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида унинг иш жойини сақлаб қолиниши, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари мавжуд эканлиги кўрсатилган. Бундай тўловлар ва кафолатлар ходим сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш вазифаларини бажариш, ҳарбий бурчни бажариш, суриштирув, тергов органига, судга гувоҳ, жабрланувчи, экспорт ва х.к.да иштирок этишида амалга оширилади. Ундан ташқари ходим хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда харажатлари ҳам тўланади.

Меҳнат интизому

Иш берувчи ва ходимнинг ўртасида тузилган меҳнат шартномасини амалга оширишда, меҳнат вазифасини ситқи дилдан бажаришда корхонада ўрнатилган меҳнат тартибига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади. Интизом тўғрисида устав ва

низом қабул қилинади. Бу ҳужжатларда ходимнинг ва иш берувчининг бурчлари кўрсатилган.

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол — мулкани авайлаб асраши шарт.

Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шaroитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шaroитларини яхшилаб бориши шарт.

Корхонада доим ишлаган, меҳнат интизомига, меҳнат тартибига буйсунган ходимларга ҳар — хил турдаги рағбатлантиришлар қўлланилади. Рағбатлантиришлар қаторида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофатларига тақдим этилиши, жамоа шартномади, келишувларида, ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилганлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181 моддасига биноан «ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1. хайфсан;
2. ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.
3. меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

ҳар бир ножўя хатти — ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти — ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти — ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти — ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия — ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, — содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Республика Меҳнат қонунларида меҳнат шартномаси тарафларнинг моддий жавобгарлик асослари кўрсатилган. Ходимги етказилган зарар: маънавий (жисмоний ёки руҳий азоблар); ходимнинг меҳнат қилиш

имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум қилиш; ходимнинг соғлиғига етказилган зарар; мол — мулкига етказилган зарар турларида бўлиши мумкин. Иш берувчига етказилган зарарлар асосан моддий — мол — мулкига нисбатан бўлиб, у камайган ёки ёмон ҳолатга келганлиги сабабли, ходим бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарин тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Зарар етказган тарафлар, етказилган зарарнинг оғир оқибатига, хажмига, қонунда кўрсатилган бошқа асосларига кўра зарарни тўла қоплаш, зарарни ундиришдин воз кечиш, қисман зарарни қоплашга мажбур бўладилар.

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши керак. Иш берувчи ҳар бир ходимга меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишда ходимни меҳнат шaroитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Демак ходим меҳнат шартномасини тузиш жараёнида унинг меҳнати муҳофаза қилиниши тўғрисидаги маълумотлар билан танишган бўлиши лозим. Муҳофаза турига тиббий кўрикдин вақти — вақти билан ўтиб туриш; сут, даволаш — профелактика озиқ — овқати, газли шўрсув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалар билан таъминланиш ва бошқалар киради.

Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган кафолатлар

Айрим тоифадаги ходимларга — аёллар ва бошқа оилавий вазифаларни бажариш билан боғлиқ шахсларга қўшимча кафолат ва имтиёзлар берилади.

Ҳомиладор ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Меҳнат шaroити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади.

Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

ҳомиладор аёлларини ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси, ўрнатилади.

Ногирон боласини тарбиялаётган ота — онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йилик таътилар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришlash таътилидан кейин берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътилар, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

Аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин элик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан элик олти календар кун (икки ёки ўндан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календар кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун қўшимча таътилар берилади.

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат қонунларида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилади, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидаги қўшимча кафолатлар белгиланган.

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календар кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи маҳаллий меҳнат органининг розилигини олиши керак. Меҳнат шароити ўн саккиз ёшгачи бўлган шахснинг соғлиғи зарар етказадиган шундан уни бўшатиб олиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ота — оналар, васий (хомийлар) ва бошқа ваколани органлар талаб қилади.

Ишни таълим билан барча қўшиб олиб бараётган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари бир — неча имтиёзлар кўрсатган. Улар учун қисқартирилган иш ҳафтани, йиллик меҳнат таътиллари уларнинг розилишга кўра бериш, имтихонлар ва лаборатория — имтихон сессиялари вақтига тўғирлаб бериш; қисқартирилган иш куни, ўқиш муносабатлари билан таътиллари бериш ва бошқалар имтиёзлар бериш шулар қаторида.

Меҳнат низолари

Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар якка меҳнат низолари деб аталади.

Якка меҳнат низолари: меҳнат низолари комиссиялари томонидан, туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Меҳнат низолари комиссиялари жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувиди тузилиши мумкин. Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Ариза берган ходим ўзи иштирок этади. Агар у келиш имконияти йўқлигини билдирган бўлса низо ходимнинг иштирокисиз кўрилиш мумкин.

Меҳнат низолари комиссияси қарор қабул қилади, қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Башарти иш берувчи белгиланган муддат ичида комиссия қарорини бажармаса, меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади.

Агар ходим ёки иш берувчи белгиланган муддат ичида туман(шаҳар) судига меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан мурожат этса, гувоҳнома берилмайди.

Меҳнат низолари комиссияси берган ва олинганидан кейин кўпи билан уч ой ичида туман(шаҳар) судига тақдим этилган гувоҳнома асосида суд ижрочиси меҳнат низолари комиссиясининг қарорини мажбурий тарзда ижро эттиради.

Башарти меҳнат низолари комиссияси ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини кўриб чиқмаса ёки ҳал этмаса, манфаатдор ходим ушбу низони кўришни туман(шаҳар) судига ўтказишга ҳақлидир.

Судга ёки муҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

- ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;
- бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Давлат ижтимоий суғуртаси

Меҳнат қонунларида барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари кўрсатилган. Бу бадал тулов асосида амалга ошади.

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;
- бола туғилганда бериладиган нафақалар;

- давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий — курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

Пенсия таъминоти

ҳар бир Республикамизда меҳнат қилган шахс вақти — соати етганда пенсия олиш ҳуқуқига эга. Пенсия олиш учун фақат меҳнат қилган, пенсия ёшига еткан бўлиши шарт эмас. Давлатимизда бир неча пенсия турлари мавжуд. Улар: ёшига доир пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсиясидир.

Ёшиги доир пенсия суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда: эркаклар — олтмиш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма беш йилдан кам бўлмаган тақдирда, аёллар — эллик тўрт ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланади.

Пенсия суғурда қилинган ходимларнинг айрим тоифаларига пенсия ёши кам бўлганда, тегишли ҳолларда эса — меҳнат стажи кам бўлганда ҳам тайинланади.

Ногиронлик пенсияси суғурта қилинган ходимларга — ногиронлик меҳнатда майиб бўлиш ёки касаллигига чалинганлиги туфайли келиб чиққан бўлса, меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар тўланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги туфайли вафот этган боқувчининг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига, унинг меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар тайинланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилган ҳар — бир ходим ўз фаолиятларини амалга ошириш ва меҳнат қилиш ҳуқуқига доир муомалаларини қонун асосида тартибга солинишни талаб қилишда меҳнат қонун ҳужжатлари ёрдам беради.

Ана шу мақсадда меҳнат қонунларини ўргандик.

VI—БОБ

ОИЛА ҲУҚУҚИ

Оила ҳуқуқининг мақсади, вазифаси

Маълумки ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб никоҳий муносабатлар мавжуд. Илк даврда одамлар билар—билмас эр—хотин, ота—она, фарзанд туйғуларини хис қилиб, бир—бирлари орасида бурчларини ҳам бажарар эдилар. Аввало бу муносабатлар «гуруҳ никоҳ», кейинчалик «жуфт никоҳ» деб аталди. Жамиятда инсон онги, кўз қарашлари, меҳнати ривож топган сари никоҳий муносабатларда ҳам ўзгаришлар юзага келди. Жамиятдаги уруғчилик даври—оналик давридан патриархат—оталик даврига ўта бошлади. Бу даврга келиб эркакларида ўз хотинига, улардан туғилган фарзандларга, топилган даромадига ўзи эга бўлиш туйғуси вужудга келди. Бу давр цивилизация деб аталиб — якка никоҳ—моногамиянинг келиб чиқишига асос солади. Шундай қилиб никоҳий муносабатдаги ўзгаришлар, оилада ҳам улкан ўзгариш туғдирди.

Уруғчилик даврида ҳам, бугун ҳам оилавий муносабатдагиларнинг асосий мақсади бир—бирларига ёрдам бериш, тарбиялаш, ғамхўрлик қилиш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, бу ташкилотда энг яқин инсонлар бирлашди. Маълумки киши оилада ривожланади, камол топади. Мустақил республикамиз келажагига ўз хиссасини қўшадиган шахс энг аввало оилада тарбияланади. Оила, никоҳидагиларнинг ўртасида ахиллик бўлсагина, мустахкам бўла олади. Шунинг учун никоҳ нима, қандай тузилади, оила нима, жамиятимизда унинг ўрнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Оила бу ота—она, эр—хотин, фарзандлар ва қариндош—уруғлардан тузилган уюшма бўлиб оила аъзолари ўртасида мулкӣй ва шахсий ҳуқуқ, мажбуриятларни вужудга келтиради. Оила, давлат химоясидадир.

Оиланинг давлатимизнинг келажагидаги ўрнига кенг баҳо бериб асосий қонун Конституциянинг «Жамият ва шахс» бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, у давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги тасдиқланган.

Оила муносабатлари «Ўзбекистон Республикаси Оила» кодекси билан тартибга солинади. Бу муносабатлар, никоҳ, эр—хотин, ота—она, фарзандлар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатлардир.

Оила қонунларнинг асосий вазифалари оилани мустахкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир—бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг маъсуллиги хисси асосида кўришдан, бирон—бир шахснинг оила масалаларига ўз бошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишни ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишидан иборатдир.

Никоҳ эркак ва аёл ўртасида тузилган ихтиёрий битим бўлиб, ФХДЁда — фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи орқали расмийлаштирилади. Никоҳ ёшига етиш, турмуш қуриш учун унга ҳар томонлама тайёр бўлиш, яхши касбни эгаллаш, эр—хотин олдида турган бурчларини тушунтириш ота—онанинг вазифасидир.

Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни албатта расмийлаштириш шарт. Чунки икки шахс расмийлаштирилмаган никоҳий муносабатда яшасалар улар ўртасидаги мулкӣй ва шахсий муносабатлари қонуний тарзда тартибга

солинмайди. Масалан, ажрим, нафақа олиш, ворислик ҳуқуқи, турар жойи, фарзандларга бўлган муаммолар фақат қонун орқали ҳал қилинади.

қонун никоҳдан ўтишнинг мажбурий шартлари ва тартибларига риоя этилишини талаб қилади.

Никоҳдан ўтишнинг биринчи шarti — никоҳлашишга келишганларнинг ўзаро ихтиёрий розилиги. Иккинчидан, қонун учун бўлажак келин — куёвнинг никоҳ ёшига етган — етмаганлиги муҳимдир. Аёллар учун 17, эркаклар учун 18 никоҳ ёши белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳ ёши бир йилга камайтирилиши мумкин. Учинчидан, агар томонларнинг бири рўйхатга олинган бошқа никоҳида турган бўлса, насл — насаба шажараси бўйича тўғри тутишган қариндошлар ўртасида, туташган ва ўтай ака — укалар билан опа — синглар ўртасида, шунингдек фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин эмас. Тўртинчидан, никоҳланувчи шахсларнинг лоақл биттаси рухий касал ёки ақли заиф бўлса, бу суд томонидан муомилага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ тузиш мумкин эмас.

Никоҳни қайд қилишнинг муайян тартиби ҳам бор. Бу тартибга кўра бўлажак эр билан хотин никоҳдан ўтишдан олдин ариза бериб никоҳ қайд этиш органлари ходимларидан никоҳдан ўтиш шартлари ва тартиби билан, эр — хотиннинг ҳамда ота — оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари билан танишадилар. Сўнгра никоҳни қайд қилиш куни белгиланади. Камида бир ой ўтгач никоҳ қайд қилинади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17 — моддасида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий — ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича масҳалат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Тиббий кўрикдан ўтиш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан амалга оширилиши қонунда кўрсатилган бўлишига қарамасдан, бўлажак эр — хотин бир — бирларини мажбурлаб бўлса ҳам шу кўрикдан албатта ўтиши лозим. Чунки, ҳаётда никоҳланувчиларнинг бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети тақчилиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини яширганлиги туфайлик қанчадан — қанча азоб чекканлиги маълум. қонунга асосан шундай фактлар мавжуд бўлса никоҳланувчиларнинг иккинчи томони — касаллигини яширган шахс билан бўлган никоҳини ҳақиқий эмас деб топиши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр — хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр — хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

Бу мажбуриятлар шахсий ва мулкӣга бўлинади.

Оилада эр — хотин тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Тенг ҳуқуқлик никоҳ тузим вақтидан бошланиб, эр ва хотиннинг фамилия танглашдаги тенглигини

вужудга келтиради. Эри хотиннинг, хотини эрининг фамилиясига ўтиши, ҳар бири ўз фамилиясида қолиши мумкин. Эр хотиннинг мажбурлаб унинг фамилиясига ўртишини талаб қилиши қонунда таъқиқланади.

Эр—хотин болалар тарбиясида ва оилавий турмушнинг барча масалаларини биргаликда ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Эр—хотин ҳар бири ўзи танлаган касби, мутахассислиги, машғулот турида ишлаш ҳуқуқига эга. Эр ва хотин яшаш жойларини танлашда ҳам тенг ҳуқуқли. Бундан эр ўз уйида, хотин, ўз уйида яшаши керак, деган маъно чиқмайди. Лекин турар жой масаласида эр ва хотин тинч—тотув яшаш имкониятини кўзлаб, оилани сақлаш мақсадида бу масалага ёндошиши лозим.

Мулккий ҳуқуқ ва мажбуриятларда эр ва хотиннинг мулкга бўлган ҳуқуқ ва бурчлари кўринади. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол—мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр—хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол—мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол—мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол—мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга ошириладиганлигини англатади.

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол—мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тарақасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол—мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

қимматбаҳо буюмлар ва зебу—зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим—бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келаган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Оила» Кодексида замон талабадан келиб чиқиб эр ва хотиннинг мол—мулкнинг шартномавий тартиблари ўрнатилган.

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулккий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг белгиланган келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол—мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол—мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр—хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳнинг тугатилиши

Ажрим ёки никоҳни тугатилишига қўйидагилар асос бўлади:

1. эр ёки хотиндан бирининг вафот этиш ёки суд томонидан ўлган деб эълон қилиниши билан;
2. эр — хотиндан бирининг ёки иккаласининг аризасига биноан;
3. суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ.

Эр — хотин фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ёки судда ажралишлари мумкин.

Эр — хотин ўзаро розилиги бўлганда ёки бирининг имзосига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш мумкин. Бундай ҳолатларда эр — хотин бир — биридан ажралиш тўғрисида ариза берган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин ариза расмийлаштирилади ва эр — хотинга ажралганликлари тўғрисида гувоҳнома берилади.

Эр — хотиннинг бирининг аризасига биноан никоҳ бекор қилинишида қўйидаги сабаблар бўлиши шарт:

1. бир томон бедарак йўқолган деб топилса;
2. суд томонидан рухияти бузилиши сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

3. содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озошлиқдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъий назар эр — хотиннинг бирининг аризасига биноан ФХДЁда никоҳдан ажратилади. Никоҳдан ажралиш ишлари судда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Суд эр — хотиннинг яраштириш чораларини кўради. Суд ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириб, эр — хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат беришга ҳақли.

Суд агар эр билан хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишига имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан, никоҳдан судда ажратилганда эса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб никоҳ тугатилади.

Ажраганлар ўртасида мулкӣ ва номулкӣ низолар вужудга келади. Мулкӣ низолар эр — хотиннинг бирга олган мулкига, турар жойига, ҳадя мулкларига, омонат кассасида пул ва бошқа мулкларига қаратилган бўлиб, ўзаро келиша олмаса суд ҳал қилади.

Номулкӣ муносабатга фарзанд ва унинг тақдири билан боғлиқлар, эр(хотин)нинг ўз фамилиясини ўзгартириш масалалари киради. Фарзанд ким билан қолиши, фарзанд билан боғланиш, унинг тарбиясида иштирок этиш

муоммалари энг оғир ва ташвишлидир. Чунки ажралганларнинг айримлари эри(хотини) билан биргаликда фарзандларидан ҳам воз кечишади, айримлари эса фарзандини кўришга зор бўлади.

Фарзанд масаласи суд қарорига биноан ҳал қилинади. Болалардан қайси бири отаси ёки онаси билан қолиши, шунингдек болаларнинг таъминоти учун ота—оналарнинг қайси биридан қанча миқдорида алимент ундириш кераклиги суд қарорига кўра ҳал қилинади.

Никоҳдан ажратилганда эр(хотин)нинг ўз фамилиясини аниқлаш—никоҳдан ажратилгандан кейин никоҳдаги фамилиясида қолиш ёки никоҳгача бўлган фамилиясини қайтариши мумкин.

Вояга етмаган болалар учун уларнинг ота—оналаридан алимент, ота—онанинг иш ҳақи (даромади)дан: бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан куп бола учун ярмаси, миқдорида ундирилади. Мол—мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол—мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш билан бирга бир—биридан таъминлот олиш ҳуқуқига эга бўлган эр ёки хотиннинг илтимосига кўра, эр ёки хотиндан ундириладиган таъминот миқдорини белгилаши лозим.

Эр ва хотин бир—бирларига моддий ёрдам беради. Бу Оила Кодексининг 117—121 моддаларида кўрсатилган. Жумладан, булар эр ва хотиннинг бир—бирларига таъминол бериш мажбуриятлари (117—модда); эр—хотиннинг никоҳини ажралгандан кейин бир—биридан таъминот олиш ҳуқуқлари (118—модда); эр—хотинга бериладиган таъминот миқдорини белгилаш (119—модда); эр ёки хотинни таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ёки бу мажбуриятни муддат билан янгилаш (120—модда); эр—хотиннинг бир—биридан таъминот олиш ҳуқуқининг тугаши (121—модда)ларда аниқланган.

Етарли маблағга эга бўлган собиқ эр(хотин)дан қўидаги асосларда таъминот олиш ҳуқуқи вужудга келади:

1. собиқ хотин хомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил мобайнида;

2. ўртадаги ногирон бола 18 ёшга тўлгунча ёки болаликдан 1—гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин(эр);

3. никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб, бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз қолган ёрдамга муҳтож собиқ эр (хотин);

4. эр ёки хотин никоҳдан ажралган вақтдан бошлаб беш йил мобайнида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож эр ёки хотин агар эр—хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса.

Суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Суд юқорида кўрсатилган мажбуриятларда эр ёки хотинни озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни маълум муддат билан чеклаши мумкин. Бу ҳолатлар қуйидагилардан иборат: эр—хотин никоҳда қисқа вақт турсалар; агар ўзига таъминот учун маблағлар тўлашни талаб қилаётган эр ёки хотиннинг номуносиб ҳулқ—атвори натижасида никоҳ бекор бўлган бўлса, таъминот

талаб қилаётган эр — хотин спиртли ичимликларни, кайф берадиган моддаларни суистеъмол қилганлиги ёки жиноят қилганлиги натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган бўлса; Эр — хотиннинг бир — биридан таъминот олиш ҳуқуқи уларнинг бири янги никоҳга кирганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила қонунларида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ҳам кўрсатилган. Агар никоҳ тузиш пайтида: эр — хотиннинг ўз розилиги бўлмаса, бу розилигини (розилиги эмаслигини) ифода этиш қобилиятиги эга бўлмаса; никоҳ тузишига бўлажак эр ёки хотин мажбур қилиган бўлса; никоҳланувчилар қонунда кўрсатилган никоҳ ёшига етмаган бўлсалар; никоҳланувчиларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинаган бошқа никоҳда турса; насл — насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай ака — укалар билан опа — сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида; лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилса; башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шунингдек соҳта никоҳ, яъни эр — хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундай кейин уч юз кун ичида туғилган балаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Ўзбекистон Республикасида оилавий, эр ва хотиннинг, фарзандларнинг муносабатларини тартибга солишда қон — қариндошлик, кайин — бўйинчилик ва қуда — андачилик, балаларнинг насл — насабини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади.

қариндошлар тўғри шажара бўйича, ён шажора бўйича, туғилган, ёд аралашмаган ва ёт аралашганлар бўлинади. Тўғри шажарадаги қариндошлар ўз навбатида биринчи, иккинчи, учинчи ва хоказо даражадаги қариндош ҳисобланади.

Эр(хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин(эр) қариндошларининг бир — бирига нисбатан муносабатлари (қайин — бўйинчилик ва қуда — андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далиллари асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота—онаси боланинг насл—насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширгпн аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан қилишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Ота — она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Вояга етмаган болаларнинг қўидаги ҳуқуқлари мавжуд: оилада яшаш ва тарбияланиш; ота — онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш; ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; ўз фикрини ифода этиш; исм, ота исми ва фамилия олиш; исм ва фамилиясини ўзгартириш; оилада умумий мулк, ўз хусусий мулкига эга бўлиш ва бошқалар.

ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота—онаси билиш, уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга.

Бола ўз ота—онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши инсоний қадр—қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака—укалари, опа—сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота—онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётган бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга.

Болага исм ота — онанинг келишувига биноан, ота исми — отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота — онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота — она турли фамилияларда бўлганда ота — онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота — онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйичи фамилия берилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ота — онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Ота — она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ота — оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳда кирганлирида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди.

Вояга етмаган ота — она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзаро никоҳда булмаган вояга етмаган ота — она улардан бола туғилганда ҳамда уларнинг оналиги ва(ёки) оталиги белгиланганда ўн олти ёшга тўлишлари билан ота — оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ота — она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота — она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота — онаси зиммасига юклатилади.

Ота — оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота — она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

ота — оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота — она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбияш усуллари менсимаслик, шавқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр — қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.

Боладан алоҳида яшаётган ота(она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бобо, буви, ака — ука, опа — сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга.

Ота — она ўз фарзандлари олдида бурчларини гайри қонуний асосда бажармасалар, улар оталик(оналик) ҳуқуқидан суд қарори асосида маҳрум қилинади.

Оила Кодекснинг 78 моддасига биноан ота—оналик ҳуқуқдан маҳрум қилиш қуйидаги ҳолларда:

- ота—оналик мажбуриятларини бажаришдан бош торса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;
- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассаси ва шунга ўхлаш бошқа муассасалардан олишдан бош торса;
- ота—оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шавқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;
- муттасил ичкиликбозлик ҳаёти ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;
- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри(хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота—оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ота—оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота—она қайси болага нисбатан ота—оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота—оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота—онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Фарзандларинг ҳуқуқ ва бурчлари

Фарзандлар ҳам ота—оналарининг олдида ўз бурчларини бажаришлари шарт. Бу бурчлар айниқса меҳнат қобилиятини йўқотган, касал бўлганда, боқувчисиз қолган ота—оналарга ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Фарзандлар бурчларини бажаришлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66—моддасида, жиноят, никоҳ ва оила қонунларида кўрсатилган.

қонун ажрим билан биргаликда, агар талаб қилсалар, вояга етмаган фарзандга нафақа тўлашни ҳам хал қилиш йўллари кўрсатган.

Алиментни ота ёки она тўлаши мумкин. Фарзанд кимнинг қарамоғида қолса ўша шахсга алимент олиш ҳуқуқи берилади. Алимент миқдори юқорида кўрсатилди. Вояга етган фарзандлар эса, ўз навбатида, ота—оналарни талаб қилсалар, уларга ҳам алимент тўлайдилар. Фақат алимент суд хайъати белгиланган миқдорда амалга оширилади. Ота—онага тўланадиган алимент аниқ миқдорда кўрсатилмаган.

Никоҳда турган ота—оналардан туғилган фарзанднинг фамилияси ота—онасининг никоҳи ҳақидаги ҳужжат билан гувоҳлантиради.

Фарзандликка олиш тартиби

ҳар бир вояга етган эркак ва аёл, фуқаролар фарзандликка олиш ҳуқуқига эга. Фақат: қамоқдагилар; ота — оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар руҳий касаллар; муомалага лаёқатсизлар ёки наркалогия муассасаларида рўйхатга турувчилар, жиноий жазога тортилганлар бундай ҳуқуқдан фойдаланишдан маҳрумдирлар.

Фарзандликка олиш ҳақидаги ариза фарзандликка олувчи шахс турган жойдаги ёки фарзандликка олувчи турган жойидаги васийлик ва хомийлик органига берилади. Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади.

Фарзандликка олувчининг илтимосига кўра, фарзандликка олинувчи фамилия ва ота исми — фарзандликка олувчининг фамилия ва исмига қараб берилиши, шунингдек фарзандликка олинувчининг исми ўзгариши мумкин, фарзандликка олиниш сир сақланади.

Фарзандликка олинишнинг сир сақланишини таъминлаш мақсадида, фарзандликка олинувчи боланинг туғилган жойи ҳақидаги ёзувини, унинг туғилган вақти ҳақидаги ёзувни ўзгартириши мумкин. Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан химоя қилинади.

Маълумки айрим болалар отасиз — онасиз қолишлари мумкин. Бу ҳолатлар боланинг ота — онаси вафот этиши туфайли, ота — онаси оталик — оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлиги, ота — онаси касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра вужудга келади. Бундай шароитда қолган болаларга васийлар ва хомийлар белгиланади.

Васийлик ва хомийлик

Васийлик ва хомийлик туман ёки шаҳар ҳокимиятининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан руҳий касаллиги ёки заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб танилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Хомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирларга ҳамда касаллиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган вояга етган шахсларга, шунингдек суд томонидан муоамала лаёқати чекланган шахсларга нисбатан белгиланади.

Васийлик ва хомийликларни васийлик ва хомийлик органлари тайинлайдилар. Улар ўз розилиги билангина васий ёки хомий бўлишлари мумкин. Васий ва хомий бўладиган шахслар одобли, онгли, ўз вазифаларини бажариш маъсулиятини биладиганлар бўлиши шарт. Улар ота — онанинг ўрнини боса олиш даражасида бола тарбиясида қатнашишлари, унга мулкӣ ва шахсий ёрдам беришлари керак.

Васийлик ва хомийлик бола 14 ёшга ёки 18 ёшга етганда, васий ёки хомий вафот этса, муоамала лаёқати чекланган шахсларга суднинг ҳал қилувчи қарори билан улар энди муомалага лаёқатили деб танилса, тугайди.

Ўзбекистон Республикаси ОИЛА кодексида болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) ҳам белгиланган. Ота—онасиз қолган болаларни айрим фуқароларимиз ўз розиликлари билан тарбияга олишлари мумкин.

Тарбия олаётган шахснинг маиший шароитлари ва оила аъзоларининг саломатлиги текширилгандан кейин болани тарбияга олиш масаласи ҳал қилиниб, тегишли органлар томонидан расмийлаштирилади.

Тарбияга ўн ёшга тўлган болаларни уларнинг розилиги билан барилади. Болаларни оилага тарбиялашга бериш тартиби ва шароитлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила қонунларида ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ҳам тартиб доирасига туширилган. Туғилиш, ўлиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исм, ота исми ва фамилиясини ўзгартириш масалалари шулар қаторига киради.

қонуннинг асосий мақсади биронта фуқаро оилада ҳимоясиз қолмаслигини, она, фарзанд давлат ҳимоясида эканлигини билдиради.

Оилавий келишмовчиликлар, тенгсизликлар, фарзандларнинг ҳуқуқий ҳолатларини ҳаммасини бу қонун ўз доирасида тартибга солиб тушириш учун хизмат килади.

УП—Экология ҳуқуқи

Табиатнинг муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

Табиат деганда ер усти ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ернинг яшил қатлами ва бошқа ногир бойликлар тушунилади. Табиат инсон яшаши учун энг зарур манбалардан бири. Табиат бойликларидан айниқса, ер одамзоднинг ҳаёт манбаидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55—моддасида **«Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа фойдали табиий захиралар умумий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат муҳофазасидадир» деб кўрсатилган.**

Табиат экология билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда экологик назоратга алоҳида эътибор берилади. **Экологик назорат деганда барча кохоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар томонидан табиатни муҳофаза қилиш талабларини бажарилишини кузатиш ва текшириш бўйича давлат ҳамда жамоатчилик кучлари бирлаштирилиши тушунилади.**

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111 — сон қарорига иловада «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида Низом» баён этилган. Низомга биноан қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ◆ Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши даражасини, шунингдек антропоген таъсирлар остида унда юз бераётган жараёнларни кузатишни ташкил этиш ва юритиш;
- ◆ Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- ◆ Унда юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ◆ Атроф муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларнинг давлат кадастрлари соҳасида давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

Низомда вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот—таҳлил бўлинмалари ҳар йили биринчи мартадан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларига минтақалар бўйича табиий муҳитнинг аҳволи тўғрисида ахборотлар тақдим этадилар. Алоҳида хавфли ва йўл қўйилиши мумкин бўлган чегарадан ташқари жараёнлар аниқланган тақдирда тезкор маълумотлар жўнатадилар.

Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида» қонун қабул қилган эди. Қонуннинг мақсади Ўзбекистон халқининг маданий меросини асраш, маданий бойликларни қонунга хилоф равишда олиб чиқилиши ва олиб кирилишидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан, уларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишининг ягона тартибини белгилашдан, шунингдек халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш ҳамда тартибга солиш, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун шарт—шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 29 июлда қарор қабул қилди.

Республикада табиатни муҳофаза қилишга қаратилган яна бир неча қонун ҳужжатлар мавжуд. Масалан: «Давлат ер кодастри тўғрисида» 1998 йил 28 августда қабул қилинган қонун; Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги; Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда «Ўрмон тўғрисида» ги; 2002 йил 13 декабрда «Ер ости бойликлари тўғрисида» (янги таҳрири) тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Ер кодастри тўғрисидаги қонуннинг мақсади: давлат ер кодастри юритишнинг иқтисодиётни ривожлантириш; ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш; ерлардан оқилона фойдаланиш; уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кодастир маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва бошқалардан иборат.

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун: ер ости бойликларига эгалик қилиш; улардан фойдаланиш; уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг асосий вазифалари: ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такрорий кўпайтиришни таъминлаш ҳамда ўрмонлар махсулдорлигини ошириш мақсадида ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборатдир.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларнинг вазифаси: ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитларини таъминлаш; уларнинг ҳилма – хил турларини ва табиий галалари бутунлигини ва яшаш муҳитини сақлаш мақсадида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш; уни тиклаш ва такрор етиштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги энг муҳим вазифалардан биридир. Инсон табиатдан фойдалана бориб янги шароит ҳосил қилади, географик муҳитни ўзгартиради, табиатда кечадиган табиий айланиш ва модда алмашинув жараёнига таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг салбий оқибатлари табиатдаги тенгликка зарар етказади, инсон ва биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам табиатдан фойдаланишда унинг муҳофазасига эътибор бериш объектив зарурият бўлиб қолади.

Табиатни муҳофаза қилиш – инсоннинг онгли ва аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятдир. У табиатни муҳофаза қилишга, унинг ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга, ҳаёт муҳитини ва инсон фаолиятини яхшилашга қаратилган давлат ва ижтимоий тадбирлар тизими орқали амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилишнинг дастлабки шаклларида бири – уни консервациялаш, яъни инсон томонидан хўжалик ёки бошқа мақсадларда фойдаланиладиган табиий объектлар, уларнинг комплексларидан тўла ҳолда ёки бир қисмини ажратиб олишдир (қўриқхоналар, заказниклар). Иккинчи шакли – фойдаланилаётган табиий объектларга оқилона муносабатда бўлиш, учинчиси эса атроф – муҳитни ҳимоялаш соғломлаштириш ва яхшилашдан иборат.

Табиатни муҳофаза қилиш фуқароларнинг бурчидир Республика Конституциясининг 50 – моддасида бу аниқ кўрсатилган. Бу вазифа фақат ҳозирги авлод манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки келгуси авлод манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур. Инсон фақат ўзи ҳақида қайғурмай, балки ўзидан кейин яшайдиганлар тўғрисида ҳам ўйлаши керак. Қадимги Шарқ ҳикматларида шундай дейилган: «Агар ҳар бир инсон бирор болани тарбия қилмаган, бирор уй қурмаган, бирор дарахт экиб ўстирмаган бўлса, унинг умри зое кетган ҳисобланади».

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда асосий эътибор:

- ◆ табиатга тўғри муносабатда бўлиш;

- ◆ ер, сув ресурслари, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш самародорлигини ошириш;
- ◆ табиий муҳит ва ифлослик тарқатувчи манбалар устидан давлат назоратини кучайтириш;
- ◆ жамоат ташкилотлари ва аҳолининг иштирок этиш шакллари ва усуллари кенгайтиришга қаратилиш зарурдир.

Табиат билан уйғун муносабатни қарор топтириш, унинг қонунларининг энг мақбул ҳисоб—китобини олиб бориш, табиий ресурсларидан фойдаланишда эҳтиёткорона иш юритиш, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш муаммолари тобора кескинлашиб бормоқда.

Экология ҳуқуқи асослари

«Экология» сўзи (грекча «oikos» — уй, турар жой ҳамда «Logos» — таълимот) деган маънони билдиради. Демак, инсон ўз яшаш жойига қандай муносабатда бўлиши, турар жой, унинг атрофи тўғрисидаги тушунчани, таълимни билиши экология сўзининг тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Экология табиат, уни эзозлаш, ҳимоя қилиш, қўриқлашни билдиради.

Табиий бойликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш соҳасидани муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонун алаҳида ўрин эгаллайди. Бу қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Қонуннинг мақсади—инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимларини, табиат мажмуаларини ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф—муҳитга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» Президент томонидан тасдиқланди. Бу кодекса биноан ер умуммиллий бойлик бўлиб, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилана фойдаланиши зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ерни ҳимоя қилишга қаратилган бир—қанча қонунла мавжуд. Улар қаторида «Далат ер кадастри», «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни келтириш мумкин. Бу қонунларнинг вазифаси халқ хўжалигининг минерал хом ашёга бўлган талаблари ва бошқа эҳтиёжлари қондирилмоғи учун ер ости бойликларидан оқилона, комплекс равишда фойдаланиш, ер ости бойликларини қўриқлаш, ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғидаги ишлар хавф—хатарсиз бўлишини таъминлаш мақсадларида кончилик муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда фуқароларнинг ҳақ—ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва шу соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлашдан

иборатдир. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган бошқа қонунлар ҳам аниқ мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган.

Табиатни муҳофаза қилиш объеклари

Республика қонунига мувофиқ табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти табиат (табиий муҳит) дир, у объектив тарзда, инсондан ташқарида мавжуддир ва унинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳақиқат, инсон яшайдиган макон, унинг ҳаётининг шарт — шароити ва воситасидир. Буларга:

- ◆ ер усти ва ер ости сувлари;
- ◆ атмосфера ҳавоси;
- ◆ нодир ва қимматбаҳо минерал конлари;
- ◆ балиқ хўжалиги;
- ◆ ўрмонларнинг қўриқланадиган минтақалари;
- ◆ тарихий — табиий ва ёдгорлик боғлари;
- ◆ ботаника ва ҳайвонот боғлари;
- ◆ ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
- ◆ дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

Юқорида санаб ўтилган объектларнинг икки турдаги аҳамиятига таъриф берилади, яъни уларнинг бири табиат ресурслари сифатида таърифланса, иккинчиси табиий муҳитнинг таркибий қисми сифатида таърифланади.

Табиат ресурслари дейилганда истеъмол манбаи бўлган ва инсон томонидан фойдаланиладиган табиат унсурлари тушунилади. Инсон ҳаётида улар турли — туман: иқтисодий, маданий, соғломлаштириш, коммунал ва оқартув вазифаларини бажаради. Бунда битта унсурнинг ўзи бир неча ресурслар ролини бажариши мумкин. Масалан, ер ишлаб чиқариш воситаси ва бино — иншоот жойлаштириш учун фазовий базис ролини ўйнайди. Унда тупроқ ва озиқ — овқат ресурслари мавжуд. Ўрмон бир вақтнинг ўзида ёнилғи — хом ашё ва соғломлаштириш ресурслари бўлиб ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табиий мажмуилар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий — тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат миллий табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасалари бўлиб, уларнинг ҳудудлари алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қиматга эга бўлган, маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуаларни қамраб олади.

Экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар давлат табиий ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиий ресурсларни тугайдиган ва тугамайдиган хилга бўлиш мумкин. Биринчиси ўз навбатида, қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган турларга бўлинади. Биринчисига нефть, иккинчисига торф қатлами ва бошқа чўкинди жинслар киради. Қайта тикланмайдиган табиий ресурсларни муҳофаза қилиш учун улардан оқилона фойдаланиш, қазиб олишда, ташишда, қайта ишлашда ва ишлатишда nobudgarчиликка қарши курашиш лозим.

Қайта тикланиш жараёнида турли ресурс учун ҳар хил муддат керак. Ҳайвонларнинг тикланиши учун, масалан, бир неча йил, кесилган ўрмон учун 60—80 йил, заво́л топган tupроққа бир неча юз йиллар зарур. Шунинг учун табиий ресурсларни сарф қилиш суръати уларни қайта тиклаш суръатига мувофиқ келиши керак. Қайта тикланадиган табиий ресурслар инсоннинг номаъқул хатти—ҳаракати туфайли қайта тикланмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Ҳайвонлар ва ўсимликлар бир қанча турларининг йўқ бўлиб кетиши бунга мисол бўла олади.

Тугамайдиган табиий ресурсларга сув, иқлим, фазо киради. Аммо бу ерда ҳаммаси нисбий. Амалда дунё океанларининг суви тунамайди. Айни вақтда шундай мисоллар ҳам борки. Инсоннинг ўйламай қилган хатти—ҳаракати туфайли ернинг айрим қисмларидаги сув заҳираси камайиб кетади. Орол, Амударё, Сирдарё, Днепр дарёлари ва бошқалар бунга яққол мисолдир.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий жавобгарлиги—бу ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий жавобгарлик учун мансуб барча шакллар, усуллар ва шартлар ҳам унга хосдир, аммо унинг ўзига хос алоҳида томонлари ҳам бор.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги ҳолатларда:

- ◆ табиат — қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликка, муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва уларни ишини йўлга қўйиш лойиҳалари талаблари бузилганда;
- ◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланилганида;
- ◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладигантеграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолияти йўлга қўйилганда;
- ◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарали таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганда;
- ◆ табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- ◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганда;

- ◆ муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талаблари бузилганда;
- ◆ табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажарилмаган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талаблари бузилганда;
- ◆ муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуалари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойлар бузилганда, уларга шикаст етказилганда ёки улар йўқ қилинганда;
- ◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегараси ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда, бундай ҳудудларни ўз билганича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб борганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиладилар.
- ◆ Маъмурий жавобгарлик турлари қуйидагилардир;

Жарима солиш; *маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қурооларни олиб қўйиш; қонунга хилоф равишда маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қурооларни мусодара қилиш; маъмурий қамоқ ва ҳоказо.* Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 8 — бобида жавобгарлик турлари аниқ кўрсатилган.

Жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4 — бўлимида «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» турлари кўрсатилган ва бундай жиноятлар учун жазо чоралари белгиланган.

Айбдор хулқида ноўрин хатти — ҳаракат мавжуд бўлганда белгиланган тартибга кўра қўлланиладиган интизомий жавобгарлик ҳам мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун *интизомий, маъмурий, жиноий, моддий жавобгарликлар* қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

- ◆ давлатнинг табиат манбаларига нисбатан эгалик ҳуқуқи бузилганда;
- ◆ табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланилганда;
- ◆ давлат экология экспертизаси талаблари бажарилмаганда;
- ◆ табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф — муҳитга зарарли моддалар чиқарганлиги ва оқизганлиги, қаттиқ чиқиндилар тўкканлиги, булар табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганда;
- ◆ табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режалари, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирлар бажарилмаганда;
- ◆ атроф — муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чоралари кўрилмаганда;
- ◆ табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

- ◆ алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботи бузилганда;
- ◆ атроф — муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидалари бузилганда;
- ◆ ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, кимёлаштириш воситалари, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш улардан фойдаланиш, уларни зарасизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талаблари бузилганда;
- ◆ атроф — муҳит ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганда ва ҳоказо.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати

1993 йил 7 майда «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» қонун қабул қилинган. Ушбу қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария — соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуиларни муҳофаза этишнинг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг вазифаси ноёб табиий мажмуиларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмуида аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чекланишдан иборатдир.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — бу ерлар ва сув кенгликлари (акваторийлар) нинг устивор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария — соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмлардир.

Табиат ранг — баранглигини сақлаб қолиш, экологик мувозанатни ва биосфера мониторингини сақлаб туришга шунингдек шикаст етган табиий мажмуиларни тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари хўжалик мақсадида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман, бир умрга ёки вақтинча тортиб олиниши мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри бу ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг жуғрофий мавқеи, миқдори ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Жамоат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ва айрим фуқаролар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан

фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга оширишда давлат идораларига ҳамкорлик қиладилар.

Давлат қўриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табиий мажмуилар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устида мониторинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат корхоналари зиммасига:

- ◆ Муҳофаза остига олинган бутун табиий мажмуини табиий ҳолатда асраш;
- ◆ Илмий тадқиқотлар ўтказиш;
- ◆ Рўёбга чиқарилганда қўриқзонлар ва муҳофаза этилаётган теграларнинг табиий мажмуига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик объектлари ва бошқа объектларнинг лойиҳалари ҳамда уларни жойлаштириш кесмаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиш;
- ◆ Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш;
- ◆ Экологик билимларни тарғиб этиш вазифалари юкланади.

Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишни давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини қайси корхона, муассаса ва ташкилотнинг ер майдонида жойлашган бўлса, ана шу корхона, муассаса ва ташкилот амалга оширади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъмин этиш масалаларига доир корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар, давлат идоралари ўртасидаги низолар суд ёки хўжалик суди томонидан қараб чиқилади.

Қуйидаги ҳолларда:

- ◆ Табиат – қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликда, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва улар ишини йўлга қўйиш лойиҳаларининг талабларини бузганликда;
- ◆ Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланганликда;
- ◆ Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган теграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолиятини йўлга қўйганликда;
- ◆ Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмаганликда;
- ◆ Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартибини бузганликда;
- ◆ Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва ўзга хил таъсирлар йўл қўйиладиган

меъёрдан ошиб кетганликда, бундай ҳудудларни истефода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талабларини бузганликда;

- ◆ Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуилари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойларни бузганликда, уларга шикаст етказганликда ёки уларни йўқ қилганликда;

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегарасини ўзбошимчалик билан ўзгартирганликда, бундай ҳудудларни ўзбилгича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий ва ўзга хил жавобгарликка тортиладилар.

Экологик ҳуқуқбузарлик учун фуқаролик–ҳуқуқий жавобгарлик

Экология қонунчилигини бузганлик учун юклатиладиган фуқаровий–ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузар зиммасига жабрланган томон кўрган зарарни натура шаклида ёки пул шаклида қоплаш мажбуриятининг юклатилишидан иборатдир. Бу зарар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 49—моддасига биноан атроф—муҳитга, одамлар саломатлигига ва давлатга атроф—муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатида зарар етказилган юридик ва жисмоний шахслар зарарни қоплашлари шарт. Бу модда Фуқаролик кодексининг 985—моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги умумий қоидаларни назарда тутади.

Табиий ресурсларга зиён етказилиши натижасида тиклаб бўлмас оқибатлар ёхуд зарар етказувчининг кучи билан бартараф этиб бўлмайдиган ўзгаришлар юзага келади. Шу сабабдан кўпгина ҳолларда етказилган зарарни натурада қоплашнинг иложи бўлмайди. Бундай ҳолларда зарарнинг пулдаги эквивалентини, яъни қилинган ортиқча ҳаражатларни қоплашнинг асосий усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 14—моддасининг 1—бандига кўра, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача ҳолатлар назарда тутилган бўлмаса, ҳуқуқи бузилган шахси ўзига етказилган зарарни тўлиқ қоплашларини талаб этиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилиги бўйича зарар (убитка) деганда ҳуқуқи бузилган шахс қилган ёки қиладиган ҳаражатлар англашилади, бундан ташқари унинг мулки йўқотилган ёки шикастлантирилган бўлиши мумкин (реал зарар). Шунингдек, унинг ҳуқуқлари бузилмасдан, ишлари одатдагидек юришиб турганда олиши мумкин бўлган, аммо олинмай қолган фойда ҳам шу ҳисобга киради.

Қонунчилик бузилган ҳолларда юзага келадиган зарар қуйидаги элементлардан ташкил топган: илгари табиат объектларига сарф қилинган, аммо фойдаланилмаган ҳаражатлар, табиат объектининг аввалги ҳолатини

тиклаш учун қилинган харажатлар, табиий хом — ашёнинг олинмаслигида ифодаланган олинмай қолинган фойдалар.

Атроф муҳитни ифлосланиши оқибатида инсон саломатлигига етказилган зарар, ёхуд «экоген зарар» кишиларнинг касалликларга чалинишида, ёхуд соғлиқни бошқача йўқотилишида ёки соғлиғи йўқотилишининг хавфи туғилишида, шунингдек бошқа генетик салбий ҳолатларда намоён бўлади. Улар кишиларнинг экологик ноқулай шарт — шароитларда яшаши, ифодаланган табиий ресурслар (сув, ҳаво) ва таркибига кимёвий моддалар аралашган табиий озиқ — овқат маҳсулотларини истеъмолқилишлари ҳамда уларга зарарли физикавий таъсирлар кўрсатилиши (шовқин, радиация) билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳуқуқбузар ўз кучлари ҳамда воситалари ҳисобидан табиий муҳитнинг аввалги ҳолатини тиклаш лозим, яъни у табиий муҳитни белгиланишига кўра фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш керак. Демак, ерга нисбатан зарарни натурада қоплаш ернинг аввалги ҳолатини тиклашда ифодаланиши мумкин. Ёввойи ҳайвонлар ва қушларни ноқонуний овлашга нисбатан зарарни натурада қоплаш ушланган ҳайвонлар ва қушларни табиий истиқомат жойларга қўйвориш, балиқларни эса сув ҳўжалигига қарашли ёки бошқа сув ҳавзаларига қўйворишда ифодаланади.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси материаллари ва статистик маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, энг кўп ҳуқуқбузарликлар айнан ердан фойдаланиш соҳасида содир этилади. Зарарни қоплашда фуқаролик қонунчилигини умумий нормалари ва қишлоқ ҳўжалиги корхонасининг кўрган умумий зарарлари миқдоридан келиб чиқади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунда атроф — муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш йўли билан етказилган зарар тўлиқ ва мажбурий равишда қопланиши назарда тутилган. Ушбу қонунга биноан зарарнинг қопланиши ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига кўра белгиланган тартибда тасдиқланган таксалар ҳамда зарарни ҳисоблаб чиқиш усулларига мос равишда, агар улар мавжуд бўлмаса, кўрилган зарарларни ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитнинг бузилган ҳолатини тиклаш учун амалда қилинган харажатларга мос равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 26 декабрда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги қонунни қабул қилди. Қонунг табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини, шунингдек такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ♦ флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;
- ♦ табиий ўсимлик ва жамоаларнинг ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш;

- ◆ ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни ва уни такрор етиштиришни таъминлаш;
- ◆ юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.
- ◆ Ўсимлик дунёси давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир.
- ◆ Ўсимлик дунёси объектлари қуйидагилардан иборат:
- ◆ ёввойи организмлар — дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма — хил турлари билан;
- ◆ ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи;
- ◆ камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари;
- ◆ ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар ҳаётий фаолиятининг маҳсуллари.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади.

Табиатнинг муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

Табиат деганда ер усти ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ернинг яшил қатлами ва бошқа ногир бойликлар тушунилади. Табиат инсон яшаши учун энг зарур манбалардан бири. Табиат бойликларидан айниқса, ер одамзоднинг ҳаёт манбаидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55 — моддасида **«Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа фойдали табиий захиралар умумий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат муҳофазасидадир» деб кўрсатилган.**

Табиат экология билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда экологик назоратга алоҳида эътибор берилади. **Экологик назорат деганда барча кохоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар томонидан табиатни муҳофаза қилиш талабларини бажарилишини кузатиш ва текшириш бўйича давлат ҳамда жамоатчилик кучлари бирлаштирилиши тушунилади.**

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111 — сон қарорига иловада «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида Низом» баён этилган.

Низомга биноан қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ◆ Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши даражасини, шунингдек антропоген таъсирлар остида унда юз бераётган жараёнларни кузатишни ташкил этиш ва юритиш;
- ◆ Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- ◆ Унда юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ◆ Атроф муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларнинг давлат кадастрлари соҳасида давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

Низомда вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот—таҳлил бўлинмалари ҳар йили биринчи мартадан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларига минтақалар бўйича табиий муҳитнинг аҳволи тўғрисида ахборотлар тақдим этадилар. Алоҳида хавфли ва йўл қўйилиши мумкин бўлган чегарадан ташқари жараёнлар аниқланган тақдирда тезкор маълумотлар жўнатадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом мавжуд.

Мазкур Низом «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида» қонун қабул қилган эди. Қонуннинг мақсади Ўзбекистон халқининг маданий меросини асраш, маданий бойликларни қонунга хилоф равишда олиб чиқилиши ва олиб кирилишидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан, уларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишининг ягона тартибини белгилашдан, шунингдек халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш ҳамда тартибга солиш, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун шарт—шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 29 июлда қарор қабул қилди.

Республикада табиатни муҳофаза қилишга қаратилган яна бир неча қонун ҳужжатлар мавжуд. Масалан: «Давлат ер кодастри тўғрисида» 1998 йил 28 августда қабул қилинган қонун; Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш

тўғрисида» ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги; Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда «Ўрмон тўғрисида» ги; 2002 йил 13 декабрда «Ер ости бойликлари тўғрисида» (янги таҳрири) тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Ер кодастри тўғрисидаги қонуннинг мақсади: давлат ер кодастри юритишнинг иқтисодиётни ривожлантириш; ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш; ерлардан оқилона фойдаланиш; уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кодастир маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва бошқалардан иборат.

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун: ер ости бойликларига эгалик қилиш; улардан фойдаланиш; уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг асосий вазифалари: ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такрорий кўпайтиришни таъминлаш ҳамда ўрмонлар махсулдорлигини ошириш мақсадида ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборатдир.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларнинг вазифаси: ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитларини таъминлаш; уларнинг ҳилма — хил турларини ва табиий галалари бутунлигини ва яшаш муҳитини сақлаш мақсадида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш; уни тиклаш ва такрор етиштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги энг муҳим вазифалардан биридир. Инсон табиатдан фойдалана бориб янги шароит ҳосил қилади, географик муҳитни ўзгартиради, табиатда кечадиган табиий айланиш ва модда алмашинув жараёнига таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг салбий оқибатлари табиатдаги тенгликка зарар етказди, инсон ва биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам табиатдан фойдаланишда унинг муҳофазасига эътибор бериш объектив зарурият бўлиб қолади.

Табиатни муҳофаза қилиш — инсоннинг онгли ва аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятдир. У табиатни муҳофаза қилишга, унинг ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга, ҳаёт муҳитини ва инсон фаолиятини яхшилашга қаратилган давлат ва ижтимоий тадбирлар тизими орқали амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилишнинг дастлабки шаклларида бири — уни консервациялаш, яъни инсон томонидан ҳўжалик ёки бошқа мақсадларда фойдаланиладиган табиий объектлар, уларнинг комплексларидан тўла ҳолда ёки бир қисмини ажратиб олишдир (қўриқхоналар, заказниклар). Иккинчи шакли — фойдаланилаётган табиий объектларга оқилона муносабатда бўлиш, учинчиси эса атроф — муҳитни ҳимоялаш соғломлаштириш ва яхшилашдан иборат.

Табиатни муҳофаза қилиш фуқароларнинг бурчидир Республика Конституциясининг 50 — моддасида бу аниқ кўрсатилган. Бу вазифа фақат

ҳозирги авлод манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки келгуси авлод манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур. Инсон фақат ўзи ҳақида қайғурмай, балки ўзидан кейин яшайдиганлар тўғрисида ҳам ўйлаши керак. Қадимги Шарқ ҳикматларида шундай дейилган: «Агар ҳар бир инсон бирор болани тарбия қилмаган, бирор уй қурмаган, бирор дарахт экиб ўстирмаган бўлса, унинг умри зое кетган ҳисобланади».

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда асосий эътибор:

- ◆ табиатга тўғри муносабатда бўлиш;
- ◆ ер, сув ресурслари, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш самародорлигини ошириш;
- ◆ табиий муҳит ва ифлослик тарқатувчи манбалар устидан давлат назоратини кучайтириш;
- ◆ жамоат ташкилотлари ва аҳолининг иштирок этиш шакллари ва усуллари кенгайтиришга қаратилиш зарурдир.

Табиат билан уйғун муносабатни қарор топтириш, унинг қонунларининг энг мақбул ҳисоб — китобини олиб бориш, табиий ресурсларидан фойдаланишда эҳтиёткорона иш юритиш, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш муаммолари тобора кескинлашиб бормоқда.

УШ — БОБ

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

Жиноят — ҳуқуқи тушунчаси, мақсади, вазифаси

Жиноят ҳуқуқи — ҳуқуқ фанлари тизимининг бир соҳаси бўлиб, жиноятда жиноятнинг олдини олиш, инсонлар хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, фуқароларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш, Республикамизда учраётган жиноят турларини ва уларга қўлланиладиган жазо чораларини белгилаш каби муҳим масалаларни ўргатади.

Жиноят ҳуқуқи икки қисмдан ташкил топган. Биринчи умумий — қисми: жиноят ҳуқуқининг вазифалари, жиноят тушунчаси, таркиби, жиноий жавобгарлик тушунчаси, турлари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, жиноятда иштирокчилик тушунчаси, турлари, жазо тайинлаш асослари, жавобгарликдан озод қилиш, судганлик тушунчалари, вояга етмаганлар жинояти, жавобгарликлари асослари ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асосларини ўз ичига олади.

Иккинчи — махсус қисми аниқ жиноятлар тури ва уларга бериладиган жазоларни кўрсатади. Буларга: Шахсга қарши, Тинчлик ва хавфсизликка қарши, Иқтисодиёт соҳасидаги, Экология соҳасидаги, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши, Жамоат

хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2—чи моддасига биноан жиноят ҳуқуқининг асосий вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Жиноят ҳуқуқининг қуйидаги принциплари мавжуд: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги.

1. қонунийлик принципи. Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг махсус қисмида жиноят деб кўрсатилган жиноятлар учунгина жиноий жазо чоралари қўлланилади. ҳеч ким суднинг ҳукми чиқмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Республикамиз Конституциясининг 25—моддасида — ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас, деб ёзилган.

2. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи. Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

3. Демократизм принципи. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқни тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин. Маълумки жиноят содир этган шахсларга тарбиявий ишлар, тушунтириш ишлари олиб бориш зарур. Улар ўзларининг одамлар орасида ўрни борлигини, кимгадир кераклигини сезиб турсалар, улар тўғрисида ғамхўр қиладиганлар борлигини билсалар сафга киришлари онсон. Шунинг учун демократизм принципини амалга оширишда жамоанинг ўрни катта.

4. Инсонпарварлик принципи. Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр — қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26—чи моддасида — ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр — қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмас, дейилган.

5. Одиллик принципи. Жиноят содир этишда айбдор шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир — енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мувофиқ бўлиши керак. ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

6. Айб учун жавобгарлик принципи. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

7. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи. қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Жиноят деб таниш учун албатда қилмиш ижтимоий хавфли бўлиши ва бу қилмиш жиноят кодексида тақиқланган бўлиши лозим. қилмишнинг ҳаракат ёки ҳаракатсиз содир этилишида айбли ижтимоий хавфи бўлиши асосий ўрнини эгаллайди. Масалан, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш ҳаракатли ёки ҳаракатсиз амалга оширилиши мумкин. Чақалоғни бўғиб ўлдириш, сувга ташлаш, тириклайин кўмиб қўйиши ҳаракатли қилмиш турига киради. Болани ташлаб кетиш, унга қарамасдан қийноқда қолдириш ҳаракатсиз қилмиш турига киради.

ҳаракатсиз айбли қилмишга — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ота — онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш мисол бўла олади.

Айбли ижтимоий хавфли қилмиш қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Жиноятни содир этган шахс ўз қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишини истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади. Жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.

Ўз — ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Масалан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қимматда бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан

кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорида жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. (ЖК 189 — модда).

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик орқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради. Масалан, товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузиш, шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига қасддан шикаст етказиш жинояти учун беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖК 158 — модда).

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖК 158 — моддасининг I — қисми).

Жиноий жавобгарликка фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс тортилади. қилмишнинг жиноят деб топилиши учун унда жиноят таркиби борлиги аниқланади. Жиноят таркибига жиноят объекти, объектив томон, субъекти, субъектив томонлари киради.

Жиноят объекти — бу жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлардир. Жиноятнинг объектив томонини шахснинг онгли хатти — ҳаракати ва иродавий ҳуқ — атвори ташкил этади.

Жиноятнинг субъекти деб, жисмоний ақлирасо, жиноий қонунда белгиланган муайян ёшга етган шахсга айтилади. Жиноятнинг субъектив томони деб — шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавfli қилмишига ва унинг оқибатларига унинг руҳий муносабатини ифодалайди. (Ўзбекистон Республикасининг ЖК шарҳлар, Тошкент, «Адолат», 1997, 29 — 39 бетлар). Жиноят Субъектнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) айбли, қасддан ёки эҳтиётсизлик асосида; мотиви — шу қилмишни содир этишга нима мажбур қилганлиги; мақсади — бу қилмиш натижасида нимага эришди, эришмоқчи эканлигини билдиради.

Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги

Жиноят қонуни, жиноят субъекти деб, фақат жисмоний шахсни, яъни инсонни тушунилади. Ақли расо жисмоний шахслар ўн олти ёшга тўлгандан кейин жиноий жазога тортилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 17 – моддасига биноан жисмоний шахсларнинг жиноий жазога тортишдаги ёши тўрт хилга бўлинади: 13, 14, 16, 18.

Жиноий жавобгарликнинг бошланишдаги умумий ёш чегараси 16 ёш белгиланади. Битта жиноят, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, учун 13 ёшдан жиноий жазо қўлланилади.

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар қуйидаги жиноятлар учун жазога тортиладилар:

1. қасддан одам ўлдириш. (ЖК 97 – моддаси 1 – қисми);
2. қучли руҳий ҳаяжойланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98 – моддаси);
3. қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104 – моддаси);
4. қасддан баданга ўртача оғр шикаст етказиш (ЖК 105 – моддаси);
5. қучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106 – моддаси);
6. номусга тегиш (ЖК 118 – моддаси);
7. жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (ЖК 119 – моддаси);
8. одам оғирлаш (ЖК 137 – моддаси);
9. босқинчилик (ЖК 164 – моддаси);
10. товламачилик (ЖК 165 – моддаси);
11. талончилик (ЖК 166 – моддаси);
12. ўғрилиқ (ЖК 169 – моддаси);
13. мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган бўлса (173 – моддаси 2 ва 3 қисмлар);
14. озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (ЖК 220 – моддаси);
15. озодликка маҳрум қилиш жойларидан қочиш (ЖК 220 – моддаси);
16. ўқотар қурол, ўқ – дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 247 – моддаси);
17. радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 252 – моддаст);
18. темирйўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш (ЖК 263 – моддаси);
19. транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267 – моддаси);
20. гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271 – моддаси);
21. айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган безорилик (ЖК 277 – моддаси 2 ва 3 – қисмлари).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодкесига биноан қуйидаги жиноятлар учун 18 ёшга тўганлар жиноий жозига тортиладилар.

1. ота — онани моддий таълинлашдан бўйин товлаш учун (ЖК 123 — моддаси);

2. вояга етмаган шахсни ғайрижтимой хатти — ҳаракатларга жалб қилиш учун (ЖК 127 — моддаси);

3. фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144 — моддаси);

4. сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146 — моддаси);

5. экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (ЖК 193 — моддаси);

6. атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (ЖК 194 — моддаси);

7. атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (ЖК 195 — моддаси);

8. ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205 — моддаси);

9. ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206 — моддаси);

10. мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207 — моддаси);

11. ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208 — моддаси);

12. мансаб сохтакорлиги (ЖК 209 — моддаси);

13. пора олиш (ЖК 210 — моддаси);

14. ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖК 225 — моддаси);

15. маъмурий назорат қоидаларини бузиш (ЖК 226 — моддаси);

16. айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (ЖК 230 — моддаси);

17. адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (ЖК 231 — моддаси);

18. суд қарорларини бажармаслик (ЖК 232 — моддаси);

19. қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳисбга олиш (ЖК 234 — моддаси);

20. кўрсатув беришга мажбур қилиш (ЖК 235 — моддаси);

21. шунингдек еттинчи бўлимдаги «ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар» (ЖК 279 — 302 — моддалари) учун ҳам жавобгарлик бошланади.

Юқорида айтиб ўтилган жиноятлар бўйича фақат ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Ижтимоий хафли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл — иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

Жиноятда иштирокчилик

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади. (ЖК 27 — моддаси).

Объектив томондан иштирокчилик: 1) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг мавжудлиги; 2) бирликдаги иштироки билан тавсифланади.

Субъектив томондан иштирокчилик: 1) қасддан айб таклининг мавжудлиги; 2) ўзаро ахборот алмашув (билганлик) билан изоҳланади (ЖК шарҳлар, 47 бет).

Жиноят қонунчилигида тўрт турдаги иштирокчилар кўрсатилган. Булар — бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар.

А) Жиноятнинг бажарувчиси деб: 1) жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган шахслар; 2) жиноятни бевосита содир этмаган, бироқ содир этиш учун бошқа, жиноят қонунига кўра жавобгарликка тортилмайдиган шахслардан фойдаланганларга айтилади.

Субъектив томондан бажарувчининг қилмиши ҳамиша қасддан ҳисобланади.

Б) Шарҳланаётган моддадаги «ташкилотчи» тушунчасига қуйидаги фаолият шакллари мансубдир. Булар: 1) жиноятни содир этишга тайёргарлик учун раҳбарлик қилиш; 2) жиноятни содир этишга раҳбарлик қилиш кабилар.

В) Далолатчилик ўзга шахсни жиноятни содир этишга ундаш ёки жиноий фаолиятда қатнашишга қизиқтиришда ифодаланади.

Г) Ёрдамчи деб, жиноятни содир этишга кўмаклашган шахсга айтилади.

Субъектив жихатдан ташкилотчи ва далолатчиларнинг фаолияти тўғри қасд билан содир этилади. Субъектив томондан шериклик тўғри ва эгри қасд билан амалга оширилиши мумкин.

Иштирокчиликка муайян шаклни бағишлайдиган белгилар объектив ва субъектив томонни таърифлагани боис иштирокчилик шакларини таснифлаш асосига объектив ва субъектив мезонлар қўйилган бўлади.

Объектив мезон биргаликда содир этилиш белгиси билан олдиндан аниқланади ва у иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракати хусусиятини очиқ беради. Субъектив мезон иштирокчилар жиноий фаолиятининг мувофиқлашиш даражасини белгилайди. Иккала мезон ҳам ажралмас бир бутунликни ташкил этиб, уларнинг йиғиндиси иштирокчиликни тўрт шаклга бўлиш имконини беради. Булар: 1) оддий шакл; 2) мураккаб шакл; 3) уюшган гуруҳ; 4) жиноий уюшмадир.

умки фақат ижтимоий ҳавфли ва ҳуқуққа хилоф қилиш жиноят деб аталади. он Республикаси ЖК — нинг 35 — моддасига биноан қуйидаги ҳолатлар: яъни пиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охирга зарурат; ижтимоий ҳавфли қилмиш тан шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги 1 бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли чилик жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади.

Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини

қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда Ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топибмайди.

Охириги зарурат ҳолатида, яъни шахсининг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топибмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топибмайди.

Шахсининг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларни қонуан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топибмайди.

Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топибмайди.

Жазо ва уни тайинлаш

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурият чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43—моддасига биноан қуйидаги асосий жазолар тизими мавжуд:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамоқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) ўлим жазоси.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари аҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарздаги кушимча жазо ҳам кулланиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жарима айбдордан давлат даромадига пул ундиришдир. Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилишни билдиради.

ЖКнинг 46 — моддасига биноан ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, хомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиб, айти пайтда мазкур жазо бўйича жавобгарликка тортиладиганларнинг рўйхати ҳам чекланган.

қамоқ — шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

Интизомий қисмга жўнатиш уч ойдан бир йил муддатгача ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ўрнига оддий аскар ва сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматларга қўлланиладиган жазо туридир. Бу жазо суд томонидан белгиланган муддатга муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этиш орқали амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум қилиш энг оғир жазолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жазо айбдорни жамиятдан ажратилган шароитда унга мажбурий таъсир чоралари кўрсатиш зарур бўлганда қўлланилади.

Ўлим жазоси фавқулотда жазо чораси бўлиб, отиб ўлдириш тариқасида амалга оширилади.

Ўлим жазоси аёлга, олмиш ешдан ошган эркакка ва ўн саккиз тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланмайди. Ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин.

қўшимча жазо сифатида ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси айбдорнинг оғир ёки ўта оғир жинояти учун маҳрум этилишда қўлланилади.

Жазони қўллашда уни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлари инобатга олинади.

қуйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д)жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш;

е)зарурий мудрофанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсн ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж)вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;

з)ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и)жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ — атвори таъсири остида жиноят содир этиши.

Жазони оғирлаштириш ҳолатларига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56 — моддасига биноан қуйидаги ҳолатлар киради:

а)ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б)ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;

в)хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г)айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

д)ўта шафқатсизлик билан;

е)кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;

ж)ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

з)жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;

и)умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

к)ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

л)ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;

м)бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;

н)илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

о)мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари; психотроп ёхуд кишининг ақл — идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Жиноят қонунларида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш турлари қўрсатилган. Содир этилган қилмиши учун жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг имконияти масаласи икки омилдан иборат бўлади:

а)шахснинг жиноят белгиларини ифодаланган қилмишни содир этганда, шунингдек уни жиноий жавобгарликка тортиш учун барча асослар мавжуд бўлганда;

б)мазкур шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун барча қонуний асос ва шарт — шароитлар мавжуд бўлган ҳолатларда.

Жавобгарликдан озод қилиш: жавобгарликга тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан; қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини

йўқотганлиги муносабати билан; айбдор ўз қилмишига чин кўлгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан; касаллиги туфайли; амнистия акти асосида амалга оширилади.

Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларида вояга етмаганларга нисбатан фақат асосий жазо чоралари қўлланилади, қўшимча жазо уларга қўлланилмайди.

Вояга етмаганларнинг (18 ёшгача бўлганлар) жиноятлари учун қуйидаги асосий жазоларни қўллаш мумкин:

- а) жарима;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- в) қамоқ;
- г) озодликдан маҳрум қилиш.

Жарима энг кам иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади. Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмаганларга қамоқ жазоси бир ойдан уч ойгача муддатга белгиланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етмаганлар учун олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади. Бу жазони қўллашда вояга етмаганнинг жинояти сабаблари, жиноятнинг оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлари, ёши ва бошқа хусусиятлари инобатга олинади. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш фақат вояга етмаганлар иши бўйича комиссия ҳужжатлари билан танишиб чиққандан кейин юз беради. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун вояга етмаган 18 ёшга тўлмаганлиги, жиноятни биринчи маротаба содир этиши, жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаганлиги эътиборга олинади.

ҳар бир вояга етмаганнинг жиноятини суд пухта ўрганиб чиқиб, сабабини, узр сўрашини, шахснинг психологик жиҳатини, ёшини, тарбия олган муҳитини эътиборга олган ҳолда, балки, унга жиноий жазо қўлланмасдан, мажбурлов чоралар қўллашни мақул кўриши мумкин. Суд вояга етмаганга унинг қилмишини қоралаб, оғир оқибатини тушунтириб, бундай ножўя ҳаракатлар такрорламаслигини уқтириб, нима сабабдан жиноий жазо эмас, мажбурлов чоралар қўллаганлигини айтиб ўтиши зарур.

Жиноят ҳуқуқи фанининг махсус қисмида аниқ жиноятлар, улар учун қўлланиладиган жазо турлари кўрсатилган. Махсус қисмда шахсга қарши жиноятлар, уларнинг турлари; тинчлик ва хавфсизликга қарши жиноятлар, хусусан, агрессия, генойид, ёлланиш, терроризм каби жиноятлар; иқтисодий соҳасидаги, экология соҳасидаги жиноятлар ва бошқа жиноятлар мустақил гуруҳлари ажратилиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят

Кодексининг Махсус қисми 7 бўлимдан, 24 бобдан, 205 моддадан иборат. Шахсга қарши жиноятлар ўз ичига етти бобни, 53 моддани олади. (Жиноят Кодексининг 97—моддасидан 149—моддасигача). Шахсга қарши жиноятлар қуйидаги: ҳаётга қарши жиноятлар; соғлиқга қарши жиноятлар; ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар; жинсий эркинликга қарши жиноятлар; оилага, ёшларга ва ахлоқга қарши жиноятлар; шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр—қимматига қарши жиноятлар ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларга бўлинади.

Тинчлик ва хавфсизликга қарши қаратилган жиноятлар: тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар ва Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган жиноятларни ўз ичига олиб, ЖКда 14 модда уларнинг турлари кўрсатилган.

Жиноят Кодексини Махсус қисмининг учинчи бўлими иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар билан бошланади. Бу бўлим 4 бобдан ва 29 моддадан иборат. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: ўзгалар мулкини толон—тарож қилиш; ўзгалар мулкини толон—тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар; иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар; хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар турларини ўз ичига олади.

Экология соҳасидаги жиноятларга атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олиб, Жиноят Кодексида 193—моддадан 204—моддагача улар турлари кўрсатилган. Масалан, экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш; атроф табиий муҳитни ифлослантириш; ветеринария ёки зоотехник қоидаларини бузиш каби жиноятлар экология соҳасидагиларни ташкил этади.

Жиноят Кодексининг бешинчи бўлими «Ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар» деб аталади. Бу бўлим ўз ичига икки боб, 37 моддани олади. Бобларда бошқарув тартибига қарши жиноятлар; доил судловга қарши жиноятлар терими берилган. Бошқарув тартибига қарши жиноятларга: мансабга совуққонлик билан қараш; ҳокимият ҳаракатсизлиги; мансаб сохтакорлиги; пора олиш; пора бериш ва бошқалар киради. Одил судловга қарши жиноятлар туркумига: айбсиз кишини жавобгарликка тортиш; адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қаро чиқариш; суд қарорларини бажармаслик; кўрсатма беришга мажбур қилиш; ёлғон хабар бериш; ёлғон гувоҳлик бериш каби жиноятлар киради.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар: жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларни; транспрот ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар; гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомила қилишдан иборат жиноятлар; жамоат тартибига қарши жиноят турларини 37 модда кўрсатган.

Жиноят Кодексининг охириги еттинчи бўлими «Харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар» деб номланган.

Бу жиноятларга: бўйсунмиш ва харбий шаънга риоя этиш тартибига қарши; харбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши; харбий мансабдорлик жиноятлари киради. Жиноят Кодексининг 279—моддасидан 302—моддасигача берилган жиноят турлари, Масалан, бўйсунмаслик, буйруқни бажармаслик, бошлиқларни қўрқитиш, мародёрлик, дезертирлик, чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш, хизматга совуққонлик билан қараш, кемани бошқариш қоидаларини бузиш шулар қаторига киради.

Низоми Номли Тошкент Давлат Педагогика Университети
ЮНЕСКОнинг «Инсон ҳуқуқлари ва қадриятлаири» кафедрас

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан дастур

Муалиф:
О.А.Каримова

Тошкент — 2003

АННОТАЦИЯ

Давлат ва ҳуқуқ асослари дастурида — давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ соҳалари бўйича назарий ва амалий машғулотлар 60 соатга мўлжалланган. Яъни, 24 соат маърузага, 26 соат амалий машғулотга, 10 соат мустақил ишга ажратилган.

Дастур барча урта махсус, касб — ҳунар таълим тури укувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: ю.ф.н. доцент А.Тўхтаунов
ю.ф.н. доцент Г.Иномжонова

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг илмий — услубий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Баённома №10

20 май 1998йил

1. СЎЗ БОШИ.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий, иқтисодий ривожланишида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, демократияни амалга оширишда ҳуқуқий йўналишларнинг аҳамияти жуда катта ўринни эгаллайди. ҳуқуқий давлатни кўриш ҳозирги даврда асосий вазифалардан биридир. Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий билим ривожланишига катта эътибор бериб келимоқда. ҳар бир Ўзбекистонда яшовчи фуқаро кимлигидан қатъий назар қонунларга риоя қилса, ўрнатилган ҳуқуқ тартиботни амалга оширса ўз бурч ва ҳуқуқларини мукаммал билса Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз хиссасини янада кўпроқ қўшади.

ҳуқуқий билим, онг, маданият ҳамма учун зарур, лекин энг асосий ўрин муаллимларга ажратилди. Чунки улар оилада — ота—онага, мактабда ўқувчи — ёшларга, олий ва ўрта махсус билим даргоҳларида — талаба шахсни тарбиялашда ўрнатилган бўлишлари керак. Ўзининг махсус билимлари билан бир қаторда ҳуқуқий билимнинг асосий йўналишларини мукаммал ўрганишлари ва ҳаётга тадбиқ этишлари давр талабидир. Бугунги талабаларимиз эртага ҳар хил соҳа мутахассислари бўладилар. Улар иш бошлаган кундан истасалар— истамасалар ҳуқуқ нормалари билан тўқнашадилар. Ишга кириш, корхонадаги ички тартибга риоя қилиш, қонун асосида иш юритиш, ўз эркинликларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий билимга эга бўлишлари керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзбекистоннинг Асосий қонуни инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятини англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади»¹.

Демак, келажак авлодга юқорида баён этилган, Ўзбекистон давлатининг асосий мақсадини англашда ва уни амалга оширишда жалб этишда ўқитувчиларнинг ўрни жуда каттадир. Ана шу мақсадларни эътиборга олиб ушбу ўқув дастурини ёздик. Бу дастур ҳар бир ҳуқуқ соҳаларини ўрганишга, шахсни, давлат тушунчасини, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқининг ривожланишини, ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг вазифа ва мақсадларини англашга боғлиқ билимларни ўз ичига олган.

Дастур «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи» асосларидан 8—синфда, «Конституциявий ҳуқуқ асослари»дан 9—синфда ҳуқуқ соҳалари утилишини назарда тутиб фан такрорланмаслигига эътибор қаратиб, ўқувчиларни мустақил ишлашга жалб этиш мақсадида тузилган

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.Т. «Ўзбекистон», 1992, 37—38 бет

Ушбу курс бўйича мустақил иш, семинар машғулоти режаси ҳам берилган. Ўқитувчи давр талабидан келиб чиқиб режага ўзгартириш киритиши мумкин.

О.А.Каримова

2.МАЪРУЗАЛАРНИНГ МАЗМУНИ

№	Боблар бўйча маърузалар номи ва мазмуни	Мустақил ўр — ганиш учун тавсия этил — ган мавзулар
1.1.	I — боб Далат ва ҳуқуқ назарияси — 4с. «Ҳуқуқшунослик» фанининг предмети,вазифаси, мақсади <u>Жамият, давлат ва ҳуқуқ</u> Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети, вазифаси, мақсади. Кишилиқ жамиятида ижтимоий бошқариш. Жамиятда давлатнинг келиб чиқиши. Давлатнинг моҳияти, белгилари, шакллари. Ҳуқуқий давлат. Ўзбекистон ҳудудида қадимги давлат — ларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг бошқа — рилиши, тузилиши, сиёсий тартиби. Ўрта асрларда вужудга келган давлатларнинг ижтимоий тузилиши. Янги даврда ва энг янги даврда Ўзбекистон давлатининг ривожланиши. <u>Ҳуқуқ назарияси.</u> Жамиятда ҳуқуқнинг пайдо бўлиши. Ҳуқуқнинг моҳияти, шакллари, соҳалари. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Ҳуқуқий маданият тушунчаси. Ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий саводхон — лик.	— 2с.
2.1.	II — боб. Конституциявий ҳуқуқ асослари — 2с. <u>Конституция давлатнинг асосий қонуни.</u> Конституциявий ҳуқуқ фани ҳақида ту — шунча. Ўзбекистон Республикасининг кон — ституциявий ҳуқуқининг ривожланиш. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекис — тон Конституциясининг аҳамияти ва асосий	.

	– сий ҳусусиятлари. Жаҳонда тутган ўрни.	
2.2.	<u>Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг асосий мазмуни.</u> Ўзбекистон Республикаси асосий прин — циплари. Жамият ва шахс. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятининг конституциявий асослари. Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий — ҳудудий тузилиши. Ўзбекистон Республи — касида давлат ҳокимиятини ташкил этиш — нинг конституциявий асослари.	
3.1.	III — боб. Маъмурий ҳуқуқ асослари — 2с. Маъмурий ҳуқуқ фани ҳақида тушунча. Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарлик ва жазо. Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги ва уни олдини олиш. IV — боб. Фуқаролик ҳуқуқи асослари — 4с.	
4.1.	<u>Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари.</u> Фуқаролик ҳуқуқий фани ҳақида тушун — ча. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқиш асослари. Шахслар. Битимлар тушунчаси, турлари.	
4.2.	<u>Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш.</u> Мулк ҳуқуқи. Мулк шакллари. Мажбурият ҳуқуқи. мажбуриятларни бажаришни таъминлаш асослари. шартномалар, уларнинг турлари. Интеллектуал мулк ва уни ҳуқу — қий тартибга солиш. восирлик ҳуқуқи. Восирлик асослари. қонуний ва васият бўйича	

	ворислик. Ворисларнинг ҳуқуқлари.	
	V – боб. Меҳнат ҳуқуқи асослар – 4с. <u>Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлар.</u> Меҳнат ҳуқуқи фани ҳақида тушунча. 5.1. Меҳнатга доир қонунлар ва уларнинг ва – зифаси. Меҳнатга доир қонунларнинг уму – мий қоидалари. Жамоа шартномаси ва келишувлар, улар – нинг мазмуни. Меҳнат шартномаси, унинг мазмуни, шакли муддатлари. Меҳнат шарт – номасини тузиш ва уни бекор қилиш асос – лари. <u>Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.</u> 5.2. Ишга қабул қилиш. Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш. Меҳнат инти – зомии ва интизомий жазолар. Меҳнат шарт – номаси тарафларининг моддий жавобгарли – ги. Айрим тоифадаги ходимларга берила – диган қўшимча кафолат ва имтиёзлар. Меҳнат низолари. Давлат ижтимоий суғуртаси. Пенсия таъминоти. Пенсия тўлаш асослари. .	
	VI – боб. Оила ҳуқуқи асослари – 2с. <u>Никоҳ ва оила.</u> 6.1. Оила ҳуқуқи фани ҳақида тушунча. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари. Никоҳнинг тугатилиши. Эр – хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Никоҳ шартномаси. Ота – она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Фарзандликка олиш. Васийлик ва ҳомийлик	

	VII – боб. Жиноят ҳуқуқи асослари – 4с. Жиноят ҳуқуқи фани ҳақида тушунча. 7.1. Жиноят қонуни ва унинг вазифалари. Жи – ноят қонуннинг принциплари. Жиноят ту – шунчаси ва белгилари. Жиноят таркиби ва унинг турлари. Жисмоний шахсларнинг жа – вобгарлиги. Жиноятда иштирокчилик <u>Жазо ва унинг тайинлаш.</u> 7.2. Жазо тушунчаси, мақсади. Жазо тизими. Жазо тайинлишнинг умумий асослари. Жи – ной жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг ху – сусиятлари. Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими. Вояга етма – ганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш. VIII боб Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш – 2 с. Табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш предмети. Табиатни муҳофаза қилиш манбалари. Табиатни муҳофаза қилиш қонунлар. Табиатни муҳофаза қилиш асослари Атроф муҳитни зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва ўзгартириш. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиат қўриқхона ҳудудларининг иш тартибини бузганлик учун жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси қонунларида	

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун жавобгарлик.

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси атмосфера ҳавосини иф – ласнишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши. Давлат қўриқхоналари, миллий, тарихий – табиий ва ёдгарлик боғлари, табиат ёдгорликлари, Курорт ва реабилитация жойлари.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик. Жавобгарлик тушунчаси. Жавобгарлик турлари.

3. АМАЛИЙ ЁКИ СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

№	Боблар бўйича машғулотлар мавзусининг номи ва мазмуни	Соат хажми
	1 – боб ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ <u>ҳуқуқий давлат тушунчаси.</u> 1.1. ҳуқуқий давлат тўғрисидаги назарий асослари манбалар, ғоялар, таълимотлар. 1.2. ҳуқуқий давлат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фикрлари. 1.3. ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари. 1.4. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатни барпо этиш масалалари.	2с.
	2 – боб. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ. <u>Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши.</u> 2.1. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи. 2.2. қонун чиқарувчи ҳокимият. 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти. 2.4. Ижро этувчи ҳокимият. 2.5. Маҳаллий давлат ҳокимияти. 2.6. Судлов ҳокимияти	2с.

	3 – боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ. <u>Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги.</u> 3.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик тўғрисида тушунча. 3.2. Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги. 3.3. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги ва қўлланиладиган жазолар. 3.4. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги олдини олиш.	2с.
	4 – боб. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ. <u>Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш.</u> 4.1. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида тушунча. 4.2. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари. 4.3. Мулк шакллари. 4.4. Мажбуриятлар ва уларнинг турлари. 4.5. Вояга етмаганларнинг мулкӣ муносабатларда иштирок этиши. <u>Зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатлар.</u> 4.6. Умумий қоидалар. 4.7. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.	4с.

4.8.	Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.	
4.9.	Маънавий зарарни қоплаш.	4с.
	5 – боб. ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.	
	<u>Оила аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати.</u>	
5.1.	Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари.	
5.2.	Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари.	
5.3.	Ота – онанинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари.	
5.4.	Ота – она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари.	
5.5.	Ота – она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.	
5.6.	Оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари.	
5.7.	Ота – она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари.	
5.8.	Фарзандликка олиш.	4с.
5.9.	Васийлик ва ҳомийлик.	
	6 – боб. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.	
	<u>Ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш қоидалари.</u>	
6.1.	Ишга қабул қилишда талаб қилинадиган ҳужжатлар.	

6.2.	Ишга қабул қилиш тартиби.	
6.3.	Меҳнат шартномаси ва уни тузиш тартиби.	
6.4.	Меҳнат шартномасини бекор қилиш.	
	<u>Ёшлар (18 ёшга етмаганлар) меҳнатини муҳофаза қилиш.</u>	
6.5.	Ёшларни ишга қабул қилиш.	
6.6.	Вояга етмаганларнинг иш вақти ва дам олиш вақти.	
6.7.	Ёшлар меҳнат ҳақ тўлаш. Меҳнат шартномасини бекор қилишда ёшларга бериладиган қўшимча кафолатлар.	
6.8.	Ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар учун имтиёзлар.	
	7 – боб. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.	4с.
	<u>Жиноятнинг келиб чиқиши унинг олдини олиш.</u>	
7.1.	Жиноят — ижтимоий хавфли қилмиш.	
7.2.	Вояга етмаганларнинг жинояти ва жиноий жавобгарлиги.	
7.3.	Вояга етмаганлар учун белгиланган жазо тизими.	
7.4.	Вояга етмаганлар жиноятининг олдини олиш.	
8	<u>Алоҳида жиноят турлари.</u>	
8.1.	Шахсга қарши жиноятлар.	

8.1.	Шахсга қарши жиноятлар.	
8.2.	Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.	
8.3.	Иқтисодиёт ва экология соҳасидаги жиноятлар.	
8.4.	ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.	
8.5.	Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.	
8.6.	ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.	2.с
9.	<u>ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.</u>	
9.1.	ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақида тушунча.	
9.2.	ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими ва уларнинг фаолияти.	
9.3.	қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот.	2.с
9.4.	қонун устиворлиги — давр талаби.	
	<u>8—боб</u> <u>Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш</u>	
10.1	Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси, турлари.	
10.2.	Махсус қонунлар, уларнинг вазифаси.	
10.3.	Табиатни муҳофаза қилишига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар турлари ва жазо чоралари.	

Амалий машғулотлар ҳар ҳил шаклларда ўтилади. Талабаларга 10–15 савол берилиб, ажратилган вақтда жавоблар йиғиб олинади ва профессор ўқитувчи у жавобларга рейтинг баҳосини қўяди. Ўқитувчи талабаларни бир – неча гуруҳларга бўлиб, ҳар гуруҳга махсус топшириқ беради, гуруҳ раҳбари ўз гуруҳи аъзоларининг фикрлари билан ўртоқлашади, баҳо ҳар бир гуруҳга алоҳида қўйилади. Талабаларга бир мавзунини ёритиб келиши тўғрисида топшириқ берилади, назорат ишлар мавзулари тузилади, рефератлар, кўргазмали ишлар ва х.к. мустақил ишлар берилиши ҳам мумкин. Амалий машғулотда талаба илмий изланиб, келажакда ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини кўрсата билиш натижаси келиб чиқиши лозим.

ГРАФИКАВИЙ – ҲИСОБЛАШ (РЕФЕРАТИ) ИШЛАР МАВЗУСИНИНГ
МАЗМУНИ.

№	Боблар бўйича мавзуларнинг номи.
	1 – боб.ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ.
1.1.	Фурқатнинг ижтимоий – сиёсий тафаккурининг асосий мақсадлари.
1.2.	Муқимийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги тушунчаси.
1.3.	ҳокимият (ҳукумат), давлат ва ҳуқуқ.
1.4.	Давлат, ҳуқуқ ва шахс.
1.5.	Давлат, ҳуқуқ ва иқтисод.
1.6.	Давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати.
1.7.	Давлат ва мафкура.
1.8.	Давлатнинг конституциявий принциплари.
1.9.	ҳуқуқий давлатни барпо этиш масалалари.
1.10	Жамоат ташкилотлари, давлат ва шахснинг ҳуқуқий давлатни қуришидаги ўрни.
1.11.	Давлат ва маданият (тарихий – ҳуқуқий нуқтаи назар).
1.12.	қонучиликни ривожлантиришнинг назарий асослари.
1.13.	қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш муаммолари.
1.14.	ҳуқуқий тарбия назарияси.
1.15.	Ўзбекистон Республикаси қонунларининг такомиллашуви.
1.16.	ҳуқуқий нормалари.

1.17.	ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш тушунчаси, йўллари.
1.18.	Юридик жавобгарлик механизми.
	2 – боб. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ.
2.1.	Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясининг қабул қилиш шарт – шароитлари.
2.2.	Ўзбекистон Республикасининг Олий давлат органларининг ташкил топиши, фаолияти.
2.3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг фаолияти.
2.4.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, фуқароликнинг вужудга келиши.
2.5.	Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг асослари.
2.6.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Оила тўғрисида.
2.7.	қорақалпоғистон Республикасининг сиёсий – ҳуқуқий ҳолати.
2.8.	Давлат бошқарилишининг конституцион асослари.
2.9.	Маъмурий – ҳуқуқий тузилиш тушунчаси, моҳияти.
2.10.	Мулкни маъмурий – ҳуқуқий ҳимоя қилиш.
2.11.	Атроф муҳитни ҳимоя қилишда маъмурий – ҳуқуқий муаммолар.
2.12.	Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг бошқарилишини таъминлаш.
2.13.	Корхона, муассаса, ташкилотлар – маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида.
2.14.	Турар жойларни хусусийлаштириш асослари.
	3 – боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.

3.1.	Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар.
3.2.	Маъмурий ҳуқуқий муносабат субъектлари.
3.3.	Давлат бошқаруви.
3.4.	Давлат хизматчилари ва унинг турлари.
3.5.	Давлат бошқаруви соҳалари.
3.6.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик.
3.7.	Маъмурий жавобгарлик асослари.
3.8.	Маъмурий жазо турлари.
	4 – боб. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.
4.1.	Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, мақсади.
4.2.	Битимлар тўғрисида тушунча, турлари, шартлари.
4.3.	Ўзбекистон Республикасида турар жой ҳуқуқий асослари.
4.4.	Муалифлик ҳуқуқи асослари.
4.5.	Восирлик ҳуқуқи асослари.
4.6.	Фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг келиб чиқиш асослари.
4.7.	Фуқаролик ҳуқуқида даъво муддатининг келиб чиқиш асослари.
4.8.	Кредит ва қарз шартномаси.
4.9.	Банк шартномаси.
4.10.	Топшириқ шартномаси.
4.11.	Омонат шартномаси.
4.12.	Суғурта тушунчаси, турлари.

4.13.	Оддий ширкат шартномаси.
4.14.	Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар.
4.15.	Интеллектуал мулк тушунчаси.
4.16.	Шартномаларга оид ҳуқуқлар.
	5 – боб. ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.
5.1.	Оила ҳуқуқи тушунчаси, турлари.
5.2.	Никоҳдан ўтиш шарт – шароитлари.
5.3.	Никоҳни бекор қилиш шарт – шароитлари.
5.4.	Эр – хотиннинг моддий ва манавий ҳуқуқ ва бурчлари.
5.5.	Ажрим сабаблари, оқибати.
5.6.	Фарзандликка олиш.
	6 – боб. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.
6.1.	Меҳнат ҳуқуқида вакиллик тушунчаси, турлари, вазифалари.
6.2.	Меҳнат шартномасининг келиб чиқиш асослари, турлари.
6.3.	Аҳолини иш билан таъминлаш йўллари.
6.4.	Меҳнат интизоми, вазифаси.
6.5.	Кафолатлар ва бадал тўловлар.
	7 – боб. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.
7.1.	Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, мақсади, вазифаси.
7.2.	Жиноят тушунчаси.
7.3.	Жиноий жавобгарлик.
7.4.	Жиноятнинг таркиби.

7.6. Жиноий жазо ва унинг турлари.

8 – БОБ. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

8.1. Табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси.

8.2. Табиатни муҳофаза қилиш сабаблари

.

8.3. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлари.

8.4. Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш асослари

8.5. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари.

РЕФЕРАТ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ

1. Фаробийнинг ҳуқуқий ғояларининг методологик муаммолари.
2. Берунийнинг ҳуқуқий ғоялари, унинг тарбиявий аҳамияти.
3. А.Навоийнинг ҳуқуқий ғоялари, унинг тарбиявий аҳамияти.
4. А.Донишнинг давлат тўғрисидаги тушунчаларининг бугунги кундаги аҳамияти.
5. Ҳуқуқий билимнинг Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ўрни.
6. Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш.
7. ҳуқуқий давлатни барпо этишда фуқароларнинг ҳуқуқий қатнашувини юксалтириш.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари.
9. Фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари асослари, кафолати.
10. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тўғрисидаги ҳужжатларнинг мақсади, вазифаси.
11. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш асослари.
12. Давлат бошқаришда шахснинг ўрни.
13. Жамият ривожланишида фуқаролик ҳуқуқининг ўрни.
14. Фуқаролик ҳуқуқининг тарбиявий аҳамияти.
15. Юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатлари.
16. Ёшлар меҳнати ҳуқуқий ҳолатлари, муҳофазаси.
17. Ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боровчиларнинг имтиёзлари.
18. Оила ҳуқуқининг тарбиявий аҳамияти.
19. Ота – онанинг фарзанди олдидаги бурчлари бажарилишининг тарбиявий аҳамияти.
20. Фарзандларнинг ота – онаси олдидаги бурчлари бажарилишининг тарбиявий аҳамияти.
21. Табиатни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари.
22. Вояга етмаганлар жинояти сабаблари, жавобгарлик турлари.
23. Инсон ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро билль ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги аҳамияти.
24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонунларнинг тарбиявий аҳамияти.
25. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанининг тарбиявий аҳамияти.
26. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанини ўргатишидаги янги ёндашувлар.
27. Ўзбекистон Республикаси — суверен демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида.

НАЗОРАТ ИШЛАР МАВЗУЛАРИ

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг тушунчаси, вазифаси.
2. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологик муаммолари.
3. Давлатнинг келиб чиқиш асослари.
4. Давлат белгилари.
5. Давлатнинг шакллари.
6. Давлатнинг функциялари.
7. Давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий асосини мустааҳкамлаш йўллари.
8. ҳуқуқий нормалар билан ахлоқий нормаларнинг ўзаро муносабати.
9. ҳуқуқ ва адолат.
10. қонун ва қонуний актларнинг аҳамияти.
11. ҳуқуқ манбалари.
12. қонунбузиш тушунчаси.
13. Референдум тушунчаси, уни ўтказиш асослари.
14. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тарихий йўли.
15. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқий тузилиши.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентлик бошқариш вужудга келишининг шарт – шароитлари.
17. Вазирлар Маҳкамасининг тузилиш фаолияти.
18. Маҳаллий давлат ҳокимиятларининг ташкил топиши, фаолиятлари.
19. Ўзбекистон Республикаси Суд ҳокимиятининг тизими, фаолияти.
20. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил топиши, фаолияти.
21. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими.
22. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тизими, фаолияти.
23. Фуқароларнинг бурчлари.
24. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий негизи.
25. Жамоа бирлашмаларининг ташкил топиши, ҳуқуқий ҳолати.
26. Ўзбекистон Республикасида маъмурий назорат ўрнатиш.
27. Давлат инспекцияларининг вазифалари.
28. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси.
29. Давлат хизматчиларининг жавобгарлик тушунчаси.
30. Бошқариш соҳасидаги муаммолар.
31. Вазирликлар ва давлат қўмиталарининг вазифалари.
32. Давлат бошқариш ишларини ҳуқуқий ташкил қилиш.
33. Мулк ҳуқуқи тушунчаси.
34. Ўзбекистон Республикасида мулкчилик турлари.
35. Фуқаролик муносабатлар келиб чиқиш асослари.
36. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси.
37. Фуқаролар (жисмоний шахснинг) тушунчаси.
38. Фуқароларнинг ҳуқуқий ва муомала лаёқати тушунчаси.
39. Фуқаролик ҳуқуқини объектлари.
40. Вакиллик ва ваколатнома.
41. хусусий мулк тушунчаси, вужудга келиш асослари.

42. Мажбурият тушунчаси, турлари.
43. Олиш – сотиш шартномаси.
44. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси.
45. неустойка тушунчаси, турлари.
46. Энергия таъминоти шартномаси.
47. Корхонани сотиш шартномаси.
48. Хадя қилиш шартномаси.
49. Рента шартномаси.
50. Мол – мулк ижараси (аренда) шартномаси.
51. Лизинг шартномаси.
52. Текинга фойдаланиш шартномаси тушунчаси.
53. Пудрат шартномаси.
54. ҳақ баробарига хизмат кўрсатиш шартномаси.
55. Юк ва йўловчиларни топиш шартномаси.
56. Комиссия шартномаси.
57. Жамоа шартномаси тушунчаси.
58. Ишдан бўшатиш асослари.
59. Меҳнат муҳофазаси тушунчаси.
60. Нафақалар тушунчаси, турлари.
61. Меҳнат таътиллари, турлари.
62. Васийлик ва хомийлик тушунчаси.
63. Табиий ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқ ва бурчлари.
64. Табиатни муҳофаза қилишни бошқариш турлари.
65. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш.
66. Ернинг ҳуқуқий ҳолати.
67. Ерни муҳофаза қилиш турлари.
68. Жамоа хўжаликни ҳуқуқий бошқариш.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1998й.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномалари. 1995—1999йй.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўпламлари. 1995—1999йй.
4. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 1995й.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат», 1996й.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., «Адолат», 1995й.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т., 1995й.
8. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Т., 1998й.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят—прцессуал кодекси. Т., 1995й.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
11. И.А.Каримов. Буюк келажагимизни ҳуқуқий кафолати. Т., «Ўзбекистон», 1993й.
12. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992й.
13. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий—ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995й.
14. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998й.
15. И.А.Каримов. Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг. Т., 1993й.
16. И.А.Каримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т., 1993й.
17. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий—ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1993й.
18. М.Мирхамидов. Государственнўй суверенитет и становление совершенной Ўзбекской национальной правовой государственности. Т., «Фан», 1994й.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги» қонун. Т., 1994й.
20. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисидаги қонун.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги қонун. Т., 1993й.
22. Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги қонун. Т., 1993й.
23. Ўзбекистон Республикаси фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун. Т., 1993й.
24. Ўзбекистон Республикаси судлар тўғрисидаги қонуни. Т., 1993й.
25. О.А.Каримова. Қонун, оила, фарзанд, ва жамият. Т., 2001й.
26. О.А.Каримова, З.М.Гаффаров. Давлат ва ҳуқуқ асослари (дарслик). Т., «Ўқитувчи», 1995й.
27. О.А.Каримова, ҳ.Н.Тўйчиева. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». т., «Ўқитувчи», 1996й.
28. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси. Т., «Ўзбекистон», 1993й.
29. А.Саидов. Мустақиллик қомуси. Т., 1993й.

30. Ш.З.Уразаев. Конституция независимого Узбекистана. Т., 1993й.
31. А.Тўхтаунов, Н.Йўлдошева, Й.Турсунов. Меҳнат, қонун, истиқлол. Т., 1993й.
32. А.Тўхтаунов, М.Жумаев, Й.Турсунов ва бошқалар. ҳуқуқий ислохатлар фуқароларнинг меҳнат ва пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчилиги. Т., 1995й.
33. Р.қаюмов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т., «Адолат», 1998й.
34. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси шарҳлар. Т., «Адолат», 1997й.
35. Теория Государства и Права. М., 1998й.
36. Теория Государства и Права. М., 1999й.

«ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Давлат ва ҳуқуқ назарияси

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси нимани ўргатади?
 - a) давлат, ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, белгилари, шакллари, ривожланиши;
 - b) фақат давлат назариясини;
 - c) ҳуқуқнинг белгиларини;
 - d) давлат бошқарувини;
 - e) мустақиллик белгиларини.
2. Давлат қандай функцияларни бажаради?
 - a) ички ва ташқи;
 - b) бошқа давлатлар билан алоқани мустаҳкамлайди;
 - c) ташқи сиёсат олиб боради;
 - d) давлат бюджетини ташкил этади;
 - e) қонунлар чиқаради.
3. Давлатнинг тузилиш шакли қандай бўлади?
 - a) республика, монархия, унитар, империя;
 - b) унитар ва конфедератив;
 - c) федератив, конфедератив, империя;
 - d) оддий ва федератив;
 - e) унитар, федератив, конфедератив, империя.
4. Давлатнинг бошқариш шаклини айтинг:
 - a) республика, монархия;
 - b) конституциявий монархия ва республика;
 - c) империя ва республика;
 - d) монархия, президентлик республикаси;
 - e) монархия, империя.
5. Давлатнинг сиёсий тартиби қандай?
 - a) демократик ва ғайридемократик;
 - b) фашистик ва эркинлик;
 - c) тоталитар ва тенглик;
 - d) демократик ва фашистик;
 - e) сиёсий партиялар ва ирқчилик.
6. Давлат аппаратнинг тушунчаси:
 - a) жамият ишларини бажариш учун ташкил этилган органлар;
 - b) жамоа ишларини учун ташкил этилган ташкилотлар;
 - c) халққа, оммага хизмат қилиш учун уюшмалар;
 - d) фуқароларни бошқариш учун яратилган бирлашмалар;

- е) ҳуқуқбузарлик олдини олиш учун ташкил этилган органлар.
7. Ўзбекистон Республикаси тузилиш жихатидан қандай давлат?
- а) конфедератив;
 - б) унитар;
 - с) республика;
 - д) суверен;
 - е) федератив.
8. Ўзбекистон Республикаси бошқарилиш жихатидан қандай давлат?
- а) республика;
 - б) мустақил;
 - с) федератив;
 - д) суверен;
 - е) конфедератив.
9. «қонунчилик» сўзи қандай маънони билдиради?
- а) қонун қабул қилиш жараёни;
 - б) қонунга сўзсиз амал қилишни;
 - с) қонун асосида иш кўришни;
 - д) қонучилик ташаббусликни;
 - е) ҳамма жавоб тўғри.
10. Ўрта аср (IX – X) мутафаккирларидан кимларни биласиз?
- а) Форобий, Беруний, Ибн Сино;
 - б) Форобий, Улуғбек, Хоразмий;
 - с) Ибн Сино, Беруний, Навоий;
 - д) Беруний, А.Темур, Хамза;
 - е) Форобий, Навоий, А.Темур.
11. Форобий шаҳар — давлатни қандай давлатларга бўлади?
- а) фазил ва жохил;
 - б) адолатли ва адолатсиз;
 - с) бахтли ва бахтсиз;
 - д) фазил ва мақсадга мувофиқ эмас;
 - е) мақсадга мувофиқ ва жохил.
12. Форобий фикрча давлатни идора этиш санъати...
- а) илмий ва назарий;
 - б) ахлоқий ва илмий;
 - с) назарий ва амалий;
 - д) назарий ва ахлоқий;
 - е) амалий ва илмий.

13. Фөробий инсоннинг жамиятдаги ҳаракатини қандай турларга бўлади?
 - a) адолатли, адолатсиз;
 - b) хакикий, ёлгон;
 - c) бахтли, бахтсиз;
 - d) мақсадли, мақсадсиз;
 - e) ақлли, ақлсиз;
 - f) амалий ва илмий.
14. Фөробий давлатга таълуқли қандай ибора ишлатади?
